

А. И. МҮМИНОВ

ҚУЛОҚ, ТОМОҚ ВА БУРУН ҚАСАЛЛИҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тиббиёт олий ўқув юрглари талабалари учун дарслик сифатида тасдиқлаган

Тошкент

Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси
1994

56.8
УДК 41.08.14.

Мўминов Акрам Иброҳимович — тиббиёт фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: Андижон тиббиёт олий билимгоҳи қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари кафедраси мудири, профессор **А. И. Олимов**, тиббиёт фанлари доктори, профессор **С. А. Хасанов**.

Мўминов А. И.

М 99 Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари: Тиббиёт олий ўкув юртлари талабалари учун дарслик.— Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1994.— 1576.

Муминов А. И. Болезни уха, горла и носа.

Дарсликда муаллиф оториноларингологиянинг ривожланиш тарихи, юкори нафас йўллари ва қулоқ касалликларининг клиник анатомияси ва физиологиясига оид аниқ маълумотлар берган. Шу билан бирга китобда ана шу касалликларнинг олдини олишда кўриладиган амалий чоралар ҳам батафсил ёритилган. Тиббиёт олий билимгоҳлари талабаларирига мўлжалланган бу дарслик ўкув дастурнiga мувофиқ ёзилган.

56.8я73

4108140000—030
М —————— 94
М 354(04) — 94

ISBN 5—638—01001—7

© Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1994.

СҮЗ БОШИ

Муаллиф ушбу дарсликни ўзининг кўп йиллик тажрибасига асосланган ҳолда тиббиёт олий билимгоҳлари талабалари учун ёзган. Бу дарслик талабалар билимининг назарий ва амалий ошишига ёрдам беради. Дарсликда қулок, томоқ ва бурун анатомияси, физиологиясига алоҳида эътибор берилган. Чунки оториноларингологияяга оид машғулотлар ўтказилишига қарамасдан талабалар ушбу фан бўйича тўлиқ билимга эга эмаслар. Эндоскопик текширишнинг янги усулларининг ўзлаштирилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Бу талабаларга қулок, томоқ ва бурун аъзоларини текшириш усулларини тўлиқ ўзлаштириш ва кафедра шароитида касалхонадагидек тематик машғулотлар ўтказиш имконини беради.

Касалликлар клиникаси яқин жойлашган аъзолар, айрим аъзо ва системаларнинг заарланиши билан боғлиқ. Дарсликда қулок, томоқ ва бурун аъзолари шикастланганда ва касалланганда ошиғич ёрдам кўрсатиш масалаларига катта эътибор берилган. Шунингдек профессионал (касб-корга оид) оториноларингология, юқумли касалликларнинг кечиш хусусиятлари ана шу касалликлар патологиясининг тиш-жағ системасига боғлиқлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бурунда, ҳикайлодокда, бурун олди бўшликларида, қулок соҳасида пайдо бўладиган ўスマларга етарли эътибор берилган.

ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИГА ДОИР ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТЛАР

Табобат муваффакиятларни қўлга киритишда оғир ва мешақкатли йўлни босиб ўтди. Ҳар қайси замон табобатидан бизгача турли касалликларни даволашга доир катор аниқ-равшан усуллар колган. Шунингдек қадим юнон ёзувларида (у Ротзес 11 мақбарасида топилган) турли хил

хасталикларни, шу жумладан қулок касалликларини даволашга доир қатор тавсиялар ёзиб қолдирилган.

Сүкрот асарларида томок, бурун ва қулок касалликларини даволаш ҳақида бирмунча аник-равшан маълумотлар берилган. Олим сүякли чиганоқ ичиди пардали чиганоқ борлигини аниқлаган. У ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган жарроҳлик операцияларини — кўрсаткич бармок билан танглай безларини ва ипак ип билан бурун бўшлиғидан полипларни олиб ташлаш каби жарроҳлик усулларини кўллаган. У қулок касалликларидан эшитур йўлига ўсимлик мойини томизиш, қулокқа иссиқ сув шимдирилган булатчалар қўйиш йўли билан иситувчи компресслар қилишни тавсия этган.

Таниқли олим **Цельс** қулок касалликлари кўз касалликларига қараганда анча хатарли хасталик эканини, агар вактида олди олинмаса хунук оқибатларга сабаб бўлиши мумкин эканини алоҳида таъкидлаган.

Араб шифокорларидан **Абу Али ибн Ҳусайн** (980—1037 й.) ҳам қулок, томок ва бурун касалликларини даволашнинг йўл-йўриқларини кўрсатиб берган.

Абу Козим қулок қаттиқ оғригандада унинг супрасига якин муайян нукталарни қизиб турган темир билан куйдириш муолажасини бажаришни тавсия қилган.

Х аср охири XI аср бошларида яшаган мутафаккир олим **Абу Али ибн Сино** қулок, томок ва бурун хасталикларини даволаш йўлларини яхши билган. У консерватив ҳамда хирургик даволаш усулларини кўллаган. Унинг ана шу аъзолар анатомиясига ва физиологиясига оид таърифлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ўша даврга тегишли маълумотлар асосан қулок, томок ва бурунни кўз билан кўриш мумкин бўлган бўлимларга алоқадор касалликларга даҳлдор бўлган. 1314 йилда биринчи марта Мандиноде Луцци мурдани ёришни амалга оширган. Бу одам организми тузилишини ҳар томонлама ўрганиш имконини берди. Чунончи, **Фаллопий** (1513-1582) қулок лабиринтини баён қилган. Бу канал олим номи билан аталадиган бўлди. **Евстахий** (у 1570 йилда вафот этган) ноғора бўшлиғининг иккала мушагини, ноғора бўшлиғини бурун-ҳалқум билан бирлаштирадиган Евстахий найини топган. **Везалий** (1513-1564) биринчи бўлиб эшитур сүякчаларини, айни пайтда факат шу сүякчаларнинг иккитаси — болғача ва сандончани таърифлаган эди. 1683 йилда **Дю Варнье** биринчи марта чиганоқ тузилишини кашф этиб, уни чолғу асбобига ўхшатди. У асосий мембрана турли узунликда бўлгани учун чиганоқнинг товуш тонларини фарқлай олиш қобилияти бор, деб фараз қилди.

1704 йилда Вальсальва узангининг даҳлиз дарчасининг четлари билан бирикиб кетиши кар бўлиб қолишга сабаб бўлиши мумкинлигини аниқлаб берган, бу хозирда отосклероз деб аталади. Олим бурунни ёпиб туриб, Евстахий найи ёрдамида қулокқа пулфлаб, қулокдаги йирингни чиқариб юбориш усулини таклиф этган. Шунингдек қулок касалликларида хирургик даво йўлларини ҳам қўллаш тавсия қилинган.

Чунончи, 1649 йилда **Риолан** эшитув найи беркилиб қолиши натижасида қулок эшитмай қолса ва ғувилласа сўрғичсимон ўсимтани трепанация килиш керак, деб таъкидлаган. **Катания** (1736-1822) яратган кашфиёт отиатриянинг ривожланишида муҳим бир босқич бўлди, олим биринчи бўлиб қулок лабиринтида ҳаво эмас, балки маҳсус суюқлик борлигини исботлаб берди. У ички қулоқнинг сув йўлини ҳам батафсил таърифлаб берган.

1890 йили **Купер** биринчи марта парацентез — ўрта қулоқ яллиғланганда ногора пардани операция қилишни таклиф қилган.

Россияда нашр қилинган «Жарроҳликни ўқитиш бўйича қўлланма»даги каттагина боб қулок, бурун ва томоқ касалликларига бағишлиланган бўлиб, бу ана шу касалликларга оид биринчи фундаментал дарсликдир. Бу дарслик муаллифи тиббий-жарроҳлик академиясининг профессори И. Ф. Бушдир (1771—1843). У ташки, ўрта ва ички қулоқ касалликларини баён қилиш билан бирга бурун бўшлиғи хасталиклари ҳакида ҳам маълумотлар келтирган. Шунингдек кўпгина қулок, томоқ ва бурун касалликларини консерватив ва хирургик даволашга оид тавсиялар берган.

Қўриниб турибдики, тиббиёт илмида муҳим ўрин тутган оториноларингология фани узок ва машаққатли ривожланиш йўлини босиб ўтди. Оториноларингология мустақил фан сифатида ажralиб чиққунга қадар юкори нафас йўллари касалликларини терапевтлар даволардилар. Жарроҳлар эса қулок касалликларига ёрдам кўрсатар эдилар. Чунки айнан қулок касалликларида аксари ҳолларда хирургик ёрдам талаб қиласиган асоратлар кўпроқ учрайди.

Терапия ҳамда жарроҳликни оториноларингологиянинг ривожланиб шаклланишида ҳиссаси катта бўлди. Клиник тажриба, физиологик ютуқларнинг тўпланиб бориши, текширув ва даволашнинг янги усулларининг ўзлаштирилиши қулок, томоқ ва бурун патологиясида назарий ва амалий масалаларни керакли даражада ёритадиган ихтисосликни ажратиш заруратини туғдиради. Бунда


оториноларингология фанини ривожлантиришда хизматлари катта бўлди. Бунда профессорлар Л. Т. Левин, К. А. Дренова (Тошкент шифокорлар малакасини ошириш илмгоҳи), А. В. Савельев (Самарқанд тиббиёт олий билимгоҳи) ҳам катта хисса қўшиши.

Хозирги кунда Республикализнинг тиббиёт олий билимгоҳларида ва шифокорлар малакасини ошириш илмгоҳида қулоқ, бурун ва томок касалликлари бўйича 7 та кафедра ишлаб турибди, кафедраларга тиббиёт фанлари доктори, профессорлар К. Д. Миразизов, А. И. Мўминов, Ф. Т. Иброҳимов, А. Н. Додамухаммедов, А. И. Алимов, Т. Х. Насриддиновлар раҳбарлик қилмоқдадар.

ҚУЛОҚ КАСАЛЛИКЛАРИ

ҚУЛОҚ АНАТОМИЯСИ

Ташки, ўрта ва ички қулоқ тузилиши жиҳатидан ўзаро тафовут қилинади (1-расм). Қулоқ супраси мураккаб тузилган бўлиб, икки қисмдан ташкил топган: бу пастки қулоқ юмшоги ва тери билан қопланган тоғай қисми. Қулоқ супрасининг тоғай қисми бир қанча бурмалардан иборат. Бу бурмалар: қулоқ супраси бурмаси ва бу бурма қаршисида гажак қаршисидаги бурма қулоқ дўмбоқчasi бўлади. Ана шу дўмбоқча ташки эшитув йўлига кириш жойини ёпиб туради (2-расм).



1-расм. Ташки, ўрта ва ички қулоқ.

мановский (Россия) ва бошқа шу каби бир қатор йирик мутахассисларнинг номлари оториноларингология тарихида муносиб ўринни эгаллади. Ҳозирги вактда оториноларингология фани юксатиб бормоқда, бунга оториноларингологларнинг амалиётда операцион микроскопдан фойдалана бошлаганликлари мисол бўла ғлади. Қулоқ, томоқ микрохирургиясида кўлга киритиған ютуқлар аъзолар функциясини тиклаш билан шуғулланувчи хирургия имкониятларини янада оширди. Диагностика ва даволашнинг янги усулларини амалиётга татбиқ этиш, ультратовуш ва лазер нурларидан фойдаланиш оғир дардга чалинган беморларни даволаш имкониятини берди.

Атроф-муҳит ва ишлаб чиқариш омиллари таъсирида юзага келадиган карлик ва қулоқ, томоқ, бурун аъзолари онкологияси ва шу аъзолардаги аллергик ҳолатларни, иммунитет, пластик хирургия масалаларини атрофлича ўрганиш ҳозирги замон оториноларингологиясининг дикқат марказида турибди.

1922 йилдан бошлаб оториноларингология тиббиёт олий билимгоҳларида асосий фан сифатида ўқитила бошлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АХОЛИГА ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИҚ ЁРДАМ ҚЎРСАТИШ ВА УНИНГ РИВОЖЛANIШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

1920 йилда Туркистон Давлат университетининг ҳозирги Тошкент Давлат дорилфунунининг очилиши ва унинг ҳузурида тиббиёт қўллиётининг ташкил этилиши Ўзбекистон ҳаётида катта воқеа бўлди. 1931 йилда эса у алоҳида Ўрта Осиё тиббиёт олий билимгоҳига айланди. 1935 йилдан бошлаб билимгоҳ Тошкент Давлат тиббиёт олий билимгоҳи (ҳозирги I ва II олий билимгоҳи) деб атала бошланди. 1930 йилда Самарқандда иккинчи дорилфунун очилиб, кейинчалик у ҳам алоҳида тиббиёт олий билимгоҳига айлантирилди. 1932 йилда шифокорлар малакасини ошириш илмгоҳи, 1954 йили Андижон тиббиёт олий билимгоҳи, 1972 йилда Тошкентда Ўрта Осий педиатрия тиббиёт олий билимгоҳи (ҳозир эса Тошкент Давлат педиатрия тиббиёт олий билимгоҳи), 1990 йилда Бухоро тиббиёт олий билимгоҳи ташкил этилди.

Ташкил этилаётган тиббиёт олий билимгоҳларида оториноларингология клиникаларининг борлиги ана шу ихтисосликни ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Профессорлар С. Ф. Штейн, С. Ф. Каплан, С. Г. Боржим, С. И. Шумский, И. Ю. Ласков каби олимларнинг

томок, бурун ва қулоқ бўшлиғини кўздан кечириш усулларининг кашф этилиши катта ёрдам берди. Гофманнинг думалоқ кўзгуси ана шу кашфиётлардан бири бўлиб, у ёргулек тутамини эшитув йўли ичкарисига, бурун бўшлиғига йўналтириш имконини беради. Таниқли хонанда, мураббий **Маниэль Гарсио** (1855 й.) нинг таклифи ларингоскопнинг пайдо бўлишига катта турткى бўлди, у ўз томогини кўздан кечириш учун турли товушлар шаклланган бир пайтда тиш врачлари ишлатадиган кичкина кўзгудан фойдаланган. Гарсио кўзгуни оғиз бўшлиғига киритар экан, кўлида ушлаб турган оддий кўзгу ёрдамида ўз товуш ёригини ва товуш бойламларини кўриб турган. Бу усулдан кейинчалик томок касалликларини даволовчи шифокорлар ҳам фойдалана бошладилар. Чунки бу кўзгу ҳикилдоқни кўздан кечириш ва даволаш имконини берарди. Кейинчалик бурун бўшлиғини кўздан кечириш имконияти пайдо бўлиши билан (Чермак, 1859 й.) яна бир тармок — ринология, шунингдек отиатрия пайдо бўлди.

Ушбу учала ихтисослик **Фарбий Оврупода** анча вактгача, 1914-1918 йилларга қадар алоҳида-алоҳида ўрганилган. Россияда бу ихтисосликлар анча илгари, 1893 йилда бирлашди, бу пайтда Санкт-Петербургда академик **Н. П. Симановский** мамлакатда биринчи марта оториноларингология кафедраси ва клиникасини ташкил килди. Бу бирлашув топографик анатомия, физиология, генетиканинг ўзаро боғланиши ва ўзаро таъсири натижасида пайдо бўлган.

Москвада биринчи клиника 1896 йили Москва дорилфунуни ҳузурида очилиб Оврупо клиникалари даражасида зўр жихозланган эди. Унинг асосчиси 89 илмий асрлар муаллифи, қулоқ касалликлари муаммолари устида кўнвакт ишлаган **С. Ф. Штейндири**.

Оториноларингология ўзининг ривожланишида бир қанча боксични босиб ўтди. Клиника, текширув усуллари, анатомия, топография, қулоқ, томок ва бурун аъзолари функцияси тўғрисидаги маълумотлар тўпланиб борди. Бу боскич ўтган асрнинг деярли 60—70-йилларига қадар давом этди. Кейинчалик барча ихтисослик бўлимларининг зўр бериб ривожланиши ва амалий изланишлар, консерватив ва хирургик даволаш усуллари ёрдамида қулоқ ва бурун олди бўшлиқларининг йирингли заарланишларида юз берган оғир асоратларини даволашга киришилди. Мутахассисларнинг шаклланишига ёрдам берадиган кўлланмалар пайдо бўла бошлади. **А. Политцер** (Австрия), **Тойнби** (Англия), **Шварц** (Германия), **Н. П. Си-**


Бундан ташқари, қулок супрасининг олдинги юзасида чукур жойлар — учбурчак ва қайикча чукурчаси бўлади. Қулок супраси одатдагидан катта — яъни макротия ёки кичик — микроотия кўринишида бўлиши мумкин.

Қулок супраси воронкага ўхшаб торашиб бориб, ташқи эшитув найига уланади. Ташқи эшитув йўлининг диаметри турлича бўлади. Бола ҳаётининг биринчи йилида ташқи эшитув йўлининг суяк бўлими бўлмайди, балки тоғай бўлими бўлади. Болаларда ташқи эшитув йўлининг узунлиги 0,5—0,7 см, катталарда эса 2,5 см ни ташкил этади.


Эшитув йўлининг тоғай бўлими қулок олди сўлак бези капсуласи билан чегарадош бўлиб, унинг қуи кисмида бир қанча кўндаланг йўналган ёриқлар бўлади. Яллиғаниш жараёни улар орқали қулок олди безларига тарқалиши мумкин. Тоғай бўлимининг тери қопламида тукчалар бўлади ва қулок олтингугурти ишлаб чикарадиган кўпгина безлар бор. Ташқи эшитув йўлининг олдинги девори иякнинг пастки бўғимига яқин жойлашган бўлади. Бу деворга чипқон чиққудек бўлса, чайнаш ҳаракатлари оғриқни баттар кучайтиради.

Ташқи эшитув йўлининг суяк бўлими юпқа тери билан копланган бўлиб, тоғай бўлими чегарасида тораяди. Ёт жисмлар ана шу торайиш ортига сурилиб қолганда уларни олиб ташлаш анча мушкул бўлади.

Суяк бўлимининг устки девори ўрта калла чукурчаси билан, орқа девори эса сўрғичсимон ўсимтанинг ҳужайралари ва хусусан «фор» билан чегарадош бўлади. Бу ҳол сўрғичсимон ўсимтада (мастоидит) кечадиган ўткир яллиғанишга хос бўлган белгиларидан бирининг пайдо бўлишига имкон беради, яъни бу эшитув йўлининг суяк бўлимидаги орқа-устки деворининг осилиб колиши ва торайиб колиши ривожланаётган периостит ҳисобига юзага келади.



2- расм. Қулок супраси.



3- расм. Ташқи қулоқ иннервацияси.

1 — n. auriculotemporalis, 2 — n. auricularis. 3 — n. auricularis magnus. 4 — n. occipitalis

Қулоқ супраси ва ташқи эшитув йўли терисинин иннервацияси уч шохли нерв, адашган (сайёр) ва тил ютқин нервлари орқали амалга оширилади (3- расм).

Ташқи қулоқ ташқи уйку артерияси тармоқлари ҳисобига қон билан таъминланади. Лимфа ташқи қулоқ соҳасидан сўргичсимон ўсимта соҳасида (чўққисида) жойлашган тугунларга, шунингдек қулоқ супрасида олдинда жойлашган тугунларга оқиб кетади. Шу тугунларнинг эшитув йўли терисининг яллиғланиши туфайли юз берадиган шишуви ва оғригини жиддий касалли мастиодит деб ўйлаш мумкин.

Ўрта қулоқ системаси учта ўзаро боғланган қисм — эшитув найидан, ноғора бўшлиғи ва сўргичсимон ўсимтанинг ҳаво хужайраларидан иборат. Бу бўшлиқларнин ҳаммаси яхлит шиллик парда билан қопланган бўлиб яллиғланишда ўрта қулоқнинг барча бўлимларида тегишли ўзгаришлар юз беради.

Ноғора бўшлиғи — ўрта қулоқнинг марказий бўлими бўлиб, ҳажми қарийб 1 см³ тенг ва мураккаб тузилгандир. Унинг олтида девори фарқланади. Ташқи девори ноғора пардадан иборат бўлиб, факат унинг юкори қисми қисман аттикнинг ташқи деворидан ташкил топган. Олдинги деворидан ички уйку артериясининг суяқ канали ўтади. Олдинги деворнинг юкори бўлимида эшитув найига олиб борувчи тешик бор. Ноғора пардани таранглаштирувчи мушак танаси ана шу ерда жойлашган.


Пастки девори бўйинтурук венасининг пиёзчаси билан чегарадош. Айрим ҳолларда бўйинтурук венаси ноғора бўшлиғига бўртиб чиқиб, эшитувнинг пасайишига сабаб бўлади. Орқа девори сўргичсимон ўсимта билан чегара-

ланган. Унинг юқори қисмида сўрғичсизмон ўсимтани катта ҳаволи ҳужайра билан (антрум) туташтирувчи йўл бор.

Ногора бўшлигининг медиал (лабиринт) девори чўзинчоқ шаклдаги бўртма билан қопланган бўлиб, у чиганоқнинг асосий гажагига мос келади (4-расм). Орка томонда ва дўнгдан бироз юқорида дахлиз дарчаси, орқада ва ундан пастроқда чиганоқ дарчаси бор. Даҳлиз дарчаси


узангисимон суюкнинг асоси билан беркилган, чиганоқ дарчаси эса юпқа иккиламчи ногора парда билан ёпилган. Медиал деворнинг юқори чеккаси бўйлаб юз нервининг канали ўтади. Орқага йўналниша у даҳлиз дарчасининг нишаби билан чегараланиб, кейин пастга буриладида, ногора бўшлиғи орка деворининг қалинлигида жойлашади. Канал бигиз-сўрғичсизмон тешик билан тугалланади. Юқори девор ўрта калла чукурчаси билан чегарадош бўлади.

Ногора пардаси «ўрта қулок кўзгуси» хисобланади, яъни парда кўздан кечирилганда кузатиладиган ўзгаришлар ўрта қулок бўшлиқларида жараёнлар борлигидан гувоҳлик беради. Шу сабабли ўрта қулокда кечадиган бу жараёнларнинг ногора пардада из қолдириши, баъзан беморда умр бўйи сақланади, парданинг чандикли ўзгаришлари унинг у ёки бу бўлимнинг тешилиши (перфорацияси), оҳакли тузлар тўпланиши, ўсмалар шулар каторига киради. Ногора парда юпқа, гоҳо ярим шаффоф парда (мембрана) бўлиб, у икки қисм: каттаси — таранглашган ва кичиги — таранглашмаган қисмдан иборат (5-расм). Таранглашган қисми уч қават ташки (эпидермал), ички (ўрта қулокнинг шиллик пардаси), ўрта (фиброз) қисмдан иборат. Охиргиси радиал ва циркуляр йўналган, ўзаро чамбарчас, чатишиб кетган талайгина толалардан ташкил топган. Таранглашмаган қисми факат икки қисмдан иборат бўлиб, унда фиброз катлам бўлмайди.




4-расм. Ногора бўшлигининг медиал девори.

1 - овал дарча, 2 - п. *facialis* жойлашган Фаллоний каналы, 3 - думалок дарча, 4 - тимпанал нерв тугуни, 5 - бўртмача, 6 - Еустахий нийига кириш жойи, 7 - ногора бўшлигининг томи.



5-расм. Ногора парда.

1 — олдинги — пастки квадрант, 2 — орка пастки квадрант, 3 — олдинги — юкори квадрант, 4 — орка — юкори квадрант, 5 — ногора парда нинг таранглашмаган кисми, 6 — болгачанинг калта ўснитаси, 7 — болгача дастаси, 8 — ёрглий конуси, 9 — ногора парда киндаги.




6-расм. Катта киши (1) ва чакалоқ (2) нинг ташки қулоги. Ногора парданинг болада ва катта кишида эгаллаган вазияти.

Катта ёшли кишиларда ногора парда ташқи эшитув йўлиниң пастки деворига нисбатан 45° бурчак остида жойлашиб, болаларда эса бу бурчак бундан ҳам ўткиррок, яъни 20° ни ташкил этади (6-расм). Бу ҳол болаларда ногора парда кўздан кечирилганда қулок супрасини пастга ва оркага тортиб туришга тўғри келади.

Ногора парда юмалоқ шаклда бўлиб, диаметри қарийб 0,9 см дир. Нормада ногора парда кулрангсимон ялтирок тусда бўлиб, ногора бўшлиқ томон бирмунча ботган бўлади, шунингдек унинг марказида ботик жой бўлиб, у «киндиқ» деб аталади. Ногора парданинг барча бўлимлари эшитув йўли ўқига нисбатан бир текисликда бўлмайди. Парданинг олдинги-орка бўлимлари ташқи эшитув йўлига нисбатан перпендикуляр жойлашади. Шу сабабли ногора парда ёруғликка қаратиб кўздан кечирилганда ана шу жойдан акс этиб, ёруғлик нури — ёруғ конусни ҳосил қиласди. Ногора парда нормал ҳолатда бўлганда у ҳамма вақт бир вазиятни эгаллайди. Бу ёруғ конус билдирув ва диагностик аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ногора пардадаги болғача дастасини ажратади билиш керак, у олдиндан оркага ва тепадан пастга йўналган бўлади. Ёруғлик конуси ва болғача дастаси ҳосил килган бурчак олдинга қараб очилиб туради. Бу, суратда ўнг пардани чапдагисидан фарқ қилиш имконини беради. Болғача дастасининг юқори бўлимида кичкина дўнгча (олдинги ва орқадаги) бўлиб, уни бошок донига ўхшатишади, бу болғачанинг калта ўсимтасидир. Ундан олдинга ва оркага бурмалар кетади, улар парданинг таранглашган қисмини таранглашмаганидан ажратиб туради. Кулайлик учун, парданинг турли жойларида у ёки бу ўзгаришларни аниқлаш учун уни 4 та квадратга: олди-юқори, олди-пастки, орка-юқори ва орка-пастки квадрантларга бўлиш расм бўлган. Бу квадрантлар шартли равишда болғача дастаси орқали келадиган чизик ўтказиш ва парда киндиги орқали келувчи биринчига перпендикуляр қилиб ўтказилган чизик йўли билан ажратилади.

Ногора бўшлиғида болғача, сандон ва узангидан таркиб топган эшитув суюкчаларининг занжири жойлашган (7-расм). Бу занжир ногора пардадан бошланиб, дахлиз дарчаси билан тугалланади, бунга узангининг бир қисми — унинг асоси кириб туради. Суюкчалар ўзаро бўғимлар билан бирлашган ва иккита антагонист — мушаклар: узанги мушаги қисқарганда узанги асосини дахлиз дарласидан «тортиб» олади, ва ногора пардани таранглостирувчи мушак эса, аксинча, узангини ана шу



7-расм. Эшитув сүякчалари.

дарчага киритиб қўяди. Мушаклар ҳисобига эшитув сүякчалари бутун тизимининг жуда сезувчан динамик мувозанати яратилади. Бу, қулокнинг эшитиш функцияси учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.


Катта ёшли одамларда эшитув найининг узунлиги 3,5 см бўлиб, иккита бўлим — сүяк ва тоғай бўлимларидан иборат. Эшитув найининг юткин тешиги юткин-бурун қисмининг ён деворида, пастки бурун чифанокларининг орқа охирлари дамида очилади. Най бўшлиғи ҳилпилловчи эпителийси бўлган шиллик парда билан қопланган. Унинг тукчалари юткиннинг бурун қисми томон ҳаракат қиласиди. Бу ўрта қулок бўшлиғига инфекциялар тушишидан сақлади. Ҳилпилловчи эпителий найининг тозаловчи (дренажловчи) функциясини таъминлайди. Най ёриги ютиниш ҳаракатида очилиб ташки муҳит билан ўрта қулок бўшлиғи орасидаги босим тенглашади. Бу ҳол эшитув аъзосининг нормал ишлаб туриши учун жуда хам муҳимдир. Икки ёшгача бўлган болаларда эшитув найи катта ёшдагиларга караганда бирмунча калтароқ ва кенг бўлади.

Сўргичсизон ўсимтанинг ҳаволи ҳужайралар тизими ҳар хил ривожланган бўлиб, шу сабабли сўргичсизон ўсимталар тузилиши пневматик, склеротик, диплоэтик ва аралашган ҳилларга фарқланади.

«Фор» (антрум) — катта хужайра бўлиб, ногора бўшлиқ билан бирлашади. «Фор» орқа қалла чукурчаси, сигмасимон синус ва ташки эшитув йўли билан чегарадош бўлади. Унинг орқа девори оркали юз нерви канали ўтади. Шунинг учун «фор» деворидаги деструктив жараёнлар — чегарадош соҳаларда оғир асоратлар колдириши мумкин. Катта ёшдаги одамда «фор» 2,5 см чуқурликда, ҳаётининг дастлабки йилини яшаётган болаларда эса сўрғичсимон ўсимта сатхига яқин жойда жойлашган бўлади. Чакка суюги юзасидаги — «фор» чизиги Шипо учбурчаги ичидаги бўлади (8-расм).


Ўрта қулоқнинг шиллик пардаси мукоперист бўлиб, унда деярли безлар бўлмайди. Лекин улар метаплазия ҳодисалари хисобига яллиғланиш касалликларида пайдо бўлиши мумкин.

Ўрта қулоқ шиллик пардасининг иннервацияси жуда мураккаб бўлади. У лабиринт деворида тил-юткин нервидан бошланувчи ногора нерви толаларидан таркиб топган нерв чигали, шунингдек ички уйку артерияси деворидан келувчи симпатик нерв толаларидан иборат. Ногора нерви ногора бўшлиғининг юқори девори оркали майдага тошсимон нејв кўринишида бўлиб, қулоқ олди безига якилашади ва уни парасимпатик толалар билан таъминлайди. Бундан ташқари, ўрта қулоқнинг шиллик пардаси уч шохли нерв толаларидан иннервация олади, бу ўткир ўрта отитда кучли оғриқ пайдо бўлишига сабаб бўлади (9-расм). Ногора тори ногора бўшлиғидаги юз нервидан узоклашганда ундан тошсимон-ногора ёриғи оркали чиқиб, тил нервига қўшилиб кетади. Ногора тори хисобига тилнинг учдан иккى қисмида шўр, аччиқ ва нордон таъм сезилади. Бундан ташқари, ногора тори жағости ва тил ости сўлак безларини парасимпатик толалар билан таъминлайди. Юз нервидан узанги мушагига кичик



8-расм. Ногора бўшлиғи.

1 — ногора бўшлиғининг юқори бўлими, 2 — ногора бўшлиғининг ўрта бўлими, 3 — ногора бўшлиғининг пастки бўлими, 4 — эшитув суюқчалари занжирни, бойламлар.





9-расм. Сўрғичсимон ўсимта хиллари.

а — склеротик, б — диплотик, в — аралаш, г — пневматик.

«шохча» бошланиб, унинг горизонтал тиззачаси бошида чакка суяги пирамидасининг устки юзасига чиқадиган кичкина «шохча» — кўз ёши безини парасимпатик толалар билан таъминлайдиган катта тошсимон нерв бошланади. Юз нервининг ўзи бигиз-сўрғичсимон тешик орқали чикиб, «катта ғоз панжаси»нинг толалар тўрини ҳосил қиласди. Юз нерви қулок олди сўлак бези капсуласи билан узвий боғланиб туради.


Ички қулок зич суяк қобиги билан ўралган бўлиб, у лабиринт деб аталади. Лабиринтда марказий бўлим (даҳлиз), учта ярим доира канал ва чиганоқ тафовут қилинади (10-расм). Суяк лабиринти ичда пардали лабиринт жойлашган (11-расм). Чиганоқ, ўзаги атрофида 2,5 марта айланган суяк каналидан иборат. Ана шу ўзакдан чиганоқ бўшлиғига юпқа суяк пластинкаси чиқиб туради. Унинг устки юзасида ундан Рейснер мембронаси кетадиган спирал лимба, пастки юзасида эса базал (асосий) мембрана жойлашган. Чиганоқнинг кўндаланг кесими учта бўшлиқ: устки — вестибуляр зинапоя, ўрта — чиганоқли канал, пастки — ногора зинапоясидан иборат (12-расм). Вестибуляр зинапоя чўзинчоқ дарчадан бошланиб, чиганоқ чўққисида ногора зинаси тешиги билан боғланиб, думалоқ дарча мембронаси билан тугайди. Бу зиналар суюклик — перилимфа билан тўлган бўлиб,



10- расм. а — кулоқнинг суюк лабиринти. б — кулоқ лабиринти (кесими).

у таркиби жиҳатидан тана тузилмаларининг бошқа экстарцеллюляр суюкликлариға ўхшаб кетади.

Пардали чиганок бир қадар мураккаб тузилган. Кўндаланг кесимида у учбурчак шаклда бўлиб, унинг юкори девори Рейснер мембронаси, пасткиси — базал, ташки девори — томир тизимчаси ва бурара бойламдан иборат. Пардали чиганок ичидаги суюкликлар — эндолимфа айланиб юради, у перилимфадан калий ионларининг юкори



11- расм. Парда лабиринт.



концентрацияси ва натрий ионларининг паст концентрации билан фарқ қиласди.

Базал пардада бурама аъзо (13- расм) жойлашган. У юкори дифференциаллашган рецепторлар хисобланган майда тукли ҳужайралардан иборат. Кўзасимон шаклли, ички тукли ҳужайралар (улар бир қаторни эгаллайди) ва цилиндр шаклидаги ташки тукли ҳужайралар (улар бурама аъзонинг турғунлигини таъмин этади) фарқ қилинади.

Ташки майда тукли ҳужайралар Дейтерснинг уч қатор таянч ҳужайралари (булар Клаудиус ҳужайралари орқали кутбли эпителийга айланади) билан қувватлаб турилади. Ички тукли ҳужайралар фалангали чегарадош ҳужайралар билан ўралган бўлади.

Тукли ҳужайралар эшичув нервининг афферент ва эфферент толалари билан иннервация қилинади. Марказий эшичув ўтказиш йўллари чўзинчоқ миядан мия чакка бўлагининг пўстлогигача етиб боради.


Суяк дахлизи кичик, деярли сферик шаклдаги, ҳажми қарийб тўртдан бир куб см келадиган бўшлиkdir. Унинг олдинги деворида тешик бўлиб, у чиғонок дахлизи зинасига олиб боради, шунингдек латерал девор ҳам бўлиб, у ногора бўшлиғига караган бўлади. У деярли бутунлай дахлиз дарчасининг нишаби билан банд бўлиб, унда узанги асоси жойлашган. Медиал деворда иккита



12- расм. а — сүяк чиганоғи, б — чиганоқининг күндаланг кесими.

Унча қатта бұлмаган эллиптик ва сферик чукурча бор, уларда дахлиз қопчалари жойлашган. Дахлизнинг орқа деворида дахлизни учта доира каналлари билан бирлаштирувчи 5 та тәшик күрениб туради.

Сүякли ярим доира каналлари учта ўзаро перпендикуляр сатхларда жойлашган бўлиб, улар горизонтал, сагиттал ва фронтал сатхларга яқин туради. Уларнинг муайян номлари бор — «ташқи» ярим доира канал, унинг дўнгги лабиринтнинг бошқа бўлимларидан латералроқ жойлашган. Уни шунингдек «горизонтал» канал деб ҳам аталади, чунки у ана шу текисликка яқин туради. «Юкори» ёки фронтал канал ва орқадаги сагиттал ярим доира каналлар ҳам худди шундай аталади. Факатгина ташки каналнинг мустақил «оддий сүяк оёқчаси» бўлиб, олдинги





13- расм. Бурама аъзо.

ва орқадаги каналлар умумий оёқчага эга бўлади. Каналларнинг ҳар бирида, бундан ташқари, кенгайиб борувчи ампуляр оёқча бўлади. Шу сабабли, даҳлизининг орқа деворида учта каналга олиб борувчи 5 та тешик кўриниб туради.

Пардали лабиринт суюк лабиринти контурларига ўхшаб кетади. Унда пардали чиганокда бўлгани сингари, эндолимфа суюкли лабиринт билан пардали лабиринт орасида перилимфа бор. Даҳлизининг саккулюс ва утрикулюс халтачалари пардали лабиринт элементлари бўлиб хисобланади. У биринчи пардали чиганок орқали торгина каналча билан бириккан бўлиб, иккинчи ярим доира каналлар ампуласи билан бирлашгандир. Иккала пардали йўллар билан бириккан эндолимфатик халтача бир-бирига пардали йўллар — даҳлиз сув йўлига айланади ва халтача бўлиб тугалланади (эндолимфатик халтача). У орқа калла чукурчасида чакка суюги пирамидасининг орқа юзасида жойлашган. Перилимфатик бўшлиқ чиганокнинг сув йўли орқали субарахноидал бўшлиқ билан алоқа қиласи.

Даҳлиз халтачаларида нейроэпителий хужайралари жойлашган, айни пайтда утрукулюсда улар горизонтал сатҳда, саккулисда — сагиттал текисликка яқин жойлашади.


Даҳлиз халтачаларининг рецептор бўлими нейроэпителий хужайралари хисобланган тукли хужайралардан иборат бўлади. Уларнинг туклари хужайра юзасидан кўтарилиб туриб, желесимон субстанцияга кириб, унда анча куюқ тўр хосил қиласи, ана шу тўр ковузлоқларида



14-расм. Отолит аппарат.
1-колбасимон хужайра (I типи), 2—цилиндрик хужайра (II типи).

микроскопик кристаллар бўлади (отолитлар), улар сирка кислотали кальцийдан ташкил топган (14-расм).

Ярим доира каналларининг нейроэпителийси ҳар бир каналнинг кенгайган ампуляр кисмида жойлашиди. Бу ерда ампуляр тож кўрининишидаги бўсаға бўлади, унда нейроэпителийнинг жуда юпқа иларидан тузилган пилакчалар эндолимфа билан копланган купула жойлашган (15-расм).



15-расм. Ампуляр тож.
1 — ампуляр дастача, 2 — сезувчан хужайралар,
3 — ампуляр ток, 4 — эндолимфа.

Рецептор ҳужайралар иннервацияси вестибуляр ганглиянинг периферик ўсимталари оркали амалга оширилади. Вестибуляр нерв толалари узунчок миянинг тўртта вестибуляр ўзаги билан алоқа қилади. Вестибуляр ўзаклар афферент ва эфферент боғлари борлиги туфайли марказий асаб системасининг кўпгина тузилмалари билан алоқа қилади. Вестибуляр анализаторнинг марказий кисми чакка соҳасида бўлади.

ҚУЛОҚ ФИЗИОЛОГИЯСИ


Ноғора парда эшитув йўлидаги ҳаво устуни тебранишларини ушлаб қолади ва у товуш кучини ютмаганидан (унинг резонанс хусусияти борлигидан) эшитув суякчаларининг бошқарув системаси томонидан кучайтирилган товуш тебранишлари дахлиз дарчасига қарийб 36 марта кучайтирилган ҳолда эшитилади, бу — товуш энергиясининг бир қадар зичлиги кам бўлган (ҳаво зичлиги) муҳитдан бирмунча зичрок муҳитга — перилимфага келади. Ана шу системанинг сезувчанлиги шунчалик кучли бўладики, бунда у ноғора парда диаметрининг юздан бир бўлагининг тебранишларини юзага келтирувчи товуш таъсиротларини қабул қила олади. Ички қулоқ эса таъсиротларни акустик силжишлар оқими билан қабул қилади, бунда суриладиган ҳажм эритроцитлар ҳажмига тенг бўлади. Йчки қулоқдаги суюқлик иккала дарча мемраналари ҳаракатчан бўлган ҳоллардагина ҳаракатланади. Узангининг дахлиз дарчасида ёки мемрананинг чиганоқ дарчасида силжишига тўқсқинлик қиладиган шарт-шароитлар юзага келгудек бўлса, перилимфа ҳаракатланмайди, натижада товуш ўтказиш системасининг бузилишига алоқадор карлик юзага келади (16- расм, А).

Ноғора парда товуш тебранишларини ушлаб колищдан ташқари, «экран» вазифасини ҳам бажариб, у чиганоқ дарчаси мембранныни биринчи босқичдаги тўлқинининг унга бевосита таъсир кўрсатишидан ҳимоя қилади. Бордию, пардада нуқсон топилгудек бўлса, товуш тўлқини иккала дарчага бир хил кучда таъсир қилади, бу перилимфанинг дахлиз дарчасидан чиганоқ дарчасига қараб ҳаракат қилиш кобилиятини камайтиради.


Товуш энергиясини ички қулоқнинг рецептор бўлимига оптималь даражада ўтказиш учун товуш босими вестибуляр дарчага чиганоқ дарчасига қараганда 60 марта кучлироқ таъсир кўрсатмоғи лозим. Буни маълум даражада ноғора парданинг айнан экранловчи ролига хос дейиш мумкин.

16-расм. а — Товуш ўтка-
зишда ички қулоқ суюкли-
гининг харакатланиши,
б — Товушни қабул ки-
лиш схемаси.

1. Ногора парда, 2. Болғача,
3. Узанги сүягининг асоси, 4. Даҳ-
лиз нарвончасида суюклик -peri-
лимфа харакати, 5. Перилимфа
босими остида чиганок йўлнининг
дахлиз деворини юкори кисмини
эзилиши, 6. Эндолимфа босими
остида чиганок йўлнининг ногора
деворини бўртиши (паст товуш
тазсирида), 7. Копловчи парда ва
чиганок йўлнининг бир вактдаги
харакати тўфайди туклар ре-центрор-
ларда эзилиш бўйиб хосил бўланав
кузодиш яшитиш нервага узати-
лади, 8. Чиганок иулининг даҳ-
лиз девори кисмини букиниши,
9. Чиганок иулининг ногора девори
кисмини букиниши (юкори то-
вуш а), 10. Ногора нарвончасида
суюклик устуси (перилимфа) ха-
ракати, 11. Чиганок дарласи.
Б. Харакатланувчи туклар хотидаси
чиганок йўли асосини мембрана-
сининг тебришини (бекен буйича).



а



Б

Бундан ташқари, Корти аъзосининг товуш энергиясига эришишига тўсқинлик қиласидан катор омиллар мажмуаси «товуш импеданси» сифатида белгиланади. Кулокнинг товуш ўтказувчи аппарати таркибига кирувчи анатомик тузилмалар нисбатан оғир бўлгани учун кам харакатчан бўлади.

Маълум бўлишича, товуш импеданси товуш пастбаландлиги турлича бўлганда хилма-хил бўлади. Импеданс, товушга қаршилик $800=100$ Гц ли товуш учун бир қадар кам ифодаланган, шу сабабли, кулоғимиз ана шу частотадаги товушларга кўпроқ сезгир бўлади.

Ўрта қулок мушаклари товушларнинг ўтказувчанилиги га таъсир қилиши, шунингдек чиғаноқقا етиб келадиган товуш кучлилигини камайтириши мумкин. Бошқа томондан, бу мушаклар суюк занжирининг қаттиқлигини ошириб, баланд товушларнинг ўтказувчанилиги тўсқинлик қиласиди, бу товушлар паст товушлардагига караганда кўпроқ ахборот ўтказиб туради. Ўрта қулокдаги мушак рефлекслари эшитиб туришда ва дикқат-эътибор беришда зарур бўлиши мумкин.

Ташки тукли ҳужайралар товуш сезилари мажмуасини таъминлайди, деб ҳисобланади. Бундан ташқари, ташки ҳужайралар кучсиз товушларни, ичкаридагилари эса — кучли товушларни қабул қиласиди. Айни пайтда шу нарса қайд этилганки, ташки ҳужайралар заиф бўлиб, уларнинг функцияси ички кулокнинг турли патологик ҳолатларида ички ҳужайралардагига караганда анча барвакт зарарланади, яъни касал кучсиз товушларни яхши эшитмайди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, тукли ҳужайралар ана шу ҳужайраларни ўраб турадиган эндолимфадаги кислород етишмовчилигига жуда ҳам сезгир бўлади. Айни пайтда бурама аъзода механик энергиянинг биоэлектрик энергияга айланиши содир бўлади. Паст товушлар асосий мембрана тебранишини бутун узунлиги бўйлаб (чиғаноқнинг асосий гажагидан то чўққисигача) келтириб чиқарса, баланд товушлар тебранишнинг асосий гажаги соҳасида юзага келтиради, бу ерда унинг толалари калтароқ бўлиб, таранглиги ва қаттиқлиги геликотремага караганда 100 баравар ортиқ бўлади (16- расм, Б).


Мавжуд назарияларга кўра, турли частотали товушлар асосий мембраннынг муайян жойларгагина таъсир қилиши мумкин, бу — кулокнинг товуш частотасини фарқ қилиш ва ташқаридан келадиган мураккаб товушларни бўлиб ташлаш хусусияти билан изоҳланади. Шундай қилиб, бурама аъзо детектор каби ишлаб ташки товуш энергияси-

нинг муайян турига жавоб беради ҳамда эшитиладиган товушни нервнинг кўзғалиш жараёнига айлантирадиган трансформатор сифатида ҳам ишлайди.

Товуш энергияси ички қулоқка ҳаво йўли (ташки эшитив йўли, ноғора парда ва эшитив суюкчалари занжири) билан ҳам, тўқима йўли билан (калла суюклари баланд товушлар таъсири асосида вибрация қилиб, ички қулоқ суюк лабиринти деворининг компрессияси ҳисобига перилимфа ҳаракатланишини келтириб чиқаради) ҳам киради, шу сабабли, «ҳаво» ва «тўқима» ўтказувчанилигини аниқлашнинг иккита усули мавжуд.

Ҳаво ўтказувчанилигининг ҳолати эшитив йўли, ноғора парда, эшитив суюклари занжири, лабиринт дарчалари ва ички қулоқнинг функционал қобилиятидан, тўқима ўтказувчанилигининг ҳолати эса (товушлар товуш ўтказувчи механизмини четлаб ўтиб, бурама аъзога келади) рецептор аппарати, эшитив нерви, анализаторининг марказий бўлимининг функционал хусусиятидан дарак беради (17- расм).

Хозирги замон маълумотларига кўра, вестибуляр аппарат статик ва инерцион ориентация системаларини ўз ичига олади. Бу системалар гавданинг фазодаги



17- расм. Эшитив аъзосининг товуни ўтказувчи ва товуш кабул килувчи бўлимлари.

вазиятини саклашни, харакатнинг тегишли турларида чизиқли ва бурчакли тезлашувини аниқлашни таъмин этади. Тезлашув ҳақидаги маълумотларни интеграллаш харакат тезлиги ҳақидаги ахборотни, тезликни интеграллаш эса босиб ўтилган йўл тўғрисида тасаввур беради. Шундай қилиб, вестибуляр аппарат етарлича уюшган нерв системаси билан алокадор бўлиб, кишига унинг фазодаги статик вазияти ҳақидаги ахборотнигина эмас, балки унинг харакат қилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳам беради. Ярим доира каналлар системаси айланма харакатни тамиллайди. Эндолимфа ва купула устунининг сурилиши билан айланма ҳаракатга жавоб берувчи эндолимфатик система ҳисобланган купула ярим доира каналнинг инерцион занжири ҳисобланади. Купуланинг сурилиши унга алокадор сезувчан ҳужайраларининг тукли аппарат деформациясини ва бу сурилишнинг оқибат-натижаси сифатида нерв импульси генерацияси-ни келтириб чиқаради.

Отолит аппарати ернинг тортиш қучи ва тўғри чизиқли ҳаракат йўналишини таъминлайди. Тинч турганда ёки бир текис тўғри чизиқли ҳаракат килинганда одамнинг вертикал ҳолати гравитацион вертикалга мос келади ва отолит рецепторлари ернинг тортиш қучинигина қабул қилади. Ҳар кандай йўналишдаги тўғри чизиқли ҳаракат бошланишида ва тамом бўлгандан кейин отолитлар макулаларга иисбатан тангенциал сурилади, бунда отолит мембранаси рецептор эпителийси юзаси бўйича сирпаниб, унинг фазовий — кутбланган туклар деформациясини ва нерв импульсларининг пайдо бўлишини келтириб чиқара-ди.

ҚУЛОҚНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Ташки ва ички қулоқни текширишдан аввал қасаллик таърифи бемордан сўраб-суринширилади. Қулоқни синчиклаб кўздан кечириш, ташки қулоқ, сўриғичсимон ўсимта соҳасини пайпаслаб кўриш, қулоқнинг ана шу бўлимларининг аҳволи тўғрисида тасаввур беради. Қулоқ супраси ва сўриғичсимон ўсимтанинг шишгани қўл текки-зилганда оғрик бериши қулоқ орқасидаги соҳада лимфаденит, ташки қулоқ (эшитув йўли)да чипқон ёки мастоидит борлигидан далолат беради.


Ташки эшитув йўлини ва ноғора пардан кўздан кечириш — отоскопия дейилади, бу ташки ва ўрта қулоқни текширишнинг асосий усулидан ҳисобланади (18-расм). Кўздан кечиришда қулоқ воронкаси, отоскоп ва микро-

скопдан, Зигленинг пневматик воронка-сидан фойдаланишга түғри қелади. Микроскопи ногора парда деталларини 5 дан 32 мартагача катталаштириб кўриш имконини беради (19- расм).

Отоскопия қоидалари. Бемор текширилаётган қулоғи тарафи билан бошини шифокорга ўгириб ўтиради. Шунда врач рефлектор нурини эшитув йўли соҳасига йўналтиради. Ўнг қулоқни кўздан кечириш учун қулоқ воронкасини ўнг кўл билан эшитув йўлининг бошланғич бўлимига киритилади, чап кўл билан эса қулоқ супраси юкорига ва орқага тортилади. Чап қулоқни кўздан кечириш учун, аксинча, қулоқ супрасини ўнг кўл билан тортиб турилади, чап кўл билан эса қулоқ воронкаси киритилади.

Кулоқ воронкасининг диаметри ҳар хил бўлиб, bemор ташки эшитув йўлининг кенглигига қараб ташланади. Эшитув йўлига киритилган қулоқ воронкасини бироз пастга — тепага, ўнгга — чапга суриш ногора парданинг барча бўлимларини яхшилаб кўздан кечириш имконини беради.

Врач барча билдирув пунктларини кўриб тургандагина (кулранг ялтироқ тус, олдинги-орқадаги бурмалар, калта-узун болғача ўсимталари, киндик, ёруғлик конуси), шунингдек парданинг тортилган ва тортилмаган қисмларида рўй бериш эҳтимоли бўлган ўзгаришлар қайд килингандагина (перфорация бор-йўклиги, ўсма, ёруғлик



18- расм. Отоскопия.

а - Отоскопия, б - Рефлектор.



19-расм. а — Микроскоп остида отоскопия килиш б — Зигле воронкаси билан отоскопия килиш.

конусининг йўқлиги), ноғора пардани пухта кўздан кечирилган деб ҳисобланади.

Эшитурмайтини текшириш. Ўрта қулокни текширилганда унинг фаолиятига ва эшитурмайтини ўтказувчанилигига ахамият берилади. Чунки, эшитурмайтини хаво ўтказувчанилининг роли жуда катта бўлиб, у факат ўрта қулок бўшликларидағи босимни тенглаштириш учунгина эмас (у эшитурмайтини занжири ва ноғора парданинг нормал ишлаб турнишига имкон беради), балки ўрта қулокдаги яллиғланиш

касаллукларини бартараф этиш учун ҳам керак бўлади. Эши тув найининг ўтказувчанлигини маҳсус асбоблар ёрдамида аникланади, бу асбоблар най ўтказувчанлигининг график тасвирини кўрсатиб беради. Олимлардан Воячек, Светляков, Герасимовлар кашф килган қулок манометрлари мавжуд, булар найиниг қанчалик ўтказиши ўтказмаслик даражасини аниқлашга ёрдам беради. Эши тув найи ўтказувчанлигининг 4 даражаси фарқ килинади.

1- даражаси. Манометр найчасидаги суюклик силжиши одатдаги ютиниш ҳаракатида юз беради.

2- даражаси. Суюклик бурун бўшлиғи ёпилган ҳолда ютингандагина силжийди (бурун қанотлари бемор бармоклари билан босиб турилади).

3- даражаси. Суюклик қулокни Политцер усулига кўра резина баллончаси билан пуфлаб кўрилган пайтда силжийди.

4- даражаси. Суюклик эши тув найининг ютқин кираверишига киритилган металл катетер орқали эши тув найи пуфлаб тозалангандагина силжийди.

Эши тув найи ўтказувчанлигини чукурроқ текшириш маҳсус усуллар ва мураккаб асбоблар ёрдамида амалга оширилади:

Тимпанометрия ана шу усуллардан биридир. Бунда импенданс, ўрта қулок элементларининг қаршилик кўрсатиши текширилади. Ташки эши тув йўлида босим сунъий оширилади, бунинг натижасида график-тимпанограмма олинади. Бу усулдан ноғора парда бутун бўлгандагина фойдаланилади.

Импендансометрия — ўрта қулок элементларининг функционал ҳолатини ўрганадиган усуллардан яна биридир, у ёпиқ бўшлиқда (унинг ҳажми ўзгарганда) товуш босими даражасини ўлчашга асосланган бўлади. Акустик рефлекс ўрта қулок бўшлиғининг ёпиқ ҳажми функцияси хисобланади. Бу текширишларни ўтказиши учун импендансометр деган асбоб ишлатилади. Олинган эгри чизиклар ҳаракатига қараб ноғора парда орқасида экссудат ва чандиклар бор йўқлиги ёки суякчалар занжири функцияси ҳамда эши тув найи функциясининг бузилганлиги ҳакида хулоса чиқарилади.

Эши тув найларининг ўтказувчанлигини аниқлашнинг жуда осон усули ҳам бор. Бунда бемордан бурнини беркитишни яъни бурун қанотларини бурун тўсигига босиб туриб, аввал тупук ютишни, кейин эса ҳавони бурун орқали куч билан чиқаришни илтимос қилинади (Тойнби ва Вальсальва тажрибалари). Агар ана шу тажрибаларни ўтказиши пайтида ноғора парда кўздан кечирилганда,

эшитув найиннинг ўтказувчанлиги яхши бўлса, парданинг орка бўлимлари сурилганлигини кўриш мумкин. Бу айниқса оптик асбоблар (отоскоп, операцион микроскоплар) оркали кўрилганда яхши кўринади.

ЭШИТУВ АНАЛИЗАТОРЛАРИНИ ТЕКШИРИШ


Эшитиш ўткирлигини текшириш усууллари кулокка яқинлаштириб эшиттириладиган турли частотали товушларни эшитув йўли ва калла суюги оркали фарқ қилиш қобилиятини аниклашга асосланган.

Беморнинг шивирлаб ёки овозни чиқариб гапирилган гапни эшитишини текшириш эшитиш қобилиятини текширишнинг энг жўн усули хисобланади. Нормал эшитадиган киши одатдаги шароитда шивирлаб айтилган сўзларни 6-7 м масофадан туриб эшита олади. Кўп ҳолларда bemor шивирлаб айтилган сўзларни умуман эшитмайди, факат баланд овозда айтилган гапларни эшитади. Бу гапларни соғ одам эса 20-25 метр масофадан туриб ҳам эшитиши мумкин.


Эшитиш қобилиятини ва карлик даражасини камертонлар ёрдамида бирмунча пухта текширилади. Асосан 128 ва 2048 Гц ли икки хил камертонлар ишлатилади. Камертонлар ёрдамида текширишда эшитув анализаторидаги ўзгаришлар аникланади. Яъни товуш ўтказувчи ёки товуш қабул қилувчи аппарат заарланганми-йўкми, шуни аниклаш ва бундай бузилишларнинг нормадан қай даражада фарқ қилишини белгилаш имконини беради.

Камертонлар билан текширишни схемада келтирилган муайян мунтазамлиликда олиб бориш керак. Камертонлар билан ўтказилган бир канча тажрибалардан фойдаланилади (128 Гц). Вебер тажрибаси (20-22- расмлар) — у ёки бу қулокдаги товуш латерализациясини аниклашдан иборат. Жағанглайтган С — 128 ракамли камертон bemor боши ўртаси¹ (мия маркази)га қўйилиб ундан қайси (соғ ёки касал) қулоғи билан камертон товушини кучлироқ эшитгани сўралади. Бордию bemor камертон товушини касал қулоғи билан ёмон эшитса, бу ана шу қулоқнинг товуш ўтказувчи қисмининг фаолияти бузилганидан, агар соғ қулоқ билан яхши эшитса, унинг товушни қабул қиладиган бўлими заарланганидан дарак беради. Нормада латерализация юз бермайди ва bemor товушни иккала қулоғи билан бир хил эшитади.

Ринне тажрибаси (23- расм) — С — 128 рақамли камертон товушини ҳаво ва суяк оркали ўтказилишини текширади. Секундларни ўлчайдиган асбобга караб ташки




a




20-расм. а — камертонлар түшлами. б — Товушни иккала кулокка латеризация килиш ва нормадаги товуш латеризациясининг Вебер тажрибаси.

21-расм. Кондуктив кулок оғирлигига касал кулок тарафдаги латеризациянынг Вебер тажрибаси.

22-расм. Нефросенсор кулок оғирлигига соғлом кулок томондаги латеризациянынг Вебер тажрибаси.



Эши туыв йўлига яқин ва сўрғичсизмон ўсимта суягига туташтириб қўйилган камертон товушини қабул қиласидан вакт қайд қилинади. Нормада ҳаво ўтказувчанлиги суяқ ўтказувчанлигидан кариб 2 марта кўп бўлиши керак. Бундай ҳолларда Ринненинг «мусбат» тажрибаси хақида фикр юритилади. Агар ташки эши туыв йўли заарарланган бўлса Ринне тажрибаси «манфий» бўлади, бунда ҳаво ўтказувчанлиги суяқ ўтказувчанлигидан кискарот ёки унга тенг бўлиши мумкин.




23- расм. Ринне тажрибаси.

а — эшитилётган комертонни сүяк орқали (нормада) эшитилганидан кўра ҳаво орқали икки баравар узокрок эшитилишини хис этиш, б — товуш ўтказиш системаси заараланганда сүяк орқали товушни ўтказиш ҳаводагига караганда товуш дурустик хис этилади, в — товушни сүяк ва ҳаво орқали кисқарок хис этиласада; лекин товуш ўтказиш системаси заараланганда товуш дурустик хис этилади.

Швабах тажрибаси — товушни қабул этувчи аппарат ахволини ўрганиш. Дастреб врач С—128 ракамли камертонни беморнинг сўрғичсимон ўсимтасига ўрнатиб, у то эшитмай қолгунча тутиб турдилади. Кейин врач камертон оёқчасини ўзининг сўрғичсимон ўсимтасига кўчириб кўяди. Агар бемор камертон товушини эшитаверса, демак, беморда сүяк ўтказувчаниги кисқарган бўлади, бу кулокнинг товушларни қабул этиш аппарати заараланганлигидан далолат беради.

Желле тажрибаси — отосклерозда даҳлиз дарчасидаги узанги фиксациясини аниклашдир. Худди ўша С—128 ракамли камертон беморнинг сўрғичсимон ўсимтасига ўрнатилади ва кўрсаткич бармоқ билан ташки эшитув йўлига кираверишни ёпиб туриб, унда ҳавонинг кўпайиши ва сийракланиши яратилади. Бу максадда Полицер баллонидан фойдаланиш мумкин. Бемордан камертон товушини узук-юлук ёки мунтазам эшитаётгани сўралади. Бордию, товуш узилиб қолса, узанги фиксацияси бўлмайди ва Желле тажрибаси мусбат деб ҳисобланади. Узанги фиксациясида даҳлиз дарчасида камертон товуши мунтазам эшитилиб туради ва Желле тажрибаси манфий деб саналади.


Бемор С—128 ракамли камертон билан текширилар экан, унинг товушни ҳаво орқали қабул этиш вақти қайд қилинади ва баланд тонларни фарқ килиш қобилияти ҳакида фикр юритилади. Ҳамма маълумотлар маҳсус жадвалга киритилиб, бу жадвал врачга эшитув функцияси бузилганлигининг характеристи ва даражасини аниқ-равшан кўрсатади.




24- расм. Аудиометр.

Эшитув функциясини аудиометрлар ёрдамида бирмунча батафсилик төкшириш мүмкин (24- расм). Бу мураккаб асбоб қулокнинг товуш ўтказиш системаси, унинг товуш қабул этиш бўлими ёки комбинациялашган заараланганини аудиограмманинг характерли эгри чизиғини олиш имконини беради (25, 26-расмлар). Ташхисни ойдинлаштириш учун (кулокнинг товуш ўтказиш ёки қабул қилиш бўлимларининг заараланганини) ишлатиладиган тонал аудиометрия турли частотали тонларни хис этишни хисобга олишдан ташқари, беморнинг сўзларни ажратса билиш қобилиятини ҳам текширади. Бу ерда гап нутқ аудиометрияси устида бормоқда. Бунда қулок тутқичдан (наушник) эшитилаётган овоз баландлашган сари нутқ тиниклиги ойдинлашади. Яъни товуш баландлашганда сўзлар 100 фойз тиник эшитилиши аниклади. Эшитув функцияси бузилганда ҳамма вакт ҳам сўзлар 100 фойз тиник эшитилавермайди. Бу товуш анализаторининг марказий бўлимлари заараланганидан дарак беради. Ультра ва инфратовушларни хис этишни яратувчи усуллар ҳам ишлатилади.

Эшитув функциясини объектив текшириш усули ҳам бор. У мия пўстлоги ва устунининг товуш сигналлари (дарақчилири) таъсирига жавобан потенциалларни қайд қилишга асосланган бўлиб, бу усул объектив аудиометрия деб аталади...





25-расм. Нормал аудиограмма.



26-расм. Товуш ўтказиш ва товуш хис этиш бузилгандагы күзатыладиган аудиограмма.

а — товуш ўтказыш системаси бузилгандагы аудиограмма, б — аралаш заарланишдагы аудиограмма, в — товушни кабул килиш системаси бузилгандагы аудиограмма.



ВЕСТИБУЛЯР АНАЛИЗАТОРНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Вестибуляр аппарати касалланган беморни оддий усуллардан бошлаб текшириб бориш лозим. Максадга мувофинк сүраб-суринтириш лабиринт заарланишига

хос бўлган шикоятлар (бош айланиши, кўнгил айниши, гандиралаб юриш)ни аниклаб беради. Бу шикоятлар вестибуляр анализаторнинг зааралланганлигини тасдиклайди. Аввал ўз-ўзича, касаллик туфайли юзага келадиган спонтан вестибуляр бузилишлар текширилади. Узунчоқ мия вестибуляр ўзакларини марказий асаб системасининг бошқа структуралари (мияча, вегетатив марказлар, скелет мушаклари) билан боғланиши туфайли мушак реакциялари, нистагм ва сенсор (бош айланишига тааллукли) реакциялари пайдо бўлади.

СПОНТАН НИСТАГМНИ АНИКЛАШ

Нистагм — кўз соккаларининг у ёки бу текисликда (горизонтал, вертикал ёки фронтал) ўз-ўзидан, ритмик тарзда харакатланиб туриши.

Вестибуляр нистагмда икки компонент — секинлашган ва тезлашган компонентлар бор. Вестибуляр нистагмни аниклаш учун врач бемордан бирорта нарсага ёки врач бармоғига қараб туришни буюради у нарса бемор юзи сатҳидан 30 см узокликда бўлиши керак. Врач бармоқни юз ўртасидан ўнгга ёки чапга суруб бориб, кўз соккалари учеб туришининг пайдо бўлишини кайдекилиб боради. Нистагм йўналиши унинг тезлашган компонентига қараб белгиланади: ўнгга йўналган нистагмда — тезлашган компонент ўнг тарафга йўналган бўлади. Бордию, нистагм факат тезлашган компонент томонига қаралганда юзага келса, бу нистагм биринчи даражали нистагм ҳисобланади. Агар нистагм тўппа-тўғри қаралганда ҳам давом этаверса, бу иккинчи даражали нистагм, бордию нистагм секинлашган компонент тарафига қаралганда ҳам сакланниб турса, учинчи даражали нистагм ҳақида фикр юритилади. Нистагмнинг тезлашган компоненти лабиринтнинг «ортикча таъсиранланганлигини» билдиради.

Кўрсатиш синамалари (бармоқни бурунга, бармоқни бармоқка): биринчи синамада bemордан кўзларини юмиб, кўлларини ён тарафга ёзишни ва бирин-кетин ўнг ва чап кўлларининг кўрсаткич бармоғи билан бурун учига тегиб кўриш сўралади. Нистагмнинг секин компоненти томонида бармоқни бурун учига теккиза олмаслик шу томон лабиринтини касалланганлигини кўрсатади. Патологик жараён орка калла чукурчаси соҳасида бўлганда бармоқ бурун синамасини зааралланган томонда бажара олмайди. Бармоқни бармоқка теккизиш синамасини врач рўпарасига ўтирган bemордан кўзларини юмиб, иккала кўрсаткич бармоғи билан (кўлларни тиззадан кўтариб туриб) унинг

тиззаларидан 40—50 см баланд турган врачнинг кўрсаткич бармокларига теккизиш сўралади.

Врачнинг кўрсаткич бармоклари орасидаги масофа қарийб 20 см бўлиши керак. Ўнг лабиринт ўта таъсиранган ҳолларда бемор нистагмни секин компоненти томонига қараб, бу бармок-бурун синамасини икки қўли билан бажара олмайди. Каллани орқа чукурчаси зааралланганда эса бемор шу зааралланган томондаги қўли билан санамани бажара олмайди.

Адиадохокинезни аниклаш. Бунда бемордан кўзларини юмиб, иложи борича қўл билаклари билан «супинацио — пронацио» ҳолида айланма ҳаракат килиши сўралади. Қулок лабиринти зааралланганда адиадохокинез аникланмайди, яъни иккала қўл тезлиги ва амплитудаси жиҳатидан бир хил ҳаракат қиласди. Калланинг орқа чукурчаси зааралланганда адиадохокинез намоён бўлади: зааралланган томондаги қўл секин, номутаносиб ҳаракат қиласди. Шундай қилиб, текширишнинг бу усули лабиринт зааралланганигини эмас, балки лабиринт заараланиши билан калланинг орқа чукурчаси заараланиши орасидаги дифференциал ташҳис ўтказишни ҳам кўрсатиши мумкин (арахноидит, мия абсцесси).

Ромберг вазиятида текшириш. Бемордан тикка туриб, оёқ товонларини бирлаштириш, кўлларини узатиб, кўзларини юмиш сўралади. Масалан, ўнг лабиринт кўпроқ зааралланганда бемор танаси соғлом қулок тарафга оға бошлайди. Бош вазияти ўзгарганда беморнинг йиқилиш йўналиши ҳам ўзгаради. Орқа калла чукурчаси зааралланган тақдирда йиқилиш йўналиши бош вазиятига боғлик бўлмайди.

Юришни текшириш. Юкорида кўрсатиб ўтилгандек, вестибуляр аппаратда юриш бузилиши қайд қилинади.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бемордан кўзларини юмиб, қарийб 6 м масофага тўғри юриб кўриши сўралади. Бордюю, кишида ўнг лабиринт кўпроқ зааралланган бўлса, у чапга, нистагмнинг секинлашган компоненти томонига оға бошлайди.

Вестибуляр анализаторнинг периферик бўлими заараланишига боғлик бўлган спонтан вестибуляр бузилишлар компенсацияланганлиги туфайли вестибуляр анализаторни зўриқкан пайтида текшириш зарур. Бунинг учун калорик ва айланма синамалар кўлланади.

Калорик синов суюқлик молекулаларининг совитилганда пастга тушиши ва киздирилганда кўтарилишининг физикавий хоссасига асосланган. Ярим доира каналларида ампула томон ёки ундан узокқа эндолимфа молекулала-

рининг силжишини келтириб чиқариш учун ташки эшитув йўлига совитилган ёки иситилган сув юборилади. Кулок лабиринтининг (ҳар бирини алоҳида-алоҳида) ўта зўриқиши натижасида пайдо бўлган нистагм давомлилигини, унинг даражасини, кўз соққасини тебранишларининг амплитудасини, шунингдек вегататив реакцияларининг ифодаланганлигини (кўп терлаш, кўнгил айланиши, ранг оқариши) норма кўрсаткичлари билан солиштирилади. Бемор бошининг вазиятига караб (олдинга, елкага энгашгани, бошини орқага ташлаш), фронтал (олдинги), сагиттал (орқадаги) ёки горизонтал (латерал) ярим доира каналнинг таъсиrlанишини юзага келтириш мумкин. Амалда асосан латерал ярим доира каналлар калоризацияси ишлатилади, бунинг учун bemor креслода бошини орқага ташлаб ўтиради, бунда ана шу каналлар ампуласи юкори вазиятни эгаллади. Бунда эндолимфанинг канал ампуласидан (совук сув) ёки ампулага караб (илик сув) силжиши учун куляй шароит юзага келади. Нормада ташки эшитув йўлининг орқа — юкори девори бўйлаб 20 даражали 100 мл суюклик 20 сек давомида юборилгандан кейин горизонтал нистагм пайдо бўлиб, унинг тезлашган компоненти бошқа кулокқа (эндолимфанинг ампуляр охиридан оқиб кетиши 60—120 сек ичида) қаратилган бўлади. Ушбу далиллар, оғиш текширилаётган лабиринтнинг заифлашганидан ёки ортиқча зўриққанидан далолат беради.

Айланма синов. Каллорик синама сингари, бу текширув кулок лабиринти заарланганини аниқлаб беради. Бу синов Эвальд каشف этган конуниятларга асосланган бўлиб эндолимфанинг ампула охирига силжиши (таъсиrlанаётган ампула тарафидаги) нистагмга сабаб бўлади (тезлашган компонент). Эндолимфанинг ампулалар охиридан бошлаб сурилиши икки томонлама нистагм билан давом этади. Беморни Барапиннинг маҳсус курсиси ёки олдиндан белгиланган дастури бор курсида соат стрелкаси бўйича айлантирилиб (20 сек мобайнида 10 марта айланиш), креслони бирдан тўхтатиб кўйиб пайдо бўлган нистагм, bemornинг боши ва гавдасининг оғиш даражаси кузатиб турилади. Бемор боши, кресло айлантирилаётган пайтда олдинга 30° эгилган бўлиши керак, бунда латерал ярим доира каналлар айлантириш сатҳида, bemor кўзлари юмилган бўлиши зарур. Нормада айлантиришдан кейинги нистагм давомлилиги қарийб 20 секундга тенг бўлади. Айланма ҳаракатлар 5 дақиқа ўtkазиб, соат стрелкасига қарши йўналишда қилинади ва аниқланган лабиринт реакциясини у ёки бу тараф билан солиштирилади.

Вестибуляр реакциянинг нистагми ва бошқа компонентларнинг калорик ва айланма синовлар ўтказилгандан кейин график тарзда нистагмографияни қайд қиласа бўлади.

Фистула синов. Текширилаётган қулок гажагига бармоқ билан босиб туриб, шу тариқа ногора парда бўшлиғидаги босим кўтарилишига эришиб, нистагм пайдо бўлишини ва бош айланишими сезишни қайд қилинади. Ижобий «фистула синови»даги нистагм текширилаётган қулок томонга йўналган бўлиб, бунда эшитув йўлида ва ногора бўшлиғида босим ошган бўлади, қарама-карши томонга йўналганда эса ҳаво сийраклашган ва бу бўшлиқларда босим пасайиб кетади. Фистула симптоми борлиги аксари ташки ярим доира каналнинг деструкцияси мавжудлигидан гувоҳлик беради.

ТАШҚИ ҚУЛОҚ КАСАЛЛИҚЛАРИ

ТАШҚИ ҚУЛОҚНИНГ ТУҒМА КАСАЛЛИҚЛАРИ

Хар йили 10 000 боладан 1-та бола ташки қулок нуксони билан туғилади. Қулок супрасини қайта тиклаш патологик жарроҳликнинг мураккаб бўлими ҳисобланади. Қулок супрасининг чала ривожланишининг бир неча турга ажратилади: микротия (айрим фрагментлар — супача, тери билишчаси ҳолидаги гажак бўлаги), анатия (қулок супраси ва ташки эшитув йўлининг батамом бўлмаслиги) шулар жумласидандир. Иккала ҳолда ҳам қулок чиганоғини шакллантиришга киришилади, бунинг учун консервацияланган тоғай, пластмасса ва тери каркасидан фойдаланилади. Бунда қулок чиганоғи ва ташки эшитув йўлини тиклаш бўйича қилинган жарроҳлик операциялари билан бирга эшитув функциясини яхшилаш максадида ўтга қулокни қайта тиклаш операциялари ҳам қилинади.

ҚУЛОҚ СУПРАСИННИНГ СОВУҚ УРИШИ

Қулок супрасининг қон томирлари тери ости ёғ катлами билан ўралмаганлиги сабабли қулокни совук уриши мумкин. Бунда уч боскич: эритема, пузакчалар ҳосил бўлиши, гангrena боскичлари кузатилади. Даволаш усули тананинг бошқа совук урган қисмларини даволаш билан бир хил бўлади.

Ташки отит — ташки эшитув йўли терисининг яллиғланишидир. Икки тури тафовут қилинади: тарқалган

(ёйилган) ва чекланган яллиғланиш шулар жумласидандир. Кулокда оғриқ туриши, кичишиш, эшитув йўлидан ажралмалар чиқиши диффуз яллиғланишга хосдир. Ташки отит терининг шикастланиши, қандли диабет оқибатида қаттиқ қашинганда кокклар, ичак таёқчаси ва бошқалар инфицирланиши натижасида юзага келади. Эшитув йўли терисининг таркалган яллиғланишида оғриқ терини шишини, секреция ажралиши ва эшитув йўли ёригининг торайиб колиши кузатилади. Ташки эшитув йўлидаги чилқон (фурунқул) ташки отитнинг чегараланган тури ҳисобланади. Кулок оғриши чилқонга хос хусусият бўлиб, оғриқ гажакка босиб кўрилганда кучаяди. Борди-ю, чилқон эшитув йўлининг олдинги деворига чиккан бўлса, оғриқ чакка-пастки жағ бўғимиға чегарадош бўлган ана шу деворга тарқалиши оқибатида оғриқ чайнов ҳаракатида ҳам кучаяди. Гажак олдидаги ва қулокнинг орқа соҳасидаги регионал лимфа тугунлар катталashiб, оғриқ беради, яллиғланиш жараёни эшитув йўли тоғайининг пастки девори кесиги орқали қулок олди безига ҳам тарқалиши мумкин.

Диффуз ташки отитда эшитув йўлини авайлаб ювилади, йиринг сўриб ташланади, ичига суртма дори 2 % ли синтомицин эмульсияси, 1 % ли полимиксин суртма дориси каби десенсибилизацияловчи препаратлар кўлланилади. Шунингдек эшитув йўли терисини даволашда физиотерапия — ультрабинафша нур билан даволаш, УВЧ ишлатиш, магнит билан даволаш ҳам қўл келади. Чилқонда антибиотиклар буюрилади (пенициллин 500 000 ТБ дан кунига 4 марта, тетрациклин, олетитрин 250 000 ТБ дан кунига 4 маҳал, суртма дорилардан — сариқ рангли 3 % ли симобли, Вишневский суртма дориси докали турундаларда).

Отомикоз — даволаш воситаларини қулокдан ажраладиган замбуруғ хилига қараб белгиланади — могорли (аспергиллалар), ачитки (қандида) замбуруғлари шулар жумласидандир. Симптомлар мицелийнинг тери ичкарисига ўсиб кирганда пайдо бўлади. Тери эпидермисининг шикастланиши ва яллиғланиш жараёнлари оқибатида таъсирлаңади, оғриқ, кичишиш, турли рангдаги (сариқ, қорамтири ва кулранг) қисман серозли ажралмалар пайдо бўлади. Эшитув йўлида ажралмалар кўп бўлганда эшитиш даражаси пасаяди.

Могорли замбуруғлар аниқланганда маҳаллий нитрофунгин, хинозол буюрилади (дори шимдирилган трундлар ташки эшитув йўлига киритилади), ачитки замбуруғлар топилгудек бўлса, леворин суртма дориси, Ка-

стеллани суюқлиги буюрилади. Кулок ичига дорилардан нистатин, декамин тавсия қилинади.

Замбуруг касалликларини даволашдан аввал антибиотикларни бекор қилиш, күч-куваттаги багишловчи даво воситаларини қўллаш, В, С грухига мансуб витаминлар буюриш лозим. Аллергия рўй бериш эҳтимоли борлигини хисобга олиб, гипосенсибилизацияловчи даво ўтказиш зарур.

ТАШКИ ЭШИТУВ ЙЎЛИДАГИ ЁТ ЖИСМЛАР

Ташки эши туви йўлидаги ёт жисмлар хилма-хил бўлиши мумкин: майда ҳашаротлар, дуккаклилар уруғи, металл заррачалари ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай ҳолларда бемор қулогида бирор нарса борлигидан, яхши эшита олмаётганидан, айниқса ёт жисм эши туви йўлининг ичкарисига кириб колиб, ноғора пардага бирор нарса тегиб турганидан, оғриқдан шикоят қиласи.


Ташхисни ойдинлаштириш учун анамнез тўплаш муҳим хисобланади. Кулокни отоскопия қилинганда ёт жисм нима экани аниқ маълум бўлади.

Факат зарурий шарт-шароитлар бўлганда биринчи ёрдам кўрсатиш мумкин: ёт жисмни кўриб туриб, чиқариб ташлаш имконияти, тегишли асбоб-ускуналар бўлганда, bemor бошини ишончли иммобилизация қилиш шулар қаторига киради. Акс ҳолда эши туви йўлини, ноғора пардани, эши туви суюқчалари занжирини жароҳатлаш мумкин. Ёт жисмларни қулокдан маҳсус илгак ёрдамида чиқариш мумкин (27- расм). Ташки эши туви йўлини орқа-юкори девори бўйлаб Жанэ шприци ёрдамида юваб ташлаш яхши самара беради (28- расм).


ТАШКИ ҚУЛОҚ ШИКАСТЛАРИ

Ташки қулоқнинг тиш-жағ системаси билан чамбарчас анатомик боғланганлиги иккала аъзонинг бир вақтда шикастланишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда кўрсатилган ошиғич ёрдам факатгина аъзонинг анатомик тузилишини сақлабгина қолмасдан, балки унинг функцияларини тиклашга ҳам ёрдам бериши мумкин. Масалан, автомобил ҳалокатида киши ияқ соҳасини каттиқ уриб олди дейлик, оқибат натижада бўғим ўсимтасининг бошчаси оркага сурилиб қолади. Бу чакка-пастки жағ бўғими юзасининг заарланишига, ташки эши туви йўли олдинги суюқ деворининг шикастланишига сабаб бўлади.

27-расм. Ёт жисмни ташки эшитув йўлидан чиқариб ташлаш.



28-расм. Кулокка ёт жисм тушиб колганида ташки эшитув йўлини ювиш.



Суяк бўлакчалари сурилиб колганда эшитув йўлининг ёриғи торайиб колади, кулокда оғриқ пайдо бўлади, эшитиш ўткирлиги пасаяди этишув йўлидан қон оқиб чиқади. Эшитув йўлидаги қон куйқалари чиқариб ташланганидан кейин суяк бўлакчаларининг олдинги девори соҳасига тушиб колганлигини аниқласа бўлади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, чакка суяги пирамидаси синганда ҳам ташки эшитув йўлидан қон оқиши кузатилади. Ошигич ёрдам кўрсатувчи враҷ қонни тўхтатиш билан бирга ташки эшитув йўли ёригининг кейинчалик торайиб

Колишини ва атрезияга йўл қўймаслик чораларини кўриши ҳам лозим. Эшитув йўлининг яллиғанишига қарши суртма дори (синтомицин) шимдирилган тампонлар қўйиш ана шундай чоралардан бири хисобланади. Муолажалар оғритмаслиги учун ташки қулокда маҳаллий анестезия қўлланилиб, 2 % ли новокаин эритмаси гажак усти соҳасига юборилади. Профилактика мақсадида қоқшолга қарши зардоб, антибиотиклар буюрилади.

Ташки қулокнинг шикастланиши (29-расм) қулок олди сўлак бези, юз нерви шикастланишлари билан давом этиши мумкин.



29-расм. Қулок супрасининг шикастланиши — отгематома.

ОТАЛГИЯ

Оталгия деб. қулокнинг ўзида патологик аломатларга даҳли бўлмаган қулок супрасига якин жойидаги кучли хуружсимон оғрикка айтилади. Ташки ва ўрта қулок билан умумий иннервация оладиган аъзолардаги патологик бузилишлар оталгияни келтириб чиқарадиган сабаблардан бўлиши мумкин. Қулок иннервациясида иштирок этувчи тил-ютқин, уч шохли, адашган нерв охирларининг таъсирланиши қулокнинг у ёки бу жойида кайтувчи оғрикнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Ушбу нерв охирларининг таъсирланиш ўчоклари оғиз бўшлиғи, томоқ ва буруннинг шиллиқ пардаси хисобланади.

Тишларда, кўпинча пастки саккизинчи тишдаги кариоз жараёни тил илдизида яъни чакка-пастки жағ бўғимидағи деструктив ўзгаришлар қулокда кутимагандан пайдо бўладиган кучли, хуружсимон оғрикка сабаб бўлади. Бемор олдинига оториноларингологга мурожаат қиласи, чунки оталгияда қулокдаги оғриқ асосий симптом бўлиб хисобланади. Факат диккат билан сўраб-суринтирилгандагина бир мунча аник маълумотларга эга бўлиш мумкин: касал тиш борлиги, бурун бўшлиғи хасталиги шулар жумласидандир. Текшириш аденоидлар, пастки

бурун чиганоғи охирининг гипертрофиялангани, томокда ва энг аввало томок устида яллиғланиш жараёнлари борлигини аниқлашга ёрдам беради. Шунинг учун оталгияси бўлган касаллар невропатолог ва стоматолог текширувидан ўтиши шарт. Баъзан эса пастки саккизинчи тиш санацияси беморни азоб берадиган ва узок қийнайдиган оғриқдан халос этади.

ЎРТА ҚУЛОҚ КАСАЛЛИКЛАРИ


ЎТКИР ЎРТА ОТИТ

Ўрта қулокнинг ўткир яллиғланишида яллиғланиш жараёни ўрта қулок шиллик пардасини ҳамда уч бўлимини: ноғора парда, эшитув найи, сўрғичсимон ўсимтанинг ҳаво ўтказиш хужайралари системасини қамраб олади. Яллиғланиш хили ёки босқичига қараб, ўткир ўрта отит катарал ёки йирингли бўлиши мумкин. Инфекциянинг эшитув йўли орқали томоқнинг бурун кисмидан кирадиган тубар йўли; юкумли касалликларда кон оқими билан тушадиган гематоген тури; шикастланган ноғора парда орқали тушадиган тури ўзаро тафовут қилинади. Ўткир ўрта отит касаллиги айникса ёш болалар орасида кўпроқ учрайди. Юкори нафас йўлларининг ўткир касалликлари, аденоидлар борлиги, бурун бўшлиғи ва бурун бўшлиқларининг сурункали яллиғланиш касалликлари, организм ҳимоя кучларининг сусайиши ана шу хасталикнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Ўрта қулок яллиғланишига сабаб бўладиган микрофлора кокклар (стрептокок, стафилококк, пневмококк) дан иборат. Касаллик босқичма-босқич кечади: 1- перфорациягача (тешишишгача), 2- перфорация, йиринг окиши ва йиринг окмай колиши. Ҳар бир босқични ўзига хос белгилари, патологик хусусиятлари, шунингдек даволаш усуллари мавжуд.

1- босқич. Бунда қулок битиши, қулокда жуда кучли оғриқ бўлиши, оғриқ чаккага, энсага, тишларга берилиши кузатилади. Оғриқ давомий бўлиб, ҳамда жуда тез зўрайиб боради, айникса дастлабки кунларда жуда кучли бўлади. Уйқу бузилади, умумий аҳвол ёмонлашади, тана ҳарорати кўтарилади. Отоскопия: ноғора парда ўзгариб билиш нукталари, болғача дастаси, болғачанинг калта ўсимтаси, ёруғлик конуси йўқолади. Парда қипкизил тусга киради, у эшитув йўлига шишиб чиқади.

Давоси. Сўрғичсимон ўсимта соҳасига иситувчи комп-



а



в

30-расм. а — парацентез, шунтлаш ва протезлар, б — ногора пардани шунтлаш учун протезлар, в — шунтланган ногора парда.

ресс (боғлам) қўйилади. Бемор бошини орқага ташлаб ўтиргани холида бурнига томир торайтирувчи томчилар томизилади. Та什ки эшинутув йўлига илик камфора ёғи, глицерин томчилари томизилади. Аналгин, барабалгин таблеткалари, антибиотиклар, сульфаниламидлар буюрилади. Борди-ю, икки кун давомида иситма тушмай оғриқ босилмаса, парацентез ўтказилади, яъни ногора парда кесилади. Парацентез ногора парданинг орқа-пастки квадрантида, бўртиб чиқиб турган жойида килинади (30-расм).

Хозирги вактда ногора-парда бўшлиғига, ногора парда орқали ингичка шунт қўйилади, яъни 2 % ли новокайн эритмаси билан маҳаллий инфильтрацион анестезиядан кейин микроскоп остида игна ёрдамида ногора парда қатламларга бўлинади ва махсус шунт қўйилади. Кейин

шунт орқали нофора пардага антибиотиклар, кортикостероидлар, ферментлар юборилади. Шунингдек физиотерапевтик даво (УВЧ, магнит билан даволаш, ультратовуш, лазер билан даво қилинади) кўлланади.


2- босқич. Шикоятлар: эшитур пасаяди, кулокдан йириңг ажралади. Оғриқ анча камайиб, аста-секин умумий аҳвол яхшиланади, ҳарорат тушади.

Отоскопия: эшитур йўлида йириңг тўпланади, у томир уриши билан бир маромда (синхрон тарзда) уради (кенгайган кон томирлар деворига тегиб турад экан, йириңг улар қисқарганда ажралиб чиқади). Бунда перфорация кўринмаслиги мумкин, чунки тирқишимон шаклда бўлади ва фақатгина у орқали йириңг оқиб чиқадиган жойнинг ўзи аниқланади. Парданинг ўзи қалинлашиб кизаради, унда билиш белгилари кўринмайди.


Давоси: Ислитувчи компрессларни қўйиб туриш, бурун бўшлиғига томирни торайтирувчи томчилар томизиш, антибиотикларни микрофлоранинг унга сезувчанлигини ҳисобга олган ҳолда кўллаш, гипосенсибилизацияловчи препаратлар бериб туриш лозим. Эшитур йўлидан йириңгли модда (секрет) ни кулок зондлари ва пахта билан артиб чиқариб олинади. Шунингдек электр сўргич ёки резинали баллон билан сўриб ташланади. Кулокни Политцер бўйича ёки катетерлаш усулида пуфлаш.

Кулокни Политцер усулида пуфлаш. Бурун катагининг бирига резина най билан бирлаштиришган баллонли олива киритилади. Буруннинг иккинчи катагини эса врач ёпиб туради (бурун қанотини бурун тўсигига босиб туриб). Беморга «бир, икки, уч» дейиш буюрилади. У уч дейиши билан бурундаги ҳаво тезда бурун бўшлиғига, томокнинг бурун қисмига йўналади. «Уч» дейилганда юмшоқ танглай орқага ва телага суримиши, томок-бурун қисмининг оғиз қисмидан ажралиши натижасида бурун қисмига босим остида юборилган ҳаво эшитур найлари орқали ўрта кулокқа киради (31-расм).

Кулокни катетерлаш: Борди-ю, Политцер усулида кулокларни тозалашни иложи бўлмаса, катетерлашга ўтилади. Бунда бурун бўшлиғининг шиллик пардаси, томокнинг бурун қисми, эшитур найлари даҳлизи соҳала-рини маҳаллий анестезия қилинади ва кейин учи кайрилган металл катетерни бурун катакларидан бирига димоғга-ча киритилади, бунда катетер учи бевосита эшитур найи даҳлизига кириши лозим. Бу пайтда врач bemor қулоғига бирлаштирилган резина найча орқали ҳавонинг баллондан катетер орқали ўрта кулокка тушишини кузатади (32-расм).



31-расм. Қулоқни Политцер бўйича пулфлаш.



32-расм. Қулоқни катетер оркали пулфлаш.

З-боскич. Даволаш натижасида ёки бирдан (спонтан) қулоқдан йиринг оқиши тўхтаб қолади. Шикоятлар: эшитишнинг ёмонлашиши — аутофония, қулоқ шангиллаши. Отоскопия: эшитув йўлида ажралма бўлмайди, ногора парда секин-аста ўз ҳолига қайтади, болғача дастаси ва унинг калта ўсимтаси кўринади. Кейинроқ парданинг нормал вазияти тикланади, ёруғлик конуси пайдо бўлади.

Давоси. Қулоқни мунтазам равишда тозалаб туришни давом эттириш, физиотерапия (ўрта қулоқ соҳасини УВЧ билан даволаш хаммаси бўлиб 6—7 муолажа), ногора бўшлиғига чандиклар ва битишмалар ҳосил бўлишига йўл кўймаслик учун ногора пардани пневматик массаж қилишни (уқалашни) давом эттириш керак. Отит одатдагидек кечган ҳолларда одам 10—14 кундан кейин тузалиб кетади. Эшитув функциясининг тикланиши бунинг далилидир.

Агар даво оқилона олиб борилмаса, микрофлора вирулентли бўлса, овқатланишнинг бузилиши оқибатида бемор камқувват ва аллергик ҳолатда бўлса, статус сусайган бўлса ўткир ўрта отит сурункали турга айланади. Баъзан ўткир отитда юз нерви парези ва калла ичи асоратлари ҳам юзага келиши мумкин. Бундан ташқари яллиғаниш сўрғичсизон ўсимтага тарқалиб — мастоидитни келтириб чиқаради.

ЁШ БОЛАЛАРДА ЎТКИР ОТИТ

Болаларда учрайдиган ўткир отитнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, камдан-кам ҳолларда ўзича кечади асосан бошқа аъзо ва системалар хасталиклари (рахит, зотилжам, ЎРК, меъда-ичак йўли бузилишлари, бунда тез-


тез кусилганидан қусуқ кенг ва калта эшитув найи оркали ўрта кулоққа тушиши мумкин) билан бирга давом этади.

Кўкрак ёшидаги болаларда кечадиган ўткир ўрта отитга ташхис қўйиш учун анамнез маълумотлар тўплаш ўрнига болани кузатиб боришга тўғри келади (иштаҳаси қандай, бола кўкракни эма туриб чинкириб йиғлайдими, шунга қаралади). Отоскопия манзараси ишончли бўлмайди — ноғора парда бола чинкириб йиғлаганда қизаради, лекин қулоқда ҳеч қандай хасталик сезилмайди, аксинча, бу вактда ноғора парда кулранг бўлиши мумкин. Қулоқ супачасига босиб кўрилганда каттиқ оғриқ беради. Чунки болаларда эшитув йўли сужакланмагани учун калта бўлади, бунда супачага босиш, амалда яллиғланган ноғора пардага босиш билан баравар бўлади. Бола ўткир отитда касал қулоғини ёстиқка босиб ётади. Энсаси билан ёстиқни ишқалайди. Бу ёшда сўргичсимон ўсимтага ҳали яхши ривожланмаганлиги учун (факат ғор бўлади) унинг сужак деворларини парчалаб юборадиган жараёнини мастоидит эмас, балки антрит деб аталади. Бу ҳолларда бажариладиган операция антrotомия деб юритилади.

Мастоидит — сўргичсимон ўсимтанинг сужак элементларини парчалайдиган ўрта қулоқнинг ўткир йирингли яллиғланишидир. Айнан сўргичсимон ўсимтанинг сужак тўқимаси деструкцияси туфайли мастоидит ўткир ўрта отитдан фарқланади. Мастоидит ғор томи, лабиринт, юз нервининг парчаланиши каби асоратлар колдириши мумкин. Микрофлора вирулентлилигининг ошиши, вактида овқатланмаслик, микрофлоранинг сульфаниламидларга ва антибиотикларга нисбатан сезгир бўлмаслиги, организм реактивлигининг бузилиши ўткир отитнинг мастоидитга айланишига сабаб бўлади.


Белгилари. Ўткир ўрта отит кечишида ёки 2—3 хафта ўткач, қулоқда, қулоқ орти соҳасида оғриқ кучаяди. Оғриқ спонтан (бехосдан), шунингдек сўргичсимон ўсимтага унинг чўккисига ёки ён сатҳига босиб кўрилганда кучайниши мумкин. Эшитув пасаяди, қулоқ шангиллайди, кўплаб йиринг оқади. У куюқ ва сарғимтири рангда бўлади. Тана ҳарорати 38—39 даражагача кўтарилади. Беморнинг умумий ахволи анча оғирлашади.

Отоскопия: ташки эшитув йўлининг сужак бўлимидағи орка-юқори деворининг осилиб колиши мастоидитнинг патогномоник белгиси ҳисобланади. Бу перист ҳодисала-рига алоказадор бўлиб, у сўргичсимон ўсимта «горида» юзага келадиган йирингли жараён, ўсимта деворлари деструкцияси келтириб чикаради, турли йўналишларда тарқалади ва ўсимтанинг ён сатҳида, орка деворида



33-расм. Йириングли жараённинг ўрта кулокдан таркалиши.

1 — тромбоз, синус эмпемаси, 2 — p. *facialis* парези, 3 — мастоидит, 4 — лабиринитит, 5 — субдурал абсцесс, 6 — менингит, 7 — экстрадурал абсцесс, 8 — мия абсцесси, 9 — петрозит.



34-расм. Мастоидитда қулок супрасининг шишиб кийшайиб колиши

периостга етади. Бу соҳалардаги шиш, баъзан эса йириинглининг ёрилиб кетиши мастоидит ташхисини тасдиқлайди (33-расм). Ноғора парданинг қизарган, қалинлашган, тешилган жойидан йириңг оқиб чиқади. Беморда мастоидит аниқланганда қулок супрасининг олдинга ва пастга бўртиши, қулок орти соҳасида терининг шишиб чиқиши ва қизариши киши эътиборини жалб қиласди (34-расм). Сўргичсимон ўсимта юзаси босиб турилганда ва уни туккиллатиб уриб кўрилганда ҳам оғриқ сезилади. Чакка суюги рентгенографияси йирингга тўлган сўргичси-

мон ўсимта катақчаларининг корайганини, шунингдек катақчалар орасидаги айрим сүяк деворларининг емирилганини кўрсатади. Тўпланган анамнезлар ва беморни объектив текширилганда аниқланган белгилар бўйича мастоидит ташҳиси кўйилади. Ташҳисни ойдинлаштириш ва мастоидитнинг оғир асоратларига йўл қўймаслик учун беморни кулок, томок, бурун касалликлари врачига юбориш лозим.

Давоси: хирургик — мастоидитомия қилинади. Тери коплами қаватма-қават кесилиб сўргичсизон ўсимтанинг кортикал қатлами очилади, кейин «фор» тешилиб, астасекин ўсимтанинг барча заарланган ҳужайралари очиб тозаланади. Операция вактида ўрта кулоқнинг эшитиш функциясини саклаб қолиш учун эшитув йўлининг орка девори олиб ташланмайди ва ноғора пардага тегилмайди, чунки ўткир яллиғланиш жараёнида ўрта кулоқнинг эшитув сүякчалари занжирида унча деструктив ўзгаришлар кузатилмайди.

Сурункали йирингли ўрта отит кенг тарқалган касаллик бўлиб, карликка, ички кулоқ вестибуляр аппарати функциясининг бузилишига, баъзан эса бемор ҳаётига таҳдид солувчи асоратларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Ноғора парданинг барқарор перфорацияси туфайли кулоқдан доим ёки вакти-вакти билан йирингли ажралма чиқиб туради, маълум даражада эшитувнинг пасайиши сурункали ўрта отитга хос белгилардан хисобланади. Сурункали отитни репарация ва парчаланиш кучлари ўртасидаги мувозанатнинг қарор топиши деб хисоблаш мумкин. Яъни организмнинг инфекцияга чидамлилиги яллиғланиш жараёнини кучайтиrmайди.

Диабет, витамин етишмаслиги (авитаминоз), моддалар алмашинувининг издан чиқиши каби касалликлар, шунингдек ноқулай турмуш шароити, ўрта кулоқ яллиғланишини ўз вактида олдини олмаслик сурункали ўрта отитнинг ривожланишига сабаб бўлади. Ўрта кулоқнинг сурункали яллиғланиши билан кечадиган микрофлора хилма-хил бўлади. Бурун бўшлиғи, томокнинг бурун кисми, бурун атрофи бўшликлари патологияси сурункали жараённинг ривожланишига ёрдам беради. Кўпинча сурункали ўрта отитда эшитув найининг дренажловчи ва вентиляцион функциясини бузадиган аденоидлар аниқланади.

Шиллик парданинг морфологик ўзгаришлари эпителий деструкцияси; шиллик парда некрози, фибрози, васкулитлар ва инфильтрация, грануляциялар ва полипларнинг

пайдо бўлиши ўрта кулок шиллик пардасининг морфологик ўзгаришларидан дарак беради.

Клиник жиҳатдан сурункали ўрта отитнинг икки асосий тури: **мезотимпанит** (суронкали яллиғланиш жараёни, кўпчилик ҳолларда ўрта кулокнинг шиллик пардаси билан чегараланади) ва **эпитимпанит** (шиллик пардада ўзгаришлар борлигидан ташқари жараён ўрта кулокнинг сувак демарларига, эшитув сувакчаларига тарқалади) шулар жумласидандир.

Мезотимпанитга турли даражада эшитувнинг пасайиши, кулодан муңтазам ёки вақти-вақти билан шиллик-йирингли модда ажралиши хосдир.


Отоскопия. Мезотимпанитда ноғора парда турли катталиқда тешилса-да, лекин сувак айланасига етмайди. Перфорация ноғора парданинг таранглашган қисмида бўлиб у ёки бу майдонни эгаллайди. Перфорация орқали кўринадиган шиллик парда қизарган, қалинлашган, шиллик аралаш йиринг ажралма қатлами билан копланган бўлади. Ажралма жуда кўп миқдорда бўлиб, ёпишқок ва чўзилувчан бўлади. (35-расм).

Чакка суваги рентгенограммасида, кўпинча (айrim ҳолларда сувак ўзгармайди) сўрғичсимон ўсимта сувагининг склерози аниқланади. Ажралма микрофлорасида кўп ҳолларда стрептококк, протей, кўк йиринг таёқчаси бўлади.

Давоси. Кўпчилик ҳолларда консерватив бўлиб, йиринг оқишини тўхтатишга қаратилган бўлади. Кейинчалик ремиссия баркарор бўлгач перфорацияни хирургик йўл билан — мирингпластика қилиб ёпиб кўйилади.

Даволашни ҳамма вакт бурун бўшлигини, томокнинг бурун қисмини текширишдан бошлаш керак ва патологик жараён аниқланганда айнан ана шу соҳалар санация қилиниши лозим. Бу ноғора бўшлиги шиллик пардасини ва эшитув наилари дахлизини қонсизлантиришдан, йирингли ажралмани қулодан сўриб ташлаш ёки эшитув йўлини пахтали зонд билан артишдан, қулокка бактерицид таъсир этувчи, эпителизацияни тезлаштирувчи ва шиллик пардани мустаҳкамловчи, йирингли ажралмаларни камайтирувчи дори томизишдан иборат. Бунинг учун антибиотиклар левомицетин ва салицилат кислота эритмалари, 1% ли диоксидин эритмаси ишлатилади. Кўпчилик ҳолларда микробларга қарши таъсир этадиган антибиотиклар кукуни ва бошқа дори воситалари ишлатилади.

Кулокка дори томизишдан олдин ундан йирингни чиқариб ташлаш, дори шиллик пардага тушиши учун эшитув йўли ва ногора бўшлигини яхшилаб қуритиш керак




35- расм. Сурункали йирингли мезотимпанит.

бўлади. Қулокқа дорини беморни ёнбошига ётқизиб, касал қулогини тепага қаратиб кўйиб томизилади. Томчиларни тана ҳарорати даражасида иситиш ва 5 томчи микдорида эшитув йўлига томизиш лозим. Шундан кейин бир неча марта супачага куч билан босиб кўйиш керак. Шунда томчилар перфорациядан ўтиб ноғора бўшлиғига тарқалади, эшитув найига ва ўрта қулоқнинг бошқа бўлимларига ёйилиши мумкин. Антибиотикларни уларга нисбатан микрофлоранинг сезувчанлиги аниклангандагина қўлланган мъяқул. С ва А гурухига мансуб витаминлардан фойдаланиш мақсадга мувофик. Шунингдек шиллик пардани гелий-неонли лазер билан нурлантириш ҳам фойдалидир.

Мезотимпанит йиллаб, баъзан эса ўн йиллаб давом этиши мумкин. Одатда, қулокқа сув кириб қолганидан, совук олдиришдан, гриппдан кейин юзага келадиган қайталанишда антибиотиклардан инъекция қилиниши лозим.

Эпитетимпанитда bemor одатда ёмон эшитишдан, қулогидан бадбўй хид келаётганидан, баъзан эса қон аралаш йиринг ажралишидан, қулогини артганда боши айланишидан, бошининг чакка соҳасидаги оғриқдан шикоят қиласи.

Отоскопия: эшитув йўлида тўпланган йиринг яшилсизмон сарик рангда, куйук, бадбўй хидли, баъзан эса холестеатома массалари аралашган бўлади. Перфорация ноғора парданинг таранглашмаган қисмида бўлиб, унинг чеккаси суюк айланаси кирғоғигача етади. Ноғора усти чукурлиги (аттик), ноғора бўшлиғи юкори бўлимининг



36- расм. Сурункали йирингли эпитимпанит.

сүяк деворининг деструкциясини ҳам аниқлаш мумкин. Кўп ҳолларда перфорация ноғора парданинг таранглашган кисмини ҳам камраб олади. Йирингдан ташқари, грануляциялар, полиплар ва окимтири тусли холестеатома массаси борлиги кузатилади (36- расм).

Суяқдаги деструктив жараёнлар горизонтал яримдоира каналига ёйилганда (унинг ампуласи ёрга кириш жойига яқин туради) йиринг массалари очилиб қолган пардасимон лабиринт деворларига таркалади. Бу ҳолларда йиринг олиб ташланётган пайтда bemornining боши айланиши, мувозанатини йўқотиши, кўнгли айнаши мумкин. Бу ички қулоқ сүяк деворларининг емирилганлигидан далолат беради.

Рентгенограммада чакка суюгининг деструкция ўчоклари кўриниб тўради. Ўрта ва ички қулоқ сүяк тўқимасининг емирилиши кариоз жараёнлар ва холестоатома таъсири оқибатида юз беради.


Холестеатома — ўсмасимон тузилма бўлиб, сурункали деструктив жараён заминида ўрта қулоқ бўшлиғида пайдо бўлади ва ривожланади, бу эпитимпанитга хос хусусият хисобланади. Холестеатома секин ўсиб бориб ҳажм жиҳатидан эксцентрик катталашиб, ҳамма тўқималарни, ҳатто қулоқ лабиринтининг зич суюгини ҳам парчалаб юборади. У зич пардадан ва холестерин билан шимдирилган эпидермал массалар тўпламидан таркиб топган. Холестеатомани жарроҳлик йўли билан даволанади, чунки унинг ўсишини консерватив йўл билан тўхтатиш жуда мушкулдир.

Ўрта қулоқ бўшлиқларида ривожланадиган холестеатома ташқаридан биринкирувчи тўқима қатлами ёки

пардадан ташкил топган. Эпидермиснинг кўчиб тушган ҳужайралари орасида холестерин тўпланади (номи ҳам шундан келиб чиқкан). Пардадан ичкарига караб бириттирувчи тўқималар ўса бошлайди. Резорбция жараёнинг холестеатома таъсири остида гистойидларга ўхшаб кетадиган, ферментатив фаоллик қобилиятига эга бўлган маҳсус ҳужайралар ҳисобига юз бериши қайд қилинган эди. Кислотали фосфатаза, лизосомаларнинг борлиги суюк тўқимаси коллагенининг эриб кетишига ёрдам беради.

Қулок холестеатомаси чеккадаги эпидермиснинг перфорацияси орқали эшитув йўлидан ноғора бўшлигининг устки қаватларига ўсиб кириши, яллиғланиш таъсири остида ўрта қулок шиллик пардасининг метаплазияланган эпителийсининг десквамацияси, қулокда яллиғланиш борлигига эмбриогенез жараёнида эпидермал тўқима куртакларининг кириб қолиши билан изоҳланади. Қулокда холестеатоманинг бўлиши ўрта қулок сурункали яллиғланишининг хавфли асорати ҳисобланади.

Давоси. Асосан хирургик даво қилинади, даво ўрта қулокдаги йирингли ўчоқни санация килишга ва асроратларнинг олдини олишга қаратилади. Консерватив даво йирингли моддани чиқариб ташлашдан, йиринг ҳосил бўлишини камайтириш ва тўхтатиш мақсадида шиллик пардага таъсир кўрсатишдан, шунингдек ўрта қулок бўшликларини некротик массалардан тозалашдан иборат. Бунинг учун ўрта қулок бўшликларига маҳсус канюля оркали ферментлар (химопсин, химотрипсин), антибиотик эритмалар, левомицетиннинг спиртли эритмаси юборилади (37- расм).




37- расм. Қулокни Гартман канюляси оркали ювиш.

Перфорация орқали ташқи эшитув йўлига тушадиган полиплар ва грануляциялар маҳаллий оғриқсизлантириш ёрдамида махсус митти қисқичлар ва симли илгаклар билан чиқариб ташланади. Эпитимпанитда килинадиган операция радикал ёки умумбўшлиқ операцияси деб аталади. Ундан мақсад — ўрта қулокнинг барча бўлимларидаги патологик ўзгарган шиллик пардани ва суякни олиб ташлаш, катакчалар яхшилаб кириб ташлангандан кейин ягона умумий бўшлиқни яратишdir. Бу бўшлиқ ташқи эшитув йўлидан, ноғора бўшлиғи, фор ва сўргичсизмон ўсимта ҳужайраларидан иборат. Радикал операция ва товуш ўтказувчи аппаратнинг деструктив ўзгариши натижасида эшитув функцияси бирмунча бузилади. Шу сабабли эпитимпанитда санация операцияси билан бир қаторда пластик операция ҳам ўтказилади, бу операция тимпанопластика деб аталади.

Тимпанопластиканинг вазифаси — сунъий ноғора парда ҳисобига ўрта қулокнинг товуш ўтказувчи системасини ва қатор ҳолларда эшитув суюкчаларининг сунъий занжирини тиклашдан иборат. Ўрта қулокнинг товуш ўтказувчи системасининг парчаланганлик даражасига қараб тимпанопластиканинг турли хиллари кўлланади. Ноғора парда ўрнини босадиган лаҳтак сифатида чакка мушаги фасцияси, тоғай усти суяги, периост ва бошқа тўқималар ишлатилади (38- расм).

Лабиринтит — ички қулокдаги яллиғланиш жараёни. Инфекция ярим доира канали деворларининг кариоз жараёнидан, холестеатомадан парчаланганда ички қулокка тушади. Бунда кўпроқ ташқи канал ампуласи шикастланади, чунки у бошқаларига қараганда сўргичсизмон ўсимтанинг ҳаволи ҳужайраларига яқин туради, деструктив жараён ана шу ерда ривожланади. Чекланган ва тарқалган, сероз ва йирингли лабиринтитлар ҳам учрайди. Бош айланиши (буни бемор тинч турганда ёки юрганда сезади), юришнинг бузилиши, кўнгил айниши, қайт килиш лабиринтитга хос белгилардир.

Фистула симптомининг борлиги эса чекланган лабиринтиттага хосдир. Бу ташқи ярим доира каналининг суюкли деворида емирилиш борлигидан дарак беради. Бунда супачани босиб, ташқи эшитув йўлида босим кўпайтирилиши билан перилимфанинг ҳаракатланиши, ярим доира каналида рецепторларининг таъсирланиши юз беради. Диффузли лабиринтит бемор бошининг қаттиқ айланиши, мувозанатни йўқолиши ва тинкани куритадиган даражада қайт килиш билан кечади. Йирингли лабиринтит вестибуляр ва товуш анализатори рецептор аппаратининг тамоми-



38-расм. Вульштейн бўйича импанопластика хиллари.

ла емирилишига, бириттирувчи тўқима билан қопланишига олиб келади, яъни ушбу тарафда арефлексия бошланиб, одам кар бўлади,

Клиник манзараси — ўткир ёки сурункали йирингли ўрта отитда беморнинг боши айланиб, юрганда гандиралайди. Объектив белгилар: а) спонтан нистагм, дастлаб касал қулоқ тарафида сезилади, кейинчалик ушбу қулоқда рецепторлар заифлашганидан ёки ўлганидан сўнг нистагм ўз йўналишини ўзгартириб соғлом қулоққа ўтади; б) касал қулоқнинг яхши эшиитмай қолиши ёки бутунлай эшиитмаслиги; в) бармоқ-бурун синамаси ўтказилганда иккала қўл билан тегмаслик; г) Ромберг вазиятида касал соғлом қулоғи томонига энгашади, мияча абсцессидан ажратса билиш керак.

Давоси. Йирингли ўчоқни санация қилиш мақсадида ўрта қулоқда операция ва яллиғланишга қарши жадал терапия (антибиотиклар, сульфаниламидлар), дегидратацион даво ўтказилади.

Юз нерви парези ва фалажи ўрта қулоқдаги патологик аломатлар оқибатида (ўрта ва сурункали отит, ўсма) ички эшитув йўлида (эшитув нерви невриномаси), юз нерви калла бўшлиғидан чикқанида (бунда у қулоқ олди сўлак бези ёнидан ўта туриб, ушбу соҳада ўсма, чандиклар босиб қолишига реакция қиласи) юз бериши мумкин. Юз нерви бузилишларининг бу гурухи периферик фалажлар

қаторига кирса-да, лекин шунингдек юз нерви ўзакларининг заарланиши натижасида марказий фалажлар ҳам рўй беради.

Клиник манзараси юз нервининг қай даражада заарланғанлигига боғлик бўлади, чунки ўз йўлида юз нерви кўз ёши безини, узанги мушагини, юзниң имонишора мушакларини, жағ ости ва тил ости сўлак безларини (булар тилнинг учдан икки бўлагидан таъм билиш сезувчанлигини таъмин этади) иннервация қилувчи қатор тармоқчалар беради. Санаб ўтилган аъзолар ҳолатини аниқлаш юз нерви поясининг босилиб қолганлик ёки узилиб қолганлик даражасини (юз нерви каналидами ёки нервининг бигизсимон-сўрғичсимон тешикдан чиқканидан кейинми?) кўрсатади.

1. Юз нервининг тиззасимон тугунга қадар ички эшитув йўли доирасида заарланғанцга (калла асоси синганда, эшитув нерви невриномасида) қуйидагилар хос бўлади:
а) юз нерви учала шохларининг фалажи — оғиз бурчагининг осилиб колиши, бурун-лаб бурмаси ифодаланмаган, заарланган тарафда пешонани тириштириб бўлмайди;
б) кўз ёши бўлмагани ҳисобига кўз қуруклиги, чунки кўз ёши бези ишламайди; в) тилнинг учдан икки олдинги бўлагида таъм билишнинг бузилиши; в) гиперакузия — товушни касал қулок оркали соғлом қулокка қараганда бирмунча кучли эшитиш (бунда патологик жараён қулокка таъсир этмайди). Бу узангисимон мушак фаолиятининг бузилиши натижасида келиб чиқади. У ўрта қулокнинг бошқа мушагига қарама-қарши таъсир кўрсатмайди (нофора пардан таранглаштирувчи мушакка) ва товушлар таъсири остида узанги перилимфага таъсир килиб, даҳлиз деразасига каттиқ ботади.

2. Юқорида санаб ўтилган ҳамма белгилар кузатилади (заарланган томондаги кўз қуруклиги бундан мустасно). Бунда бемор кўз ёши оқишидан шикоят қиласди; кўз ёши бези иннервацияси шикастланганда кўзларни юмиш иложи бўлмаслигидан кўз ёши халтачасининг сўрилиш таъсири камайиб, кўз ёши бурун-кўз ёши каналига тушади.

3. Юз нервининг — бигизсимон-сўрғичсимон тешикдан чиққандан кейин заарланиши (қулок олди бези дамида). Қуйидаги белгилар аниқланади: юз нервининг учала ёки бирортасининг заарланиши пешонани тириштиришнинг қийинлашувига кўзниң ёки оғиз бурчагининг осилиб колишига, ёхуд бурун-лаб бурмасининг силлиқ бўлиб колишига олиб келади. Таъм билиш бузилиши ва гиперакузия қайд қилинмайди.


4. Юз нервининг фалажи: фалаж рўй берган тарафда

39- расм. Юз нервнинг шикастланганлик даражаси.

1 — ички эши туя ўёли дамида, 2 — юз нервнинг ногора сегменти, 3 — бигиз сўргичсизмон тешик ёндан чикадиган сўргичсизмон сегмент.

пешонани тириштириш қобилиятини сақлаб колинана шундай фалажнинг барча аломатлари га олиб боради (зараарланган томондаги пешонани буриштира олиш қобилиятининг бузилиши бундан истисно (39- расм).

Юз нерви функциясининг бузилганлик сабабини ва қанчалик зараарланганини аниқлаб, шундан кейингина даволаш усулини танлаш мумкин бўлади. Булар шошилинч жарроҳлик усулини кўллаш, идеопатик (келиб чикиши номаълум бўлган) фалажда юз нервнинг ўзини декомпрессия килиш, ёхуд консерватив даво усулларидир.



ОТОГЕН ҚАЛЛА ИЧИ АСОРАТЛАРИ

Отоген менингит, мия ва миячанинг отоген абсцесси, отоген сепсис ўткир ёки сурункали йирингли ўрта отит зўрайишининг асоратлари натижасида юзага келади. Бу касалликда ўлим ҳоллари 10 фойзи ташкил қиласди. Бу касаллик йирингли ўрта отитга чалинган беморларнинг 2—4 фойзида кузатилади. Стрептококклар, стафилококклар, ичак таёқчалари, кўк йирингли таёқча ва бошқа микроблар касалликнинг келиб чикишига сабаб бўлади. Инфекция қалла бўшлиғига аксари контакт йўли билан ёки ногора бўшлиғи ва фор юкори деворининг кариоз жараёнидаги емирилиш натижасида тушади. Инфекцион (юкумли) касалликларда инфекциянинг гематоген (кон) орқали тушиши эҳтимоли ҳам бор. Инфекция шунингдек қалла бўшлиғига Гаверс каналлари ва ўзгармаган суюкнинг периваскуляр бўшликлари орқали ҳам тушиши мумкин. Орқа қалла чуқурчасига инфекция йирингли жараёндан зараарланган лабиринт орқали таркалади.

Организмнинг химоя кучларининг ахволи қалла ичи отоген асоратларининг пайдо бўлишида катта аҳамиятга эга.

Отоғен менингит — йирингли менингит, аксари менингоэнцефалит сифатида кечади. Қасаллик шиддат билан бошланади. Барча симптомлар ўрта қулоқнинг йирингли

касаллиги заминида бир неча соатдан суткаларгача давом этади. Беморни кучли бош оғриғи безовта қилади. Ҳарорат узок вактгача юқори ($39-40^{\circ}$) бўлиб туради. Касаллик бошланганда bemorга ўтирилган ҳидлар, кучли товуш, ёруғлик ёмон таъсир қилади ва булар бош оғриғини кучайтиради. Касалликнинг бир қадар кечиккан босқичларида эс-хуш киравчи-чикарли бўлиб қолади.

Отоғен менингитда менингеал симптомлар росмана ифодаланади: энса мушакларининг тараанглигининг ошиши, Брудзинскийнинг юқори ва пастки симптомлари Керниг белгиси шулар жумласидандир. Оғир ҳолларда мушаклар тараанглишиб bemor бошини орқага ташлаб, оёқларини букиб ёнбошлаб ётади. Энцефалит қўшилганда пирамидал симптомлар (Бабинский, Оппенгейм) кузатиласди.

Периферик қонда гиперлейкоцитоз, ЭЧТ (эритроцитларнинг чўқиш тезлиги) ошади. Орқа мияни пункция қилиш отоген менингитга ташхис қўйишда муҳим аҳамият касб этади. Ликвор лойқа бўлиб, тез-тез томчилаб ёки оқиб туради. Плеоцитоз юқори бўлади (1000 ва бундан ортиқ). Оқсил пайдо бўлиб, Панди ва Ионне Аппельтнинг глобулинли реакциялари мусбат бўлиб қолади. Қанд ва хлоридлар микдори камайиб кетади.

МИЯНИНГ ОТОГЕН АБСЦЕССИ

Ташхис қўйишда мураккаб ҳисобланган бу касалликнинг 4 босқичини фарқлай билиш керак.

Бошланғич босқич симптомлари инфекциянинг мия пардалари орқали ўтиб унинг мия тўқимасига ўрнашуви билан кечади. Бу босқичда субфебрил ҳарорат, бош оғриғи, дармонсизлик, кўнгил айниши ва кусиш кузатиласди.

Латент босқичдаги мия абсцессида симптомлар деярли юзага чиқмайди. Кейинги босқичда касаллик белгилари росмана ифодаланиб, бунда симптомлар миянинг чакка бўлагида йиринг кўпайиши билан кечади. Бу биринчи навбатда мия ичи босимининг ошишига сабаб бўладиган симптомлардир: локал бош оғриғи, оғриқ айниқса калла ичи абсцессида калла перкуссия қилинганда кучаяди, овқатланинга боғлиқ бўлмаган кусиш, локайдлик, брадикардия, кўз тубида ўзгаришлар борлиги, менингеал симптомлар кузатиласди. Миянинг ўнг чакка бўлакчаси заарланганда локал симптоматика ўнг қўлда ишловчиларда қарама-карши томон марказий типдаги юз нерви парези, пирамидал белгилар кузатилиши мумкин. Ўнг қўлда ишловчиларда чап чакка абсцесс бўлганда сенсор

ва амнестик афазия, аграфия, алексия ҳодисалари кузатилиши мумкин, бу ташҳис қўйиншни енгиллаштиради.

Пункция килингандан орка мия суюклиги кучли босим остида оқиб чиқади, лекин у айтарли ўзгармаган бўлиб плеоцитоз оз миқдорда бўлади.

Организмда йирингли жой борлигига хос белгилар: юзнинг рангпарлиги, озиб кетиш, хотиранинг пасайиши, меъда-ичак касалликлари (тилнинг караш бойлаши, қабзият), периферик қонда яллиғланишга хослиги кузатлади. Миядаги ўз вақтида аниқланмаган абсцесслар терминал боскичга ўтади, бунда абсцесс ёрилиб мия коринчаларига тушади ва бемор ҳалок бўлади.

Мия ичи абсцессига ташҳис қўйишда эхография, ангиография, реография усулларидан фойдаланилади, лекин булар орқали етарли маълумотга эга бўлинмайди. Миянинг компьютерли томографияси анча ишончли усул ҳисобланади.

Отоген сепсис калланинг сигмасимон синус деворининг яллиғланиши билан кечадиган ўрта қулокдаги йирингли жараён асоратидир. Бунда перифлебит, кейин эса флебит ривожланади, яъни сигмасимон синус девори яллиғланиши натижасида девор ички эндотелиал қатламининг заарланиши, кейин эса облитерацияловчи тромб ҳосил бўла бошлади, у факат сигмасимон синусни тўлдирибгина қолмасдан, балки бўйинтуруқ венасига ҳам таркалади. Тромбинг йиринглаши микроорганиzmлар ва токсинларнинг веноз кон оқимига тушишига сабаб бўлади, бунда сепсиснинг клиник манзараси якъол намоён бўлади. Сепсиснинг икки тури тафовут қилинади. Булар септицимия ва септикопиемия, шулар жумласига киради. Иккинчи турида айрим аъзоларда йирингли метастазлар пайдо бўлади.

Клиник кўриниши умумий ва маҳаллий симптомлардан иборат. Агар мастоидит ёки сурункали йирингли тимпанитда беморнинг 15—45 минут давомида эти увишиб, (ҳароратнинг эгри чизиги бир кеча-кундузда 4—5 даража ўзгариб туради), кўп терласа, бу отоген сепсис аломати бўлиши мумкин. Беморнинг териси рангпар бўлиб, «ғоз териси» кўринишида бўлади, кейинчалик сарғимтир тусга киради. Сепсис эритроцитларнинг парчаланиши, лейкоцитоз ва суяқ фаолиятининг сусайиши билан ифодаланади. Метастазларнинг пайдо бўлиши отоген сепсисига хос хусусият бўлиб, бўйинтуруқ венасидан инфицирланган микроэмболистар юкори кавак венага, юракнинг ўнг бўлмачасига ўн коринчага ва ўпка артерияси бўйлаб ўпкадаги майда артериостатаргача таркалади. Бу

ерда эмболлар кон айланишин доирасини четлаб ўтиб, ҳар кандай аъзо (буйрак, бўғимлар, тери) да чўкиши, шунингдек йирингли яралар ҳосил қилиши мумкин. Зааралланган қулоқ тарафдаги сўрғичсимон ўсимтанинг орқа девори бўйлаб тўқималар пайпаслаб кўрилганда оғрик бериш, бўйинтуруқ венаси флебитига алоқадор бўйиннинг томир-нерв тутами пайпасланганда оғриши маҳаллий белгилар каторига киради.

Мияча абсцесси. Бу касалликнинг кечишида ҳам 4 та босқич тафовут қилинади. Мияча абсцессининг росмана босқичида локал белгилар мия абсцессидагига қараганда бир кадар кўпроқ, ифодаланган бўлади. Кучли нистагм кузатилади. Ромберг вазиятида текширилганда бемор зааралланган мияча ярим шари томонига оғади, бошини бурганда йиқилиш йўналиши ўзгармайди. Ҳаракатлар координациясининг бузилганлиги, бармок-бурун ва тиззатовон синамалари ёрдамида аниқланади. Зааралланган томондаги кўл-оёқ мушаклари тонусининг пасайиши ва адиадохокинез кузатилади.

Давоси. Отоген калла ичи асоратларида энг аввало йирингли ўчокни элиминация қилиш мақсадида қулоқни операция қилиш керак бўлади. Ўткир йирингли ўрта отитда ва сурункали йирингли отит зўрайганда қулоқни радикал операция қилинади. Менингитда бир йўла ўрта ва орқа калла чуқурчасининг (уларнинг участкалари ўзгармаганича қолгани маъқул) каттиқ мия пардаси очилади. Мия ва миячанинг чакка бўлаклари абсцессида каттиқ мия пардаси очилиб, унга 5 % ли йод эритмаси суртилади кейин мия моддаси бир неча йўналишларда мандренли уни тўмтоқ игна билан пункция қилинади. Йирингдан тозалагач мия каттиқ пардаси крестсимон қилиб кесилади, йиринг оқизиб юборилади, бўшлиқ фурацилиннинг илик эритмаси билан ювилади ва ингичка резина най билан дренаж қилинади. Абсцесс бўшлиғини дренажлашни то у кичрайиб колгунга қадар 2—4 ҳафта давомида қилиш керак. Отоген сепсисда ўрта қулоқни операция қилиниб, сигмасимон синус девори очиб кўйилади, пункция қилинади, тромб аниқлангудек бўлса, синус деворини кесиб тромб олиб ташланади. Барча отоген калла ичи асоратларида операциядан кейин дарҳол антибактериал даво белгилана-ди. Бунда таъсир кўрсатиш доираси кенг бўлган ва гематоэнцефалит тўсигидан яхши ўтадиган антибиотиклар кўлланади. Менингитга учраган беморларга антибиотиклар мушак ичига, венага юборилади. Диурезни коррекция қилиб туриб, сульфаниламид препаратлар ишилатилади, дезинтоксикацион ва дегидратацион даво ўтказилади.

СУРУНКАЛИ (ҮРТА ҚУЛОҚ КАТАРИ) АДГЕЗИВ ҮРТА ОТИТ

Бу хасталик ўрта қулоқнинг ўткир катари бўлиб, ўткир, сурункали йирингли ўрта отитни ўз вактида даволамаслик натижасида юзага келади. Ноғора бўшлиғида чандикли жараён, эшитув суюкчалари орасида битишмалар, эшитув найлари, лабиринт дарчалари даҳлизи соҳасида чандикли ўзгаришлар ривожланади. Баъзан чандикли биринчирувчи тўқиманинг кальцификацияси ва оссиификацияси рўй беради.

Бемор яхши эшитмаётганидан, қулоғи шанғиллаётганидан, баъзан бош айланишидан шикоят килади. Отоскопияда ноғора парда хиралашиб, ичига ботгани, чандикдан ўзгаргани, ҳаракати чеклангани кўринади (буни пневматик воронка билан текшириб кўрилганда аниқласа бўлади). Эшитишнинг пасайиши товуш ўтказувчи системанинг бузилиши натижасида юзага келади. Кейинчалик бунга товушларни қабул этиш қобилиятининг бузилиши ҳам қўшилади. Импедансометрия деб аталадиган объектив текшириш усули функционал текширув комплексида муайян аҳамият касб қилиб, у ноғора парда, эшитув найи ўтказувчанлигини аниқлашга ёрдам беради.

Ўрта қулоқнинг сурункали катарига даво қилишни бурун бўшлиғи ва бурун, томок санациясидан бошлаш керак. Эшитув найларини Политцер усули бўйича тозалаб, эшитув найларини катетерлаш, ноғора пардани пневмо-массаж қилиш амалга оширилади. Чандиклар сўрилиб кетиши учун ноғора бўшлиғига катетер орқали лидаза эритмаси юборилади, уни қулоқ ичига ионофорез ва ультрафонофорез холида юборилади. Консерватив даво кор қилмаса, тимпанотомия — ноғора бўшлиғини тафтиш килинади, гоҳо эса стапедопластика кўлланади.

ОТОСКЛЕРОЗ

У ички қулоқ капсуласининг бирламчи дистрофик касаллиги хисобланади. Отосклероз этиологиясида лабиринт капсуласининг тузилишига, ирсият омиллари, организмда рўй берадиган нейрогуморал ва гормонал ўзгаришларга аҳамият берилади.

Отосклерознинг гистологик ўчоғи янгитдан ҳосил бўлган (унинг структураси толасимон ва кўп сонли томирли бўлади) чегараланган соҳадан иборат. Аксарият холларда отосклероз ўчоғи даҳлизнинг чўзинчок дарчаси соҳасидан жой олиб, узанги ҳаракатчанлигининг чекланишини келтириб чиқаради, бунда товуш ўтказишнинг

ҚУЛОҚНИНГ ЙИРИНСИЗ ҚАСАЛЛИКЛАРИ

Бу бўлимда яллиғланиши бўлмаган ўрта ва ички қулок қасалликлари ҳақида гап боради. Буларга хос асосий симптомлар эшитиш ўткирлигининг пасайиши ва қулокқа шовқин эшитилишидир (ўрта қулокнинг ўткир ва сурункали катари, отосклероз, Менъер қасаллиги, кохлеар неврит).

Ўрта қулокнинг ўткир катари -- эшитув найи ўтказувчанлигининг бузилишига хос қасалликдир. Бу бурун бўшлиғи ва бурун шиллик пардасининг ўткир яллиғланиши, шунингдек аденоидлар, ринит, пастики бурун чиганоклари орка учларининг гипертрофияси, най бодомчаларининг гипертрофияси, хоана полиплари ва бошқалар натижасида юзага келади. Бунда ҳавонинг бир қисми сўрилиши натижасида ногора бўшлиқда манфий босим юзага келади. Нофора парда, шиллик парда томирларининг конга тўлиши, шиллик безларининг гиперсекрецияси ва транссудатнинг ногора бўшлиғига йиғилиши юзага келади.


Бемор қулоги битаётганидан, эшитув ўткирлигининг пасайганидан, қулокдаги суюклик ҳаракатидан, аутофониядан шикоят қиласи. Отоскопияда ногора парданинг ичига ботгани кайд килинади. Парда сарғимтирик ёки қизғиш кўринади; бу ногора бўшлиғида экссудат борлигидан дарак беради. Баъзан корамтирик чизик кўринишидаги суюклик кўринади. Транссудатнинг йиғилиб бориши ногора парданинг бўртиб чикишига сабаб бўлади. Эшитишнинг пасайиши, товуш ўтказишнинг издан чикиши тури бўйича (бунда бутун тон шкаласи бўйича 25/30 ДБ микдорда эшитиш қобилияти йўқолади) аниқланади.

Ўрта қулок катарини даволашда дикқат-эътибор бурун ва бурун-томуқдаги яллиғланиш жараёнини бартараф этишга, эшитув найи ўтказувчанлигини тиклашга, ногора бўшлиғини транссудатдан тозалашга каратилган бўлиши керак. Бурунга томир торайтирувчи ва дезинфекцияловчи томчилар, физиотерапевтик муолажалар, ультрабинафша нур билан даволаш белгиланади. Бурунда ва бурун-томуқда яллиғланиш жараёни босилиб қолганда қулокни Политцер бўйича ёки катетер ёрдамида тозаланади. Баъзан ногора бўшлиғига катетер оркали гидрокортизон суспензияси, протеолитик ферментлар (трипсин, химопсин) гоҳо эса транссудатни томомила йўқотиш мақсадида парацентез ёки ногора бўшлиғини шунтлашга киришилади.

бузилиши натижасида эшитиш ўткирлигининг пасайишига олиб боради (отосклерознинг тимпанал тури). Отосклероз ўчоқлари чиғаноқнинг бошқа бўлимларида жойлашганда томирли ва токсик таъсир оқибатида нейросенсор карлик юзага келади, у коҳлер невритда рўй берадиган қарликдан фарқ қилмайди (отосклерознинг коҳлер тури). Касалликнинг аралашган тури ҳам кузатилади.

Отосклерозга кўлинча 20 дан 40 ёшгача бўлган аёллар чалинади. Бемор қулоғи шангиллашидан яъни эшита олмасликдан шикоят қиласди. Жараён секинлик билан ривожланиб, олдинига битта қулок, кейин иккинчиси заарланади. Баъзан хасталик ҳомиладорлик даврида, туғрикдан кейин, грипп, шамоллаш касалликларидан сўнг тез зўрайиб кетади. Отоскопия қилинганда отосклерозга хос бўлган ўрта қулок тўқималаридағи дистрофик ўзгаришлар туфайли кенг эшитиш йўллари хосил бўлганини, олtingугурт йўклигини, эшитув йўли терисининг сезувчанлиги сусайганини, унинг салга яраланишини, ногора парданинг юпқалашганини, ногора бўшлиғи шиллиқ пардасининг пушти ранг доғ кўринишида ажралиб туришини кузатиш мумкин. Отосклерознинг асосий диагностикаси функционал ташхис қўйишидир. Камертон ва аудометрия ёрдамида товушнинг суюк орқали ўтишининг ёмонлашгани аниқланади. Ринне, Федериченнинг манфий тажрибаси кузатилиб, булар манфий камертонал синамалари ва Желленнинг чўзинчоқ туйнукдаги узангининг ёёқ ости пластинкаси ҳаракатчанлигининг чегараланганлигидан дарак беради. Бунда импедансометрия, ультратовушга сезувчанликни ҳам текширилади.

Хирургик даво килинади. Кўлинча микрохирургик операция тури хисобланган стапедопластика ўtkазилади, бу узангини протез билан алмаштиришдан ва шу тариқа эшитиш суюкчалари занжирининг ҳаракатчанлигини тикишдан иборат бўлади (40-расм). Операция яхши функционал таъсир кўрсатади.



40-расм. Стапедо-пластика хиллари.

МЕНЬЕР КАСАЛЛИГИ

Касаллик француз шифокори номи билан аталиб, у ана шу касалликнинг асосий белгиларини таърифлаб берган. Меньер касаллиги тўсатдан бошланиб, кулокнинг шангиллаши, эшитувнинг ёмонлашуви, бош айланиши, мувозанатнинг бузилиши, кўнгил айниши ва қайт қилиш билан бошланади. Касаллик вақти-вақти билан тутиб, бир неча кундан бир неча йилга чўзилиб кетиши мумкин (бунда бемор иш қобилиятини бутунлай йўқотади). Меньер касаллиги патогенезида лабиринт босимнинг ошишига катта эътибор берилади. Меньер касаллигига ташҳис қўйиш кийин эмас. Бу касалликда бемор кимирламай ётади, қўзғалганӣ қўрқади, акс ҳолда боши айланиб вегетатив реакциялар пайдо бўлади. Спонтан нистагм аниқланади.

Касаллик деярли ҳамма вақт бир томонлама ўтади. Хуруждан кейин қулоқ шангиллаши ва эшитиш ўткирлигининг сусайиши йўқолсада, лекин аксарият ҳолларда эшитув бузилиши барқарор бўлиб, ҳар бир хуруждан кейин кучайиб боради. Акуметрия ва аудиометрияда карликнинг аралаш тури аниқланади, яъни бунда қулоқнинг товуш ўтказиш ва товушларни қабул қилиш хусусияти бузилади.

Хуруж тутган пайтда беморни ёруғ ва тинч жойга ётқизиш зарур. Оёқлари учига грелка қўйилади. Венага 20 мл 40 % ли глюкоза эритмаси, тери остига эса 1 мл 0,1 % ли атропин ва 1 мл 10 % ли кофеин эритмаси юборилади. Шунингдек венага 100 мл 7 % ли сода эритмасини томчилатиб юборилганда, сийдик ҳайдовчи дорилар тайинланганда, бурун ичига меатотимпаннал новокайн блокадаси қилинганда яхши натижа беради.

Хуруж тўхтагандан қейин ҳам венага глюкоза ва 7 % ли сода эритмаси юбориб турилади (12 марта куйишгача), сийдик ҳайдовчи воситалар берилади. Тузсиз овқат, сут ва ўсимлик маҳсулотлари буюрилади ҳамда камрок суюклик ичиш, шунингдек вестибуляр аппаратни чиникиришга қараштилган даволаш гимнастикаси тавсия этилади. Микроциркуляцияни яхшилайдиган воситалар (аминолон, трентал) тайинланади. Гипербарик оксигенация ва рефлексотерапия қўлланади. Консерватив даво кор қилмаганда хирургик усуllibар қўлланилади.

Мураккаб микрохирургик операция ҳисобланган бу операцияда лабиринт ичи босимини пасайтириш мақсадида эндолимфатик халтачани шунтланади.

Касаллик оғир кечган пайтда лабиринтнинг нейроре-

цептор тузилмаларини лазер ёрдамида нишонга олиб парчалашга каратилган операция килишга киришилади.

КОХЛЕАР НЕВРИТ

Эшитув анализаторининг периферик ва марказий бўлимларининг заарланиши ана шу касалликка хос белгилардандир. Асосан кохлеар невритнинг юзага келишига инфекцион касалликлар (грипп, менингит, паратит) ва дорилар таъсири (антибиотиклар, диуретиклар, салицилатлар, оғир металлар) сабаб бўлади. Шунингдек калламия шикастланиши, қулоқнинг механик шикасти, баротравма ва акутравма оқибатида ҳам юзага келиши мумкин. Кохлеар неврит касб-корга алоқадор (шовқин, тебраниш, интоксикация), баъзи бир соматик хасталиклар (гипертония касаллиги, сурункали буйрак етишмовчилиги, лейкозлар) да, сурункали йирингли ўрта отит узокка чўзилиб кетганда камроқ кузатилади.

Этиологик маълумотлар турлича бўлсада, Кохлеар невритнинг ривожланиш механизми бир хил бўлади. Дастреб гемодинамик бузилишлар, нейроэпителиал ҳужайраларда дистрофик ўзгаришлар юзага чиқади. Баланд товушларни сезувчи чиганоқ асоси ёнидаги тукли ҳужайралар айниқса эрта заарланади, кейинчалик патологик жараён чиганоқнинг гажакларига ва дахлиз олди — чиганоқ нервига ҳам тарқалади.

Бемор турли кучдаги, кўпинча юқори частотали товушни эшитиш ўткирлиги пасайганидан, шунингдек вакти-вакти билан боши айланишидан, мувозанати бузилганидан нолиди.

Касаллик диагностикаси фақатгина эшитишни функционал текширувга асосланган. Нейросенсор карлик кохлеар невритга хос хусусият бўлиб, у тонал бўсаға аудиограммасида ҳаво орқали товуш ўtkазиш бўйича бўсағасининг ортиши ва суяқ-ҳаво интервалининг ўқклиги билан фарқ қилади. Клиника амалиётида чиганоқнинг тукли ҳужайраларидан тортиб, то пўстлок марказларигача таркалган эшитиш анализаторининг турли бўлимларидағи заарланишини аниқлаш имконини берадиган аудиометрик услублардан бўсаға усти аудиометрияси, шовқинни ўлчаш, частоталар диапазони кенг бўлганда эшитишни текшириш, ультратовушни суяқ орқали сезишни аниқлаш, нутқ аудиометрияси, компьютерли аудиометриядан кенг кўламда фойдаланилади.

Кохлеар невритни даволашда А, В ва Е гуруҳига мансуб бўлган витаминлар, кокарбоксилаза, АТФ, биоген



6



41-расм. (а), (в) ташки эшитув йўли учун ва қулоқ орти эшитув аппаратлари, (б) «кўзойнак».

стимуляторлар, микроциркуляцияни яхшилайдиган воситалар (трентал, кавинтон), антихолинэстераза препаратлари, антигистаминли воситалардан фойдаланилади. Ионофорез, шунингдек прозерини бўлган ультрафонографез, игна санчиб рефлекстерапия ва гипербарик оксигенация ўтказилади. Даво кор қилмаган тақдирда турли типдаги эшитув аппаратлари билан протезлаган маъкул (41^а, 41^б, 41^в-расмлар).


БУРУН ВА БУРУН ОЛДИ БЎШЛИҚЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

БУРУН ВА БУРУН ОЛДИ БЎШЛИҚЛАРИ АНАТОМИЯСИ

Ташки бурун, бурун бўшлиғи ва бурун олди бўшлиқлари тафовут қилинади. Юзда чикиб турган буруннинг ташки қисми суяқ ва тоғай скелетидан ташкил топган. Суяқ қисми бурун суяклари, пешана суякларининг бурун ўсимталари ва юкори жағнинг пешана ўсиқларидан иборат.

Ташки буруннинг тоғай қисми уч бурчакли бурун пластиналаридан, бурун қанотлари ва сони ҳамда шакли жиҳатидан турлича бўлган майдада сесамосимон тоғайлардан таркиб топган. Ташки бурун мушаклариrudimentar тузилган бўлади (42-расм).


Ташки бурун тери-
сида жуда кўп ёғ безла-
ри мавжуд. Ташки бу-
рун тўқималари қон би-
лан яхши таъминлан-
ган бўлиб, уни ташки
юкори жағ ва кўз арте-
рияси шохлари таъмин-
лайди. Ташки бурун
шохлари қонни олдин-
ги бурун ва юз венала-
рига ҳайдайди. Лимфа
окими жағ ости соҳаси-
нинг лимфа тугунлари-
да тўгайди.



42-расм. Ташки буруннинг тузилиши.
1 — учбурчакли ёнбош тоғай, 2 — ўнг қанот тоғай,
3 — ўнг қанот тоғайни медиал қисми, 4 — биринчи рувчи тўқимали таянч
боғлам, 5 — ёнок чукурчаси, 6 — бурун суяклари,
7 — юкори жағ суягининг пешона ўсимтаси.

БУРУН БЎШЛИГИ

Бурун бўшлиғи олдинги калла чукурчасида кўз орбиталари ва оғиз бўшлиғи орасида жойлашган. Бурун бўшлиғи орқадан хоаналар ёрдамида бурун-ҳалкум билан туташади. Бурун тўсиғи бурун бўшлигини иккига бўлади ва ҳар бири учун ички девор бўлиб хизмат қиласи. У тепадан тушиб турадиган ғалвирсимон суякнинг перпендикуляр пластинкаси, димоф суяги ва олдинда жойлашган тўрт бурчакли тоғай билан ҳосил қилинган.



43- расм. Бурун бўшлигини латерал деворининг тузилиши.

1 — пешана бўшлиги, 2 — фалвирсимон суюк бўртмаси, 3 — асосий бўшлиқ йўли тешиги, 4 — асосий бўшлиқ, 5 — танглай суюгини вертикал ўсмаси. 6 — эшитиш кайимнинг халкумдаги учи. 7 — эшитиш найр болиши. 8 — юмшок танглай. 9 — юкори жаг суюгини танглай ўсмаси. 10 — танглай-бурун канали. 11 — пастки бурун йўли 12 — ўрта бурун чиганоги. 13 — ташки бурун тоғайи, 14 — бурун суюги, 15 — буруннинг юкори чиганоги.

Бурун бўшлигининг ташки деворини бурун суюги, юкори жаг бўшлигининг медиал девори, юкори жагнинг пешана ўсиғи, фалвирсимон лабиринтнинг медиал девори, танглай суюгининг вертикал ўсимтаси ва асосий суюкнинг қанотсимон ўсиғи ташкил килади (43- расм). Бурун бўшлигининг ташки деворида горизонтал ҳолда учта суюк дўнги деб юритиладиган бурун чиганоқлари жойлашган. Пастки бурун чиганоғининг асосида алоҳида суюк бўлиб, у ўрта ва юкори чиганоқлар фалвирсимон суюк элементларидан иборат. Бурун тўсиғи билан бурун чиганоқларининг ташки юзаси орасида жойлашган бўшлиқ умумий бурун йўли деб аталади. Пастки бурун чиганоги билан бурун бўшлиғи туби орасида пастки бурун йўли жойлашади.


Пастки ва ўрта бурун чиганоқлари орасидаги бўшлиқ ўрта бурун йўли деб аталади. Юкори жаг бўшлигининг чиқариш тешиклари ва пешана бўшлиғига борувчи бурун-пешана канали, шунингдек фалвирсимон суюкнинг олдинги ва ўрта ҳужайралари ўрта йўлига очилади. Ўрта ва юкори бурун чиганоқлари орасида юкори бурун йўли жойлашган.

Ғалвирсимон сүякнинг орқа хужайралари ва понасимон бўшлиқнинг чиқариш тешиги ана шу йўлга очилади.

Бурун бўшлиғининг юкори девори (бурун гумбази) бурун сүяклари ва ғалвирсимон сүякнинг элаксимон пластиинкасидан, унинг тешиклари орқали бурун бўшлиғидан калла бўшлиғига хид сезиш нерви толалари ўтади. Хоаналар ички томондан димоғ сүяги билан, ташқаридан эса асосий сүякнинг қанотсимон ўсимтаси билан, тепадан асосий сүяк танаси, пастдан танглай сүягининг горизонтал пластиинкаси билан чегараланган.

Бурун бўшлиғининг бошланғич қисми девори тери билан қопланган бўлиб, эпидермиси ясси эпителийга, кейин эса цилиндрик ҳилпировчи эпителийга айланади. Бурун бўшлиғининг пастки ва ўрта бўлаги — нафас соҳасидир. Бу ерда шиллик пардада кўргина безлар ва кўзасимон секретор ҳужайралар бўлади. Пастки ва ўрта бурун чиғаноқларининг шиллик ости қатламида варикоз кенгайган талайгина веноз тутамлари борлиги нафас зонаси шиллик пардасига хос хусусият ҳисобланади, буларнинг деворларида силлик мускуллар бўлиб, улар тўқиманинг қон билан тўлишини рефлектор тарзда ўзгартириш имконини беради.

Бурун бўшлиғининг шиллик пардаси асосан бош танглай артерияси орқали қон билан таъминланади (ички жағ артериясининг охирги тармоғи), бу артерия буруннинг ички деворига ва бурун тўсиғига тармоқланади. Бурун бўшлиғи ва бурун тўсиғи ташки деворининг орқа юкори бўлимлари кўз артериясидан бошланадиган ғалвирсимон артерия шохчалари билан озиқланади. Бурун тўсиғининг олдинги-пастки бўлимларида Киселбахнинг кўпинча қонли жойи бўлади, у нисбатан йирик ва томирли шохчалар устида жойлашган тўри билан ҳосил бўлади (44-расм). Бурун бўшлиғидан қон олдинги юз ва кўз косаси веналари орқали оқиб кетади. Лимфа томирлари лимфани бурун бўшлиғидан жағ ости, юткин орти ва чуқур бўйин лимфа тугунларига узатади.



44-расм. 1 — Кисельбах тугуни,
2 — а. ethmoidalis anterior.
3 — а. ethmoidalis posterior.
4 — а. nasalis posterior septi
5 — а. nasopalatina.

Бурун бўшлиғининг сезувчан иннервацияси уч шохли нервнинг биринчи ва иккинчи тармоклари орқали амалга оширилади. Секретор ва томирли иннервация уч шохли нервнинг иккинчи тармоғи таркибига кирадиган ва видиев нерви таркибидаги келадиган парасимпатик толалар ёрдамида таъминланади. Бурун бўшлиғининг юкори бўлимлари, ўрта чиғаноқ ўргаси ўзига хос эпителий билан қопланган. Бу эпителий ҳид сезиш анализаторининг рецептор тузилемлари хисобланган қувватлаб турувчи ва ҳид сезиш ҳужайраларидан таркиб топган.

БУРУН ОЛДИ БЎШЛИҚЛАРИ

Бурун олди бўшлиқлари — ҳаво-бурун бўшлиқлари бурун бўшлиғига яқин турган сүяклар: юкори жағ, ғалвирсимон, пешана ва понасимон сүякларда жойлашган. Улар бурун бўшлиғи билан тор тешиклар ва каналлар орқали туташган. Бурун олди бўшлиқларининг шиллик пардаси бурун бўшлиғидагига караганда бирмунча юқорироқда бўлиб, уларда вена тутамлари бўлмайди, шиллик безлари ҳам кам бўлади.

Юкори жағ бўшлиғи жуфт бўлиб, унинг ҳажми катта (20 см^3 гача) бўлади, кўриниши тўрт киррали пирамидани эслатади. Бўшлиқнинг олдинги девори чукурча (қозиксимон чукурча) ҳолида ичга ботган, юкори жағнинг юза кисмидан тузилган.

Орқа девор юкори жағ бўшлиғини қанот-танглай чукурчасидан ажратиб туради. Бўшлиқнинг юкори девори кўз косасининг пастки девори хисобланади. Ундан деворлари юпқа бўлган канал, пастки кўз косаси нервининг ярим канали ўтади. Бўшлиқнинг пастки девори альвеоляр ўсимтанинг кириш жойига мос келади, бу ерда иккинчи озиқ тиш ва иккита катта озиқ тишлар илдизи жойлашган.

Юкори жағ бўшлиғининг ички девори, бурун бўшлиғининг қўшалоқ йўли ўрта бурун йўлининг орка бўлимларида жойлашган.

Пешана бўшлиғи ҳажми ва шакли жиҳатидан ўтказувчан бўлиб, 4 та девори олдинги бўшлиқни калла бўшлиғидан ажратиб турадиган орқа, кўз косасига чегарадош пастки, иккала пешана бўшлиқ орасидаги тўсикдан иборат ички девори бор. Олдинги-ички бурчакда, бўшлиқ туви ёнида пешана-бурун каналига борувчи тешик бўлиб, у ўрта бурун йўлининг олдинги бўлимига очилади.

Ғалвирсимон лабиринт иккитадан саккизтагача майда,

ҳаво ўтказувчи бўшлиқлардан иборат бўлиб, девори юпқа пластинкалар кўринишидадир. Ташки пластинкаси ғалвирсимон сүякнинг қофоз пластинкасидан иборат бўлиб, бу пластинка ҳужайраларни кўз косасидан ажратиб турди. Ички пластинка бурун бўшлигининг ташки деворини хосил қилишда иштирок этади. Ғалвирсимон сүяк ҳужайраларининг юкори қисми ғалвирсимон пластинкага бирикиб, бу пластинка олдинги калла чуқурчасига чегарадош бўлади. Ғалвирсимон сүякнинг олдиндан оркага караб йўналишда олдинги, ўрта (булар ўрта бурун йўлига очилади) ва орқа ҳужайралар фарқ қилинади. Орқа ҳужайралар гурухи кўрув нервига яқин турди.

Понасимон бўшлиқ орқа томондан ғалвирсимон лабиринт ҳужайраларига ёндашган бўлади. Бўшлиқнинг катталиги, шакли ўзгарувчан бўлиб, олдинги девори юпқа ва тешиги бўлади. Бу тешик юкори бурун йўлига очилиб, юкоридан турк эгари, гипофиз, кўрув нерви қесишмаси билан чегарадош бўлади. Асосий бўшлиқнинг пастки девори бурун ва бурун-ҳалқумнинг орқа гумбазини хосил қиласи, видиев канали ана шу девордан ўтади. Бўшлиқнинг ён тарафида уйку артерияси, каваксимон синуси, III, IV ва VI калла-мия нервлари жойлашган бўлади.

Юкори жағ бўшлиғи танглай ва пастки кўз косаси артерия тармоқлари ёрдамида кон билан таъминланади. Пешана бўшлиғи орқа бурун артерияси ва кўз косаси артерияларининг тармоқлари орқали кон билан таъминланади. Орқа бурун қанот-танглай артерия тармоқлари асосий бўшлиқни кон билан таъминлайди.

Венадан кон олдинги юз венасига, кўз косаси венасига ва вена тутамларига (бурун-ютқин, қанот-танглай) оқиб кетади. Калла веналари ва синуслари билан ўзаро анастомозлар бор. Бурун ён бўшлиқларининг лимфа томирлари лимфани ютқин орти ва чуқур бўйин тугунларига узатади, шу сабабли хавфли ўсмалар метастазида ташхис қўйиш анча мушкул бўлади.

БУРУН ВА БУРУН ОЛДИ БЎШЛИҚЛАРИ ФИЗИОЛОГИЯСИ

Буруннинг нафас, ҳид сезиш, химоя ва резонатор функциялари тафовут қилинади.

Буруннинг нафас олиш функцияси. Ҳавони бурун орқали нафасга олганда ҳавонинг асосий массаси бурун катаклари орқали бурун томигача киради, кейин унинг остидан ўтиб, ёйсимон харакат қилиб пастга ва орқага — хоаналарга тушади. Ҳаво чиқариб юборилганда орқага қайтса-да, лекин юкори бурун йўлига ҳам ўтади (ҳид

сезиш соҳаси). Ҳаво оқими бурун чиганоқлари кўриниши-даги тўсиққа дуч келиб, тўлкинланиб кетади. Ҳаво бурун бўшлиғидан ўта туриб, механик тарзда бурун шиллик пардасининг рецептор тузилмаларини таъсиrlайди, натижада организмнинг нафас, юрак-томир, ҳазм ва бошка системаларга жавобан физиологик рефлекслар пайдо бўлади (ринобронхиал рефлекс ҳаммадан кўра кўпроқ ўрганилган). Бурун орқали нафас олишнинг кийинлашуви ёки нафас ололмаслик организмнинг кўпгина аъзолари ва системалари функциясининг бузилишига сабаб бўлади (бу бурун шиллик пардаси рецепторларидан афферент импульсациясининг ишдан чиқиши оқибатида юз беради).

Ҳид сезиш функцияси. Ҳид сезиш мураккаб жараёндир. Ҳушбўй моддалар молекуласи муайян физик-кимёвий хоссага эга бўлиб, ҳид сезиш тирқишига киради, липоидларга бой специфик ҳужайралар билан контактда бўлиб, уларда эриб кетади. Бундай пайдо бўладиган реакция нерв импульслари генерациясига олиб келади, бу импульслар ўтказув йўллари бўйича (ҳид сезиш ишлари, пиёзча, йўл, учбурчак) анализаторнинг пўстлоқ охирига етади (гипокамф, аммоний шохи), бу ерда эса улар анализ ва синтез қилинади. Бўсаға сезувчанлиги, мослашув (адаптация), толикиш каби нейродинамик жараёнлар ҳид сезиш анализаторига хосдир. Ҳид сезиш воситасида киши ҳавода заҳарли моддалар борлигини билиб, овқат сифатини назорат қиласи. Ҳид сезиш анализатори тизимлари ва бош миянинг турли хил тузилмаларининг ўзаро боғликлиги туфайли одам ҳидга қараб атрофдаги шароитга мослашиши мумкин. Ҳид сезиш одамнинг руҳий-эмоционал сферасида муайян ўрин тутади, у ёки бу ҳид таъсирида ё ижобий, ё бўлмаса, салбий эмоциялар юзага келади.

Буруннинг ҳимоя функцияси ҳимоя рефлекслари хисобланган нафасга олинадиган ҳавони намлиқдан, чангдан тозалаш ва зарарсизлантириш рефлексларидан иборат бўлади. Таркибида заҳарли кимёвий моддалар бўлган ҳаво нафасга олинганда рефлектор тарзда нафас тўхтаб қолиши мумкин, бунда ҳавода зарарли моддалар борлигига жавоб реакцияси деб қараш керак. Бу рефлексларнинг фойдали эканлиги организмга заҳарли моддаларнинг камрок тушишида ҳам сезилади. Аксириш эса бошка бир ҳимоя рефлекси бўлиб, унинг ёрдамида заҳарли моддалар бурун бўшлиғидан чиқариб юборилади. Кўз ёши оқиши ҳам ҳимоя рефлекслари каторига киради. Бурун бўшлиғига бурун канали орқали тушадиган кўз ёшнинг бир кисми шиллик пардадаги зарарли моддаларнинг ювилиб кетишига ёрдам беради. Бурун бўшиғиги

шиллик пардаси қон билан яхши таъминлангани туфайли нафасга олинаётган ҳаво илиб ўтади. Жараён рефлектор равишда амалга ошади. Бу шиллик парда томирларининг кенгайиши натижасида юзага келади.

Нафасга олинадиган ҳаво шиллик безлар, бокалсимон хужайралар ва лимфа секрети билан намланади, лимфа ўз навбатида шиллик парда эпителийси орқали сизиб чиқади. Бунда ҳаво деярли тамомила намланади, бу эса ўпкада нормал газ алмашинуви учун муҳимdir. Жараён атмосферанинг канчалик намлигига қараб амалга ошади.

Нафасга олинадиган ҳавонинг чангсизланиши мөханик жараён ҳисобланади. Ҳаво таркибидаги йирик чанг заррачалари буруннинг кираверишидаги түкчалар орқали ушланиб қолади. Ўртача катталиқдаги чанг заррачалари бурун бўшлиғига тушса, ҳаво оқимининг тебранувчан ҳаракати натижасида шиллик пардага ёпишиб қолади. Кейинчалик улар ҳилпировчи эпителий киприкчаларининг ҳаракатлари билан бурун-юткинга сурлади, бурун шиллиғига, кўз ёшига аралашиб ютилади ёки туфлаб юборилади. Катталиги 5 микрондан кам бўлган юкори дисперс чанггина бурун бўшлиғида ушланмай ўпкага тушади.

Бурун бўшлиғига ҳаво билан бирга тушадиган бактериялар бурун бўшлиғида бўладиган муцин ва лизоцимнинг бактерицидлик таъсири натижасида зарапсизланади.

Буруннинг резонатор функцияси. Бурун ва бурун олди бўшлиқлари товуш ҳосил бўлишида иштирок этади. Улар юкори резонаторлар деб аталиб, товуш частотасини кучайтиради, товушларни жарангдор, нафис, тиник ва ўрта частота соҳасидаги обертонларни ютиб юборади.




БУРУН ВА БУРУН ОЛДИ БЎШЛИҚЛАРИНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Бурун ва бурун олди бўшлиқларини текшириш ташки томондан кўздан кечиришдан ва маҳсус бурун кўзгулари ёрдамида кўришдан бошланади. Юз (бет) ташқаридан кўздан кечирилганда тўқима нуқсонларини, бурун деформациясини, ташки бурун ва бурун бўшлиғи даҳлизи терисининг патологик ўзгаришларини аниқласа бўлади. Бунда бурун учини ўнг кўлнинг бош бармоғи билан кўтариб, даҳлизининг бир қадар чукур бўлимлари кўздан кечирилади.

Юз скелети пайнаслаб кўрилганда (пальпацияда) бурун суюкларининг синганлигини, бўшлиқлариниг зарар



45-расм. Олдинги (а) ва
орка риноскопия
1 — юкори бурун йүли, 2 — юкори
үртга ва пастки бурун чиганокла-
ри, 3 — эшитиш наинни димогдаги
учи, 4 — димоғ суюғы, 5 — тилча.
(б) бурун! — юткінни
бармоқлар билан тек-
шириш (в).



ланганлигини, ўткир яллиғланишларда оғриқ борлигини аниклаш имконини беради. Бурун бўшлигини ёруғликда маҳсус кўзгулар ёрдамида кўздан кечириш риноскопия деб аталади. Олдинги, ўрта ва орқа риноскопия тафовут қилинади. Олдинги риноскопияда бурун кўзгуси чап кўл билан ушланади, ўнг кўл бемор бошида туради. Нур тутами бурун учига йўналтирилади, кўзгу браншлари бурун тўсифига параллел ҳолда бурун даҳлизига киритилади. Браншлар билан кенгайтирилгач, бурун даҳлизининг бўлимлари, бурун тўсифининг олдинги бўлимлари, бурун чиғаноғининг олдинги учи, умумий ва пастки бурун йўли кўздан кечирилади (45- расм). Бемор бошини оркага ташлаб ўтирганда бурун бўшлиғининг юқори бўлимлари (бурун тўсифининг юқори бўлаги, ўрта бурун йўли, ўрта бурун чиғаноғининг олдинги бўлаги, хид сезиш ёриғи) ни кўрса бўлади. Ўрта бурун йўли ва бошқа чуқур жойлашган тузилмаларни пухта текшириш зарурати туғилганда ўрта риноскопия кўлланади. Буни шиллик пардани 3 % ли дикайн ёки браншлари узун бурун кўзгуси орқали тримекаин аэрозоли билан олдиндан аппликацион анестезияни бажариб бўлгач қилинади.

Орқа риноскопия бурун бўшлиғини ва бурун-ютқиннинг орқа бўлимларини кўздан кечириш максадида қилинади. Бунда шифокор bemor оғзини очиб, шпатель ёрдамида тил орқасини босиб туриб ўнг кўл билан иситилган бурун-ютқин кўзгусини юмшоқ танглай орқасига киритади ва унга рефлекторнинг ёруғ нурини йўналтириб, bemordan бурун орқали нафас олишни сўрайди. Шунда кўзгуни айлантириб хоаналарни, чиғаноқларнинг орқа учларини, ўрта ва юқори бурун йўлларини, эшитув найларининг кириш жойларини кўрса бўлади. Патологик ўзгаришларни пухта аниклаш зарурати туғилганда олдинги ва ўрта риноскопияни операцион микроскоп ёрдамида бажарса бўлади.

Бурун бўшлиғининг юқори ва орқа бўлимларини риноскоп хисобланган ёруғликни юритувчи оптик най ёрдамида кўздан кечириш осон бўлади.

Диафаноскопия ҳам бурун олди бўшлиқларининг ҳолати ҳакида тахминий маълумот беради, бу муолажа маҳсус электр лампочка ёрдамида амалга оширилади. Бу лампочка bemor оғзига коронги хонада киритилиб, лаб юмилганда юзнинг иккала ярмининг бир хил кучдаги қизил ёруғлик билан кўриниб туришини кузатса бўлади. Юқори жағ бўшлиғида секрет, ўсма бўлганда юзнинг тегишли ярми қора кўринади, кўз қорачиги бу усулда ёритилмайди, bemor кўзида ёруғликни сезиш ҳисси бўлмайди. Маҳсус

46-расм. Бурун олди бўшлиқлари нинг обзор рентгенографияси.



қалпокчаси бўлган худди ана шу лампочка ёрдамида (линзаси кўзнинг ички бурчагига қўйиб қўйилади) пешана бўшлиғининг ёришиб турганини аникласа бўлади.

Рентгенография бурун олди бўшлиқларини ва бурунни текширишнинг бирмунча қимматли усули ҳисобланади. Бу текширишлар бир қанча вазиятларда бажарилали. Бурун-ијќ проекциясида текшириш усули энг кенг тарқалган усулдир. Бунда бурун бўшлиғи, пешана, ғалвирсимон ва юқори жағ бўшлиқлари суратда кўриниб туради (46-расм). Рентгенографияни оғиз очилган холатда бажарган маъқул, бунда понасимон бўшлиқ ёригини текшириб кўришга эришилади. Йирик кадрли флюорограмма ва электрорентгенограмма рентгенограмманинг ўзгинасиидир. Тегишли кўрсатмалар бўлганда бурун олди бўшлиқларини ёnlама рентгенография қилинади. Ушбу проекциядаги рентгенограмма пешона бўшлиғи деворларининг ахволи, унинг қанчалик чукурликдалиги, понасимон бўшлиқнинг ахволи хақида холоса чиқариш имконини беради. Булар юз соҳасида ёт жисмлар бор-йўклигини аниклаш имконини беради.

Томография, шу жумладан компьютерли томография буруннинг ён бўшлиқларидаги патологик жараёнларни, айниқса янги ўスマларни аниклашга ёрдам беради.

Контраст рентгенография бурун бўшлиғини текшириш

босқичларининг бири ҳисобланади. Айниқса гайморография ва фронтография жуда кенг қўлланилади. Контраст модда (иодолипол) юқори жағ бўшлиғи пункциясидан ва пешана бўшлиғининг трепанопункциясидан кейин юборилади. Бурун ва бурун олди бўшлиқлари касалликларига ташхис қўйиш учун ультратовуш усули ҳисобланган эхография қўлланади, у товуш тўлқинларининг турли тўқималарда бир хил акс этмаслигига асосланган.

Термография усули ҳам қўлланади. У телевизор экранида ёки маҳсус қоғозда ҳароратнинг маҳаллий кўтарилишини қайд килиш имкониятига асосланиб, бурун олди бўшлиқларидаги яллиғланиш жараёнлари ёзib олинади.

Бурун бўшлиғи ва бурун олди бўшлиқлари патологиясига эртарок ташхис қўйиш максадида нафасга олинганда ва чиқарилганда ҳавони бурун йўлларида ўтказувчаниги, хид сезиш функцияси, шиллик парда ҳилпировчи эпителийсининг ҳаракатланиш фаоллиги текширилади. Микдорий жиҳатдан баҳо бериш услуби энг самарали усулдир. Юқоридаги санаб ўтилган бурун бўшлиғи фаолиятини ринопневмометрия ёрдамида аникланади. Ўтказувчаник даражаси ҳақида бурун бўшлиғига ҳаво юборилганда ва сўрилганда унинг ҳаво оқимиға канчалик каршилик кўrsatiшига караб хулоса чиқарилади.

Ольфактометрия — бурун хид сезиш бўсағалари фаол нафас олинганда микдори ошиб борувчи хушбўй моддани қўллаб аникланади. Хид сезиш бўсағалари ольфактометрия ёрдамида бирмунча аник текширилади. Хушбўй модда билан тўйинган бурун бўшлиғига ҳайдаладиган ҳаво микдори куб см ларда ҳисобга олинади, бунда хид сезила бошлайди.

Бурун бўшлиғи шиллик пардаси ҳилпировчи эпителийсининг ҳаракат фаоллиги ёғоч кўмир заррачаларининг пастки бурун чиғаногига, бурун тўсиғига ва бурун-юткинга тушган вактига караб аникланади.

БУРУН ВА БУРУН ОЛДИ БЎШЛИҚЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИ

Ташки буруннинг лат ейиши, буруннинг бошқа шикастлари каби, бурундан қон оқиши билан давом этиб, кўпинча қон ўз-ўзидан тўхтаб қолади. Юмшоқ тўқималар лат еб, бурун бўшлиғининг шиллик пардаси шикастланганда ва бурун суклари синмаганда бурунга муз қўйиб, томир торайтирувчи томчилар томизилади. Суякларнинг синган-синмаганлиги рентген ёрдамида текши-

рилиши керак. Бунда ёnlама (ўнг ва чап тарафлама) суратдар олинади.

Буруннинг юмшоқ тўқималари заарланганда узилган бўлади. Узилган яраларга чоклар кўйилади, бунга юпқа чок материали ишлатилади. Инфицирланган, мажақланган яралари бўлган беморларга бирламчи хирургик ишлов берилади, чоклар кўйилиб, қоқшолга карши зардоблар юборилади, антибиотиклар буюрилади.

Бир вактнинг ўзида бурун бўшлигининг шиллик пардаси ҳам заарланган бўлса кетгутдан чоклар кўйилади ва суртма дори ёки эмульсия суртилган дока тампонлар шиллик пардага қўйиб кўйилади. Қон' билан таъминлаш яхши бўлгани учун бемор биринчи муолажада кейинок соғайиб кетади. Шунда хатто ташки буруннинг юмшоқ тўқималари узилиб кетганда ҳам яхши натижаларга эришилади. Бунда хирургик ишлов вактида қилиниб, зич килиб чоклар кўйилади.

Бурун суякларининг сурилмасдан ёрилиши ва синишига хирургик даво талаб қилинмайди. Бурун суяклари синиб суяк бўлаклари сурилганда ташки бурун қийшайиб колади. Зарбаннинг йўналишига қараб бурун усти ўрта чизикдан оғади ёки тушиб қолади. Пайпасланганда крепитация аниқланиши мумкин. Ташҳис ташки бурунни ёnlама рентгенография қилиш натижаларида тасдиқланади.

Суяк ёпик синган тақдирда бурун суяклари репозиция қилиниши зарур (47- расм). У 3 % ли дикаин эритмаси ёки тримекаин аэрозолини аппликацион анестезия ёки интракаринал наркоз остида ёки синган жойга 2—3 мл 2 % ли новокайн эритмаси юборилиб амалга оширилади, (промедол, атропин ва димедрол билан даво қилингандан кейин). Анестезия қилингач, бурун бўшлиғига маҳсус элеватор киритилиб, бурун суякларининг бўлаклари жойига кўйилади. Бир йўла бурун усти ёnlама сурилганда уни қўлнинг катта бармоғи билан бурун суягига босиб туриб бартараф этилади. Суяк бўлакчаларини маҳкамлаб қўйиш учун ўсимлик мойи шимдирилган докали турундалар билан бурун бўшлиғини таъмонада қилинади. Таъмонлар 7 кундан сўнг олиб ташланади. Асоратларни профилактика қилиш учун тампонларни антибиотиклар эритмаси билан шимдириш ва бактерияларга қарши даво тайин қилиниши зарур.

Суякнинг очиқ синишида бурун суяклари репозициясидан кейин ярага хирургик ишлов берилади ва чоклар кўйиб чиқилади.

Пешана ва юкори жағ бўшлиқлари ёрилганда ва



47-расм. Бурун сүяклари синиб сурингандан уларнинг репозицияси.

сингандада тери остига ҳаво кириб қолиб, крепитация аникланади. Бу ҳолларда консерватив даво қилинади. Бемор кузатиб борилади, йирингли синуитни профилактика килиш учун антибиотиклар ва сульфаниламидлар тайинланади. Бурун олди бўшлиқлари каттиқ заарланганда, сүяклар синиб кон кўп окқанда, юмшок тўқималар мажакланганда, яъни босилиб қолганда, кўз косаси ва калла, каттиқ мия пардаси шикастланганда, шикастлашибдан кейинги дастлабки соатларда хирургик ёрдам кўрсатилади. Уни врачлар гурухи (нейрохирург, оториноларинголог, окулист, жағ-юз жарроҳи) амалга оширади. Операциянинг оториноларингологик усули заарланган бўшлиқда йирингли орбитал ва калла ичи асоратларини профилактика килиш мақсадида сүяк бўлакларини репозиция қилиб туриб радикал операцияни бажаришдан иборат.

БУРУН ТЎСИГИ ГЕМАТОМАСИ ВА АБСЦЕССИ

Бурун тўсиги гематомаси буруннинг шикастланиши натижасида юзага келади. Кон тоғай ва тоғай усти пардаси оралиғига йиғилиб бориб, бурун тўсиги юмшок тўқималарнинг умумий бурун йўли ёриғига шишиб чиқишига сабаб бўлади. Бунда бурун орқали нафас олиш борган сари қийинлашиб боради. Товуш минғиллаб чиқади.

Риноскопияда бурун тўсиги юзасида кип-қизил бўртма кўриниб туради. Бўртмани зонд билан босиб кўриб, йўғон игнали шприц оркали синамали пункция килиш ва ичидагини сўриб ташлаш натижасида ташҳис қўйилади.

Давоси -- гематома бўшлиғини икки томонлама кенг очиш, куюклашган массани олиб ташлаш, 3 %-перекис водород, антибиотиклар эритмаси билан ювишдир. Қейин шиллик парда билан тоғай устини суртма дорилар шимдирилган докали тампонлар билан зич қилиб тоғайга босиб қўйилади. Бурун тўсиги гематомаси ўз вактида аникланмаса 6—10 кунлар орасида йиринглаб, бурун тўсиги абсцессига сабаб бўлади.


Абсцесс юз берганда шиллик парда яллиғланиб, шиншга кўл теккизиб қўрилганда оғрик субфебрил ҳарорат кузатилади. Яллиғланиш реакцияси юзнинг юмшоқ тўки масига ёйилиши мумкин. Бунда беморнинг умумий ахволи оғирлашади. Абсцессни бурунга киришдан ҳар хил масофада иккала томондан кесиб туриб, кенг очиб қўйиш зарур (тоғай парчаланганди бурун тўсиги тешилишининг олдини олиш учун). Шундан сўнг абсцесс бўшлиғи ювилиб дренажланади. Бактерияларга қарши даво тайинланади. Яллиғланиш босилиб, абсцесс бўшлиғидан йиринг ажралиши тўхтаганда бурун тўсигининг юмшоқ тўқималари усгма-уст қўйилади ва дока тампонлар билан маҳкам қилиб босиб қўйилади. Абсцесс кеч очилганда тўрт бурчакли тоғай эриб кетиши натижасида бурун пучук бўлиб қолиши мумкин.

БУРУН БЎШЛИГИДАГИ ЁТ ЖИСМЛAR VA РИНОЛИТЛАР

Бурун бўшлиғидаги ёт жисмлар рухияти айниган катта кишиларда, шунингдек болаларда кузатилади. Болалар бурунга турли хил майда нарсаларни тикишади. Буни аниқлаш қийин эмас. Бунда анемнез тўплашга, бир томонлама нафас олишнинг қийинлашуви, тумовда узок вактга бурундан йиринг келиши, риноскопия, зондлаш натижалари ёрдам беради.

Ёт жисмлар уни тўмтоқ илгак билан чиқариб олинади (48- расм). Бунда бола бошини тўғри тутиш керак бўлади. Ёт жисмлар бурун бўшлиғида узок вақт туриб қолса, бурундан ажраладиган шилликлар таркибидаги тузларнинг ёт жисм устига ўтириши натижасида тошлар — ринолитлар ҳосил бўлади. Улар хилма-хил шаклда бўлиб, юзаси кўпроқ ғадир-будур бўлади. Бурун бўшлиғини зондлаш ва рентгенологик текшириш ташҳис қўйишга ёрдам беради. Ринолитлар уни ўтмас илгаклар билан олиб

48-расм. Бурун ичидан ёт жисемни олиб ташлаш.



ташланади. Каттароқ тошларни бурун бўшлиғида кисқичлар билан майдалаб, бўлак-бўлак қилиб ёки жарроҳлик йўли билан олиб ташланади.


БУРУНДАН ҚОН ОҚИШИ

Бурундан қон маҳаллий пайдо бўлиши (шикастланиш, шу жумладан, операцион жароҳат, яралар, ўスマлар) ва умумий сабабларга кўра оқади. Артериал босимнинг ва қон айланишининг бузилиши билан давом этадиган юрак-томир системаси, буйрак ва жигар касалликлари умумий сабаблар қаторига киради. Бурундан аксарият инфекцион хасталикларда (грипп, терлама, қизамиқ, скарлатина) қон оқиши кузатилади. Хасталик кўпинча томир деворлари заараланганда (Шейнлейн-Генох, Рендю-Ослер касаллеклари, геморрагик капиллярапатия), қон ивиши жараёни бузилганда (гемофилия) ҳам юзага келади. Шуни унутмаслик керакки, ўпка, қизилўнгач ва меъдадан қон оққанда, йўталганда ва қайт қилганда ҳам бурундан қон оқади.

Беморнинг умумий ахволи яхши бўлса, бурундан қон оқишини касал ўтирган ҳолда тўхтатилади. Беморнинг умумий ахволи оғирлашганда bemor ўрнига ётқизилади, бошини ён томонга буриб туриб, қонни буйраксимон тосчага тупуриши сўралади.

Қон оқишини тўхтатиш мақсадида олдин оддий усуслар қўлланилади: bemor қон қуйкасини туфлаб ташлайди, bemордан бурун оркали нафас олиши сўралади, бурун бўшлиғининг олдинги бўлимларига пахта ёки дока бўлаклари киритилади. Бурун устига ёки энсага муз кўйиб кўйилади.


Аксарият ҳолларда бурун тўсигининг олдинги бўлимлари (Кисселбах жойи)дан қон оқади. Қон оққан жой олдинги риноскопияда яхши кўринади ва қонаб турган



49- расм. Буруннинг олдинги (а, б) тампонадаси.

жойни зондга аланга устида пайвандланган кумуш азот оксид, уч хлор сирка кислота, хром кислота кристаллари билан қўйдириб ёки гальванокаутер билан ишлаб, лазер ёхуд криоаппликатор билан музлатиб кўйиб яхши натижаларга эришиш мумкин бўлади. Ишлатилган усуллар кор қилмаганда ёки оқаётган конни тўхтатишини иложи бўлмаганда буруннинг олди томонидан тампонада қилишга киришилади. Бурун кўзгуси билан буруннинг тегишли катаги кенгайтирилиб, штиксимон пинцет билан бурун бўшлиғига (уни тўлдириб) узун энсиз докали тампон киритиб кўйилади (49-расм). Бурунни шу усулда тампонада қилишда узунлиги 8 см чамаси келадиган доканинг бир неча тизимчаларидан фойдаланиш мумкин. Гемостатик таъсирини кучайтириш учун тампон олдиндан 5 % ли эпсилон-аминкапронат кислота ёки таркибида шу моддалар бўлган мураккаб пасталарга шимдирилади.

Олдинги тампонада кор қилмаганда орқа тампонадаси амалга оширилади (50-расм). Бунда тампон икки букланган бир неча дока салфеткалардан тайёрланиб, улар устма-уст қилиб йўғон ипак ип билан маҳкам боғланади. Ипнинг бир уни киркилади, колган уч бўллаги қолдирилади. Кейин ингичка резинали катетер пастки бурун йўли бўйлаб бурун-ютқинга киритилади. Катетер уни оғиз-ютқйнда кўриниб колганда уни пинцет билан ушлаб оғиз орқали чиқариб олиб, унга тайёрлаб кўйилган тампонни иккита ип билан боғланади. Шундан кейин ипли катетер бурундан тортиб олинади, тампон эса бармоқ билан юмшоқ танглай орқасига ташланиб, у ерда хоаналарга зич қилиб босиб кўйилади. Бурундан чиқариб олинган иплар таранг тортилади ва қўшимча равнища буруннинг олдинги тампонадаси бажарилади. Иккала ип бурунга киравериша зич докали болишча устидан бойлаб кўйилади.



50- расм. Буруннинг орқа (а, б) тампонадаси.

Тампонни кейинчалик олиб ташлашга мўлжалланган ип учини оғиздан чиқариб, ёпишқоқ пластирь билан лунжга ёпиштириб кўйилади. Орқа тампонада оғритадиган муолажа ҳисобланади ва уни иложи бўлса промедол, атропин дориларни бериб кейин қилган маъқул.

Тампонларни олиб ташлаш муддати қоннинг оқиш сабабига, оғир-енгиллигига ва бурун бўшлиғида жойлашганига қараб 48 соатдан 6—10 кунгача чўзилиши мумкин. Тампонлар узок вақт туриб колганда уларга ҳар куни антибиотиклар эритмаси шимдирилади ва бактерияларга қарши даво тайинланади. Дока тампонларнинг қатор камчиликлари бор: шиллик парда шикастланади, тампонлар бурун бўшлиғи ажралмасига тез шимилади ва инфицирланади, улар олиб ташланаётгандан тромблар узилиб кетиши натижасида яна қон оқа бошлайди. Турли тузилишдаги резинали пневматик баллончалар ёрдамида бурун тампонадаси бирмунча енгил кечади. Формалин билан ишланган гетероген қорин парда яхши материал бўлиб ҳисобланади.

Қон оқишини тўхтатишга доир чора-тадбирлар билан бир вактда бемор гематологик (кони) текширилади, эритроцитлар сони, гемаглобин, тромбоцитлар микдори, шунингдек қон ивиши вакти аникланади, мавхум ҳолларда коагулограмма қилинади.

Қон ивишини оширадиган воситалар (венага 20 мл 10 % ли кальций хлорид, томчи ҳолида 100 мл 5 % ли эпсилон-аминокапронат кислотаси, мушак ичига 2—3 мл 1 % ли викасол эритмаси, группаси бир хил бўлган 50—100 мл қон қўйиш) ишлатилиб, булар бурундан қон оқишини тўхтатувчи чоралар мажмуаси ҳисобланади.

Бурундан қон кетиши ҳа деганда түхтамаса (хеч иложи бўлмагандага), томирларни бўйига қараб бойлаб қўйишга ўтилади. Умум қабул қилинган усулга биноан заарланган томоннинг ташки уйку артерияси, ички юкори жағ ёки ғалвирсимон артериялар бойлаб қўйилади.

ТАШКИ БУРУН КАСАЛЛИҚЛАРИ

Совук олдириш. Бурун терисининг совук таъсирига жавоб беришнинг бир нечта даражалари тафовут қилинади. 1-даражали совук олдириш натижасида тери қаттиқ рангизланади, сезувчанлик бузилади, кейин бурун қизариб, шишади, кичииди, оғрик беради. 2-даражали совук олдиришда тери кўкимтир-қизғиши рангга кириб, пуфакчалар пайдо бўлади, улар ёрилиб, ўрнида қатқалок хосил бўлади. Қатқалоқдан кейин заарланган жой тери билан қопланади. 3-даражали совук олдиришда тўқималар мумланиб колади, аммо бундай ҳол камдан-кам учрайди.

Давоси. Тўқималарни аста-секин иситиб борилади. Эпидермисни шикастлантирмаслик учун уни майн латта билан авайлаб ишқаланади, илик компресслар қўйилади. Пуфакчаларни ёрилади. Қатқалоқни олиб ташлангандан кейин суртма дорили боғламлар тайинланади, улар эпидермисни заарланишини ва инфицирланишининг олдини олишга ёрдам беради.

Чипқон бурунга кираверишдаги терининг ёғ ва тукли халтачаларининг коккли микрофлора билан инфицирланиши натижасида пайдо бўлади. Углевод алмашинуви бузилиши чипқонга хос умумий аломат ҳисобланади.

Чипқон чикқанда чекланган гиперемия, марказида конуссимон бўртмаси бўлган тери таранглашуви, тегиб кўрилганда қаттиқ оғрик сезилиши кузатилади. 3—5 кун мобайнида абсцесс юз бериб, кейинчалик ўзак кўчиб тушади. Тана ҳарорати субфебрил бўлади.

Тана ҳарорати жуда баланд бўлиб кетганда, бош оғриши, кўзда оғрик бўлиши, атрофдаги тўқималар шишиб чикиши кузатилади. Бунда бемор дарҳол касалхонага ётқизилиши керак. Бемор бурнига ярим спирт боғламлар тайинланиб, умудаволовчи дозаларда антибиотиклар ва сульфаниламидлар, маҳаллий электромагнитли даво, УВЧ, гелий-неон лазери билан нурлантириш буюрилади. Абсцесс пайдо бўлган босқичдагина чипқонни ёриб очилади. Чипқонни ситиб чикариш юз веналари флейбитига, орбитал ва калла ичи асоратларига олиб бориши мумкин.


БУРУН БҮШЛИГИ ҚАСАЛЛИҚЛАРИ

Бурун түсигининг қийшайиши юз скелетининг ривожланиш нүқсони (аномалияси) ва буруннинг шикастлаши оқибатида юз беради. Бурун түсиги турли шаклда қийшаяди (51- расм). У ёки бу томонга, S-симон қийшайиши мумкин. Суяклар ва тоғай бириккан жойларда тоҗлар ва бўртмалар бўлиб, улар бурун чифаноғига тегиб туриб, доим шиллик парданинг таъсирланишига, вазомотор ўзгаришларга сабаб бўлади.

Ташхис бурун билан нафас олиш қийинлашганидан (кўпинча буруннинг бир катаги орқали) шикоятларга қараб, олдинги риноскопия (бунда бурун қийшайганлиги равшан кўринади) га асосланиб қўйилади. Хирургик йўл билан даволанади. Бурун түсиги шиллик ости резекцияси — операциянинг кенг тарқалган туридир. Катта тоҷлар шиллик остидан олиб ташланади. Майда тоҷлар ва бўртмалар исказана ёки ультратовушли скальпель билан кесиб олиб ташланади.

Ўткир ринит. Қасаллик кайфиятнинг бироз бузилиши, эт увишиши, дармонсизлик, ҳароратнинг субфебрил бўлишидан, аксириш, бурун-ютқунда қуруклик сезишдан бошланади. Риноскопияда шиллик парда қизарган ва қурук бўлиб кўринади. 1—3 кундан кейин бурун бўшлигининг шиллик пардаси нам тортиб, кўп микдорда сероз-шилликли секрет ажралади. Бурундан нафас олиш бирданига оғирлашади. Одам дармонсизланиб, бутун аъзои-бадани қақшаб оғрийди. Қейинги кунларда бу ажралма шиллик-йирингли бўлиб қолади (кўчиб тушадиган эпителий ва лейкоцитларнинг аралашиб кетиши оқибатида). Бориб-бориб беморнинг умумий ахволи яхшиланиб, ажралма камаяди, бурун орқали нафас олиш тикланади ва 7—10 кундан кейин бемор соғайиб кетади.

Беморни ўринда ётқизиб, оёқларига иссиқ ванналар қилиш, тер ва сийдик ҳайдовчи воситалар бериш даво чораларидан ҳисобланади. Қейинги кунларда таркибида



51- расм. Бурун түсигининг қийшайиши.

томирларни торайтирувчи воситалар бўлган томчилар ва суртма дорилар тайинланади.

Грипп, кизамик, скарлатинада ўткир ринит оғиррок кечишини ва асоратлар рўй бериши мумкинлигини (синуитлар, отитлар) назарда тутиб антибиотиклар ва сульфаниламидлар тайинланади.

Бурун дифтерияси. Дифтерия бурун бўшлиғида бирламчи бўлиши ёки ютқун, хиқилдоқнинг бўғмадан заарланиши билан бирга давом этиши мумкин. Касаллик аксари ҳолларда ёш болалар орасида кўпроқ учрайди. Дифтериянинг катарал ва пардасимон турлари тафовут килинади.

Катарал тури ўртача ўткир ва сурункали бўлиб, дастлаб одатдаги катарал ринит кўринишида ўтади. Факат бактериологик усулда текшириб аниқланади. Кейинчалик бурун ажралмаси сероз қонли ёки йирингли бўлади. Нафас олишнинг росмана қийинлашуви, мацерация, бурунга кириш жойининг териси ёрилиши авж олади. Тана ҳарорати субфебрил бўлади. Риноскопияда гиперемия, шиш, шиллик пардағынг яра босиши, ёпишқоқ кўк балчик ранг қоплама аниқланади. Жараённинг одатда бир томонлама бўлиши характерлидир.

Пардасимон тури типик дифтеритик яллиғланишга ўхшаш. Касаллик ўткир ўтади. Бурун бўшлиғининг олдинги бўлимларида оқ рангли пардалар ҳосил бўлиши бу турга хос бўлиб, улар тўқималардан қийинчилик билан ажралади. Пардаларни олиб ташлашга уринганда, аксиришда, бурун қоқища бурундан қон оқади. Жараён кўпроқ бир тарафлама бўлади. Ташҳис бурундан олинган шиллиқда дифтерия таёқчаси бор-йўқлигига караб қўйилади. Буруннинг аниқланмаган локал дифтерияси ўтқунга ва хиқилдоқка тарқалади.

Давоси маҳсус — дарҳол дифтерияга қарши зардоб юборилиши зарур. Бурунга антибиотиклар ва сульфаниламидлар, томирни торайтирувчи ва дезинфекцияловчи воситалар тайинланади, бурун остидаги зааралangan териға суртма, дорилар, пасталар суртилади. Юқумли касалликлар бўлимига ётқизилади.

Сурункали ринитлар. Катарал, гипертрофик ва атрофик турлари тафовут килинади. Сурункали катарал ринит чўзилиб кетган ўткир ринит ёки хусусий рецидивлар, ташқи салбий омилларнинг таъсири (юкори ёки паст ҳарорат, ҳавонинг чанг билан ифлосланиши), бурун олди бўшлиқларининг йирингли хасталиклари оқибатида юзага келади. Ана шу омиллар таъсирида бурун бўшлиғи шиллик пардасини коплаган эпителийсида ўзгаришлар кузатила-


ди, гемодинамика бузилиб, тўқималар экссудатни шимиб олади ва экссудат шиллик парда сатҳига сизиб чиқади. Бемор бурундан нафас олиши қийинлашаётганидан, бурундан ажралма чиқишидан шикоят қиласи. Риноскопияда димланган гиперемия ва бурун бўшлиғи шиллик пардасининг шишганлиги кўриниб туради, шунингдек пастки бурун йўлида патологик ажралма чиқиши кўринади, у сероз шилликли ёки шиллик-йирингли бўлиши мумкин.

Давоси сурункали катарал ринитни келтириб чиқарган сабабларни бартараф қилишга қаратилган бўлиши лозим. Беморни жисмоний машгулотларга жалб қилиш, чиниктириш катта наф беради. Физиотерапия муолажалари: тубусли кварц, УВЧ, маҳаллий электромагнит терапияси ўтказилади. Доривор препаратлардан бурунга томир торайтирувчи воситалар ва томчилар ёки суртма дори кўринишидаги протаргол ишлатилади.

Сурункали гипертрофик ринит аксарият ҳолларда иккиласми бўлиб, катарал ринит давоми сифатида ривожланади. Шиллик пардасининг гипертрофияси гоҳо олдинига яллигланишсиз ривожланади. Морфологик ўзгаришлардан ташқари, шиллик пардада, шиллик ости катламда, шиллик безларида, сукъ усти безида ва сукъда пролифератик жараёнлар ривожланади. Гипертрофия силлик, гадир-будур ва сўргичсимон бўлиши мумкин. Кўпинча бурун бўшлиғи бўлимларининг яккалган гипертрофияси кузатилади.

Бунда буруннинг битиши, шунингдек бурундан ажралма чиқиши, ҳид сезиши хусусиятининг пасайиши кузатилади. Бурун бўшлиғи тўқималарининг гипертрофияланиши оқибатида лимфа ёриқларининг босилиб колиши ва бурун бўшлиғидан лимфанинг оқиб кетиши бузилиши юзага келиб, бу бош оғришига, уйкунинг бузилишига ва толиқишига сабаб бўлади. Риноскопияда бурун бўшлиғининг шиллик пайдаси оч пушти ранг ёки қизғиш бўлиб кўринади, бурун йўлларидан қуюқ ажралма чиқади. Бурун чиганоқлари катталашиб, уларнинг юзаси, айниқса олдинги ва орқа учлар нотекис бўлади. Адреналин суртиб кўрилгандан кейин тўқима қисқармайди.

Гипертрофик ринитни даволаш учун илгарилари конхотомия операцияси — гипертрофияланган шиллик пардани қайчи ва ёпишқоқ илгак билан олиб ташлаш операциясидан фойдаланилган (52-расм). Лекин бу операция гальванокаустика сингари (гипертрофияланган жойларни электрогальванокаутер билан куйдириш) шикастлантиради ва кейинчалик кўпинча шиллик пардасининг



атрофиясига олиб қелади. Шиллик ости гальванокаустикаси (игнали электрогаль ванокеутер шиллик ости қатламига киритилади) ва криотаъсирилаш шиллик пардани бир қадар кам шикастлантиради, дағал чандикланишини ва бурун бўшлиғида синехиялар ҳосил бўлишини бартараф этади. Сўнгги вактларда пастки бурун чиганокларининг ультратовушли дезинтеграцияси кенг ишлатиляпти, бунда маҳаллий анестезия ёрдамида бурун дезинтегратори бурун чиганогининг шиллик ости қатламидан олдинга ва орқага йўналтирилади, ультратовуш орқали тўқималарга таъсир кўрсатилади, бу тўқималарнинг парчаланишига олиб боради. Орадан 7—14 кун ўтгач бурун чиганоги кичрайди ва бурундан нафас олиш тикланади.

Сурункали атрофик ринит витамин баланси издан чиқканда, гормонал ўзгаришларда, юқумли касалликлар билан оғриганда, таркибида газ, чанг бўлган ҳаво билан мунтазам нафас олинганда пайдо бўлади. Гистологик жиҳатдан атрофик ринитда цилиндрик хилпилловчи эпителий кўп қаватли ясси эпителийга айланади, шиллик парда юпқалашади, каверноз тўқима йўқолади, шиллик бези сони камаяди.

Субъективиравишида бурунда кичишиш пайдо бўлиб, унинг битиб колиши, ҳид сезишнинг камайиши ёки бутунлай бўлмаслиги намоён бўлади. Риноскопияда бурун йўллари кенгайиб, шиллик парда юпқалашгани, курук баъзи бир жойлари қуюқ сарик-яшил ажралма, қотиб қолган шиллик пўстлоқлари билан қопланган бўлади.

Атрофик ринитга симптоматик даво қилинади, яъни пўстлоқлар ҳар куни ишқорли эритмалар билан ювилади, бурунга ўсимлик мойи (шафтоли, абрикос ёғи) томизилади. Шундан кейин пўстлоқлар оҳистагина қоқилади ва пардага 0,25 % ли люгол эритмаси сурилиб, бу эритма ёрдамида шиллик парда юмшатилади, безлар секрецияси-

ни рағбатлантирилади. Вакти-вакти билан биоген стимуляторлар ва витаминлар (дармондорилар) буюрилади.

Озена ёки сассик тұмов атрофик ринит турларидандыр. Бу хасталикнинг келиб чыныши ва патогенези тұла-тұқис ўрганилмаган. Гистологик жиҳатдан озенадада бурун бүшлиғининг барча тұқымалари атрофияси күзатылади. Цилиндрик митилловчи эпителий күп қаватлы ясси эпителийга айланади, шиллик парда юпқалашади, томирлар сони камаяди, каверноз тұқима ва безлар йүқолади, бурун чиганоклари ҳамда деворларининг сүяқ скелети юпқалашади. Колган безлар жуда кам микдорда ёпишкөк шиллик ажратылғанда, у бадбүй ҳидли бүләді вә тезда қотиб қолади. Пүстлоқларнинг ёқимсиз ҳидли бүлишига сабаб уларда индол, фенол, скател, олтингугурт, аммиак ва ёғ кислоталарининг бүлишидір.

Бемор бурнида қуруклик сезиб, ичиде нимадир бордек хис қиласы, бурун орқалы қийналиб нафас олаётганидан, аносмиядан шикоят қиласы. Озеноз жараён бурун-ютқун, ҳиқилдок ва ютқин ҳамда кекирдакка тарқалғанда қулоқ шанғиллаши, әшитишининг ёмоналашуви, томоқда қуруклик сезилиши, кекирдакда пүстлоқнинг йиғилиб қолишига алоқадор нафас қийинлашуви каби шикояттар ҳам пайдо бүләді. Риноскопияда бадбүй ҳидли пүстлоқлар борлиги аникланади, улар олиб ташланғанда жуда ҳам сербар бурун бүшлиғи күриниб туради.

Озенанинг пайдо бүлишига күпинча озена микробиининг клибсиеиласи сабаб бүләді. Үнга даво қилиш учун таъсир күрсатылған донраси кенг бүлған антибиотиклар, маҳаллий ва парентерал тарзда суртма дорилар, эмульсиялар, куқун, аэрозоллар ишлатылади. Шунингдек иммунотерапия құлланади ва озена бактерияларидан тайёрланған вакциналар ишлатылади. Алоэ, дармондорилар ва аутогемотерапия тайинланади. Шиллик ва пүстлоқларни олиб ташлаш учун бурун бүшлиғини фурациллин эритмаси, антибиотиклар құшилған ишқорлы эритмалар билан ювиб, бурун бүшлиғига балиқ мойн шимдирилған тампонлар қойылади. Пүстлоқлар-қоқиб ташланғач, шиллик парданы таъсирлантырыш учун бурун бүшлиғига люгол эритмаси шимдирилған тампонлар киритилади. Физиологик мұолажалардан ишқорлы-мой ингаляциялари, диатермия, тебранма үқалаш (вибромассаж) тайинланади.

Вазомотор ринит. Вазомотор ринитнинг иккى тури: аллергик ва нейровегетатив турлари тафовут қилинади. Аллергик ринитда касаллик алматылары биологик жиҳатдан фаол моддаларнинг, хусусан аллергеннинг антитело билан реакцияга киришиши натижасыда озод бүләді-

ган гистаминнинг тўқималарга таъсир кўрсатишига боғлиқ бўлади. Нейровегетатив ринитга бурун бўшлиғи шиллик пардаси томирлари тонусини бошқаришнинг нерв механизмлари бузилиши сабаб бўлади. Вазомотор ринитнинг иккала турининг клиникасида ўзаро ўхшаш кўпгина симптомлар бўлиб, касадликнинг вақти-вақтида кечиши, кўп марталик хуружсимон аксириш, бурун кичишиши, бурундан жуда кўп миқдорда сувга ўхшаш ажралмалар чикиши, бурун орқали нафас олишнинг кийинлашуви, хид сезиш ўтқиригининг сусайиши, жиззакилик, ишлаш қобилиятининг пасайиши, уйқунинг ёмонлашуви шулар жумласидандир.

Мавсумий ва доимий аллергик ринит тафовут қилинади. Келиб чиқиш омили шамол билан чанглатиладиган чанг ҳисобланган мавсумий аллергик ринит факат баҳор-ёз мавсумдагина юзага келади. Доимий аллергик ринитга беморнинг турмушда ва ишлаб чиқаришда қатор моддалар (чанг, ҳайвонлар юнги, паррандалар пати, мофорланган замбуруғлар, кимёвий моддалар) билан доим контактда бўлиши, шунингдек овқат аллергияси (унинг ёқмаслиги), бактериал аллергия ва атоаллергия туфайли пайдо бўлади. Аллергик ринит зўрайган пайтда шиллик парда рангининг ўзгариши қайд қилинади. Риноскопияда у аксарият қип-қизил ёки окимтири рангда, гоҳо рангпар, ёхуд жуда ҳам рангсиз, деярли оплок бўлади. Пастки ва ўрта чиғанокларнинг шишганлиги, бурун бўшлиғида сероз ажралма борлиги аниқланади.

Вазомотор ринитнинг нейровегетатив турида шиллик парда кўкимтири ёки рангсиз доғли нотекис цианотик бўлади, пастки бурун чиғаногининг шишиши бурун йўлларида сувсимон ажралма борлиги аниқланади.

Вазомотор ринит билан оғриган беморларда бурун олди бўшликларининг шиллик пардасида худди шунга ўхшаш ўзгаришлар пайдо бўлади, бу — рентгенографияда улар тиниқлигининг хирадашувида намоён бўлади. Жараён ғалвирсимон лабиринтнинг юкори жағ бўшликларига ва ҳужайраларига кенг таркалади.

Аллергик ринитга чалинган беморларни даволашни ўзига хос специфик гипосенсибилизациядан бошлаган маъқул. Муолажани касаллик ремиссияси даврида аниқланган аллергеннинг кичик дозаларини юбориш йўли билан (организмда блокада килювчи антителолар хосил қилиш максадида) амалга оширилади. Таъсир кўрсатиш механизми турлича бўлган антигистамин препаратлар (димедрол, диазолин, пипольфен, тавегил, интол, задитен) билан специфик бўлмаган гипосенсибилизация кенг кўламда ишлатилади.

Вазомотор ринитни, айниқса унинг нейровегетатив турини даволаш учун рефлектор терапия усуллари қўлланилади. Бу бурун ичига новокайн блокадаси килиш ва игна билан рефлекстерапия ўтказишдан иборатdir. Яна шунингдек кальций ва гидрокартизон қўшиб бурун ичига ионофорези қилиш, ёқали гальванизация, бўйиннинг вегетатив тугунларини диатермия қилиш усуллари қўлланилади. Пастки бурун чиғанокларини ультратовуш билан дезинтеграциялаш авайлайдиган хирургик даво ҳисобланади.

БУРУН ОЛДИ БЎШЛИҚЛАРИ КАСАЛЛИҚЛАРИ


БУРУН ОЛДИ БЎШЛИҚЛАРИНИНГ ЎТҚИР ЯЛЛИҒЛАНИШИ

Турли микроорганизмлар, яъни коккли флора, замбуруғлар, вируслар бурун олди бўшлиқларининг ўтқир яллиғланиши касалликларининг қўзғатувчилари (ўтқир синуит) ҳисобланиб, бунда микроорганизмлар бурун бўшлиғидан табиий тешиклар орқали бошқа бўшлиқларга тушади. Қизамик, скарлатина, терламаларда инфекция қон билан, шунингдек инфекциядан заарранган юкори жағдा�ги катта ва кичик озиқ тишлардан ўтиш эҳтимоли бор. Гистологик нуктаи назардан ўтқир синусларда шиллик парда инфильтрацияси ва шишиб чиқиши аниқланади. Бўшлиқ ёриғида серозли, кейин эса йирингли экссудат тўпланиб боради.

ЮКОРИ ЖАҒ БЎШЛИГИНИНГ ЎТҚИР ЯЛЛИҒЛАНИШИ (ГАЙМОРИТ)

Бунда экссудат ҳосил бўлиши ва унинг заарранган бўшлиқдан оқиб кетиши натижасида бош оғриши, юз соҳасида оғриқ пайдо бўлиши кузатилади. У олдинги бўшлиқ девори пайпаслаб кўрилганда кучаяди. Бурундан шиллик ёки йирингли ажралмалар ажралиши, ажралманинг бурун-ютқинга оқиб туриши, бурундан нафас олишнинг кийинлашуви, ҳид сезиш ўтқирлигининг сусайиши пайдо бўлади. Беморнинг умумий аҳволи ёмонлашади, тана ҳарорати субфебрил даражагача кўтарилади. Риноскопияда шиллик парданинг қизаргани (гиперемияси), ўрта бурун йўлида шиллик ёки йиринг тўпланиши аниқланади. Баъзан ажралма факат ўрта бурун йўлининг шиллик пардасига адреналин эритмаси суртилганда ва бош соғлом томонга энгаштирилгандагина пайдо бўлади. Ташҳис диафоноскопияда ва рентгенографияда зааррлан-

53- расм. Юкори жағ бүшлиги пункциясы.




ган бўшлиқни ёпиб қўйиб, терлаграфия натижаларига кўра қўйилади.

Диагностик даволаш мақсадида заарланган юкори жағ бўшлиги пункция қилинади (53-расм). Бурун бўшлиги адреналин эритмаси билан консизлантирилиб, пастки бурун йўлининг шиллик пардасига, пастки бурун йўли гумбази соҳасига 3 % ли дикайн эритмаси суртилади, кейин махсус йўғон игна билан бурун бўшлигининг ташки девори тешилади, ичидаги ажралма шприц билан сўриб олинади, бўшлиқни дезинфекцияловчи эритма билан ювилади ва антибиотиклар эритмаси юборилади. Қайта-қайта пункция қилиш зарурати туғилганда бўшлиқни шунтлашади — пункцион игна орқали полиэтилен найда киритилади, у бўшлиқда қолдирилиб, у орқали бўшлиқ ювилади ва дори моддалари юборилади (54-расм). Даво антибактериал терапия, бурунга томир торайтирувчи томчилар ва суртма дорилар, УВЧ, локал электромагнит терапияси тайинлаш билан олиб борилади. Ўткир гайморитга консерватив даво кор килмагандан, шунингдек орбитал ва калла ичидаги асоратлар пайдо бўлганда хирургик давога киришилади.

ФАЛВИРСИМОН ЛАБИРИНТ ҲУЖАЙРАЛАРИНИНГ ЎТКИР ЯЛЛИҒЛАНИШИ (ЭТМОИДИТ)

Этмодит кўпинча бурун олди бўшлиқларининг заарланиши билан кечади. Бемор бурун илдизи, кўз косаси соҳасидаги оғриқдан, бурун орқали нафас олиши кийинлашганидан, бурундан шилликли ва йирингли ажралмалар оқишидан, бош оғришидан, кайфиятнинг ёмонлашганидан, тана хароратининг кўтарилишидан шикоят килади. Объектив симптомлардан кўз косаси ички девори пайпаслаб кўрилганда оғриқ берини кайтказилинади. Ҳрга ва



54-расм. Юкори жағ бўшлигини кўздан кечириш учун фиброскопия килиш ва шунтлаш.

юкори бурун йўлларида шиллик ва йиринг тўплангани олдинги ва орқа риноскопия воситасида аниқланади. Рентгенограммада ғалвирсимон лабиринт ҳужайраларининг коронғилашуви кўрилади.

Давоси. Бурун бўшлиғи шиллик пардасига адреналин эритмасини суртиб уни мунтазам равишда қисқартириш керак бўлади. Бактерияларга қарши даво ва физиотерапия (УВЧ, СВЧ, локал электромагнит билан даволаш) тайинланади. Болаларда тез-тез учраб турадиган орбитал асоратларда ва калла ичи асоратларида ғалвирсимон лабиринтнинг заарланган ҳужайраси очилади.

ПЕШАНА БЎШЛИГИНИНГ ЎТҚИР ЯЛЛИҒЛАНИШИ (ФРОНТИТ)

Ўтқир фронтити бор беморларда пешана соҳасида оғриқ пайдо бўлади, бурун орқали нафас олиш қийинлашади, бурундан шиллик, кейин эса йирингли ажралмалар оқади, кайфияти бузилиб, ҳароратининг субфебрил бўлиши кузатилади. Пешана бўшлигининг олдинги ва пастки деворлари пайпаслаб кўрилганда оғриқ сезилиши, ўрта бурун йўлининг олдинги бўлимида шилликли ёки йирингли

ажралма оқиши аниқланади. Рентгенограммада бир ёки иккала пешана бўшлиғининг пневматизацияси сусайгани аниқланади. Ўткир йирингли фронтит рентгенограммасида (у bemor тикка турганда бажарилади) бурун бўшлиғининг қоронгилашганини ёки пешана бўшлиғига йигилган суюқлик даражасини кузатса бўлади.

Давоси. Заарланган бўшлиққа томир торайтирувчи воситаларни томизиш ёки пуркаш йўли билан йирингнинг оқиб кетишига эришиш керак бўлади. Умумдаво дозаларида антибиотиклар, физиомуолажалар буюрилади. Борди-ю, экссудат бўшлиқда тўхтаб қолиб, кайфият яхшиланмаса, бош оғриғи кучайса, организм заҳарланса, пешана бўшлиғи трепанопункцияси қилинади. Ў бўшлиқни икки вазиятда (ёнлама сурат бўшлиқ чуқурлигини аниқлаш учун зарур бўлади) рентгенография қилингандан кейин ўтказилади. Муолажа маҳаллий анестезия остида 1% ли новокайн эритмасини юборилгандан кейин қилинади. Махсус асбоб ёрдамида (трепаном) пешана бўшлиғининг олдинги девори тешилади ва бўшлиққа металл канюля киритилади. Канюла орқали ҳар куни бўшлиқни де-зинфекцияловчи эритмалар билан ювиб турилади. Антибиотиклар, протеолитик фермент, глюкокортикоидлар эритмаси юборилади.

ПОНАСИМОН БЎШЛИҚНИНГ ЎТКИР ЯЛЛИГЛАНИШИ (СФЕНОИДИТ)

Касаллик кўпинча ўткир этмоидит билан бирга ўтади. Бемор ҳид сезиши йўқолганидан, бурун ажралмасининг ютқунга тушишидан, энсага берадиган бош оғришидан, толикишдан шикоят қиласи. Ташхис санаб ўтилган шикоятларга, орка риноскопияда юкори бурун йўлида йиринг борлигига, рентгенограммада асосий бўшлиқнинг қоронгилашувига асосланиб кўйилади.

Давоси. Юкори бурун йўлини мунтазам равишда адренализация қилиб, антибиотиклар ва сульфаниламид препаратларни тайинлашдан, физиотерапия ўтказишдан иборат. Кўриш ўткирлигининг йўқолиши, сепсис симптомларининг ривожланиши кўринишидаги асоратларда асосий бўшлиқ очиб кўйилади.

БУРУН ОЛДИ БЎШЛИҚЛАРИНИНГ СУРУНКАЛИ ЯЛЛИГЛАНИШИ

Сурункали синуитлар асосан ўткир синуитларнинг ўз вақтида даволамаслик оқибатида юзага келади. Сурункали синуитларда оғриқ ва заҳарланиш ҳодисалари


үткірдагига караганда кучсиз ифодаланган бўлиб, маҳаллий симптомлар устунилк қиласи. Сурункали синуитларга кўпинча хирургик йўл билан даво қилинади.

ЮҚОРИ ЖАҒ БЎШЛИГИНИНГ СУРУНКАЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШИ (ГАЙМОРИТ)

Сурункали гайморитнинг катарал, йирингли, полипоз, казеоз, йирингли-полипоз ва аллергик турлари тафовут қилинади. Бунда шиллик-йирингли ажралма кўпроқ буруннинг бир катагидан оқади, бурундан нафас олиш кийинлашади, ҳид сезиш ўткірлиги сусаяди. Риноскопия қилинганда ўрта бурун чиғаноғи соҳасидаги шиллик парданинг қизаргани ва ўрта бурун йўлида патологик ажралма борлиги маълум бўлади. Рентгенологик текширув, юкори жағ бўшлиғи пункцияси, гаймография, ультратовущи биолокация, бўшиликка киритиладиган оптик асбоблар ёрдамида бевосита кўздан кечириш касаллик ва унинг турига ташҳис қўйиш учун катта аҳамият касб этади.

Сурункали гайморитда даволаш усули касалликнинг турига қараб белгиланади. Катарал, йирингли ва аллергик гайморитда консерватив даво қилинади, у экссудатнинг зарарланган бўшиликдан оқиб кетишини яхшилашдан, уни пункция қилиш, шунтлаш, дезинфекцияловчи ва димедрол эритмаси билан мунтазам ювиб туришдан, бўшиликка микрофлоранинг сезувчанлигини ҳисобга олиб антибиотиклар, протеолитик ферментлар (трипсин, химотрипсин, химопсин), глюокортикоидлар (гидрокортизон, преднизолон, дексаметазон) юборишдан иборат. Умумқувватловчи даво, иммунокоррекция қилинади. Физиологик даво: УВЧ, СВЧ, диатермия, локал электромагнит терапия, кальций хлорид, гидрокортизонли электрофорез ўтказилади. Сурункали йирингли гайморитни консерватив даво қилиш наф бермагандан, шунингдек унинг полипоз, казеоз, йирингли-полипоз турларида хирургик даво қўлланилади. Юқори жағ бўшилиғида бурун ичи ва радикал операциялар тафовут қилинади. Операция маҳаллий оғриқсизлантириб ёки наркоз бериб қилинади. Радикал операцияда юқори лаб остидаги юмшок тўқималар кесилади. Юқори жағ бўшилиғи олдинги девори орқали қозик тиш чуқурчаси соҳасида очилади. Операция жойини кузатиб туриб, ўткір қошиқча ва қисқичлар билан бўшиликдаги барча патологик масса олиб ташланади. Юқори жағ бўшилиғи ва пастки бурун йўли орасига дарча қўйилади. Лаб тагидаги яра кетгут чок билан тикилади (55-57-расмлар). Бурун

55-расм. Юкори жағ бүшлигіда радикал операция килиш, юмшок тұқымаларни оғриксизлантириш ва үтүвчан бурма бүйлаб кесиш.




56-расм. Юкори жағ бүшлигіда радикал операция, юмшок тұқымаларни бүшлиқнинг олдинги девори соҳасида кесиш, бүшликни очиш.


бүшлиги дока турунда билан бүшроқ тампонада қилинади, турунда эртаси күнә олиб ташланади.

ФАЛВИРСИМОН ЛАБИРИНТ ҲУЖАЙРАЛАРИНИҢ СУРУНҚАЛИ ЯЛЛИГЛАНИШИ (ЭТМОДИТ)

Касаллик бир ёки иккى томонлама ўтиши мүмкін. Асосан катарал, йириңгілік ва гиперпластик турда ўтады, охирги турда полиплар ҳосил бүлиши билан характерлана-




57- расм. Юкори жағ бўшлиғида радикал операция, бўшлик ва пастки бурун йўли орасига кўшимча дарча кўйиш.



58- расм. Бурун бўшлиғи полипи.

ди (58- расм). Полипоз этмоидитнинг келиб чиқишини инфекция ёки аллергия билан боғлашади. Жараён бир йўла буруннинг бошқа олд бўшлиқларини ҳам заарарлантиради. Шунинг учун бурун бўшлиғида полиплар бўлганда полипоз риносинуит ҳакида фикр юритилади.

Беморни вакти-вакти билан бурун каншари соҳасидаги оғриқ безовта қиласди, бурундан оқадиган шиллиқли ёки йирингли ажралмалар ҳидли бўлади, ажралма бурун ютқунга тушади, бурундан нафас олиш қийинлашади, ҳид сезиши хусусияти пасаяди. Риноскопия килинганда (олдинги ва орқа) ўрта ва юкори бурун йўлларида ажралма, ўрта бурун йўлида полиплар аниқланади. Ташхис рентгенологик текшириув натижалари билан тасдиқланади. Полипларни хирургик йўл билан олиб ташлаш ва заарарланган бўшлиқдан экссудатнинг оқиб кетишини яхшилаш ва дренаж функциясини тиклаш учун хужайраларни очиб кўйиш усули сурункали этмодитни даволашнинг асосий усули ҳисобланади (59- расм). Операция бурун ичидан ўтиб килинади. Қайталанишларга (рецидивларга) йўл кўймаслик учун операция операцион микроскоп ва микроасбоб-ускуналар ёрдамида килиниши лозим. Полипларни олиб ташлаш учун криотаъсирот, хирургик ультратовуш ва лазер аппаратлари ҳам ишлатилади. Полипоз жараён узок вактгача қайталанаверадиган бўлса, видиев нерв нейроэктомия килинади, бу бурун бўшлиғи тўкималари трофикасининг ўзгаришиига олиб келади. Бу операция юксак самарали муолажа бўлиб ҳисобланса-да, лекин



техник нүктан назаридан кийиндир, шу сабабли у кенг күлланилганича йўқ.

ПЕШАНА БЎШЛИГИНИНГ СУРУНКАЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШИ (ФРОНТИТ)

Ўткир фронтит вактида олди олинмаса сурункали фронтитга айланади. Бу пешона бўшлигининг бурун бўшлиғи билан ўзаро алоқаси издан чиққанда айниқса яққол рўёбга чиқади. Бемор пешона соҳасидаги оғриқдан, бурундан шилликли ёки йирингли бадбўй хидли ажралма окишидан, бурун орқали нафас олиши қийинлашганидан шикоят қиласи. Бурун орти бўшлиқларининг обзор рентгенографияси, пешона бўшлиғи трепанопункцияси, фронтография, бўшлиқни синускап ёрдамида кўздан кечириш аниқ ташҳис кўйиш имконини беради.

Консерватив даво бурун бўшлиғи шиллик пардасини мунтазам равишда қонсизлантиришдан, бўшлиқ трепанопункцияси, уни дезинфекцияловчи эритмалар билан ювишдан, микрофлора сезувчанлиги аниқлангандан кейин антибиотиклар юборишдан иборат.

Консерватив даво кор қилмагандан хирургик даволашга ўтилади. Кўпинча пешона бўшлигини радикал операция қилинади. Бу бўшлиқдаги патологик массани олиб ташлаб, унинг бурун бўшлиғи билан алоқасини тиклаш мақсадида қилинади. Кесик кош ва буруннинг ён томони бўйича қилинади. Юмшок тўқималар кесиб олинади. Пешона бўшлигини кўз косаси ости кирраси бўйича олдинги девор орқали очиб кўйилади. Бўшлиқдан патологик масса олиб ташлангандан кейин ғалвирсимон лабиринтнинг олдинги хужайралари очиб кўйилиб, бурун бўшлиғи билан ўзаро алоқа боғланади. Бурун бўшлиғидан пешона бўшлиғида ҳосил бўлган жойга полиэтилен найча киритилиб, 3—4 ҳафтага қолдирилади. Яра яхшилаб тикиб

қўйилади, бунинг учун ингичка чок материали ишлатида-ди. Операциядан кейин бўшлиқ дренажловчи найча ёрдамида ювилиб, дори воситалари юборилади.

ПОНАСИМОН БЎШЛИҚНИНГ СУРУНКАЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШИ (СФЕНОИДИТ)

Сурункали сфеноидит одатда бошқа бўшлиқларнинг, айниқса ғалвирсимон лабиринт орқа хужайраларининг заарланиши билан кечади. Бемор энсага берадиган маҳаллий оғриқдан, ажралманинг бурундан ютқинга окиб тушишидан шикоят қиласи. Орқа риноскопияда юқори бурун йўлида патологик ажралма борлиги, рентгенограммаларда асосий бўшлиқ пневматизациясининг пасайиши аниқланади.

Сурункали сфеноидитни даволаш учун, бошқа бурун олд бўшлиқларини даволащдаги каби усуслар қўлланади. Бурун бўшлиғининг шиллик пардасини яхшилаб қонсизлантирилгандан кейин bemor чалқанча ётқизилади, бурун бўшлиғига дори эритмаси қўйилиб, кейин баллон ёрдамида бурундан ҳаво тортиб олинади. Бурун олди бўшлиқларида манфий босим яратилиб, дори ўз-ўзидан ана шу бўшлиқларга тушади.

Сурункали сфеноидитни хирургик йўл билан даволана-ди. Иккала асосий бўшлиқни очиб, патологик жараён бурун ичига кириб бартараф килинади.

ЮҚОРИ ЖАҒ БЎШЛИҚЛАРИ КИСТАЛАРИ

Юқори жағ бўшлиғи кистаси эмбрионал даврдан пайдо бўлиши мумкин, бу тишлар ривожланиши издан чиққанда юзага келади. Тиш илдизи соҳасида яллиғланиш жараёни ривожланиши, кистасимон гранулемаларнинг ҳосил бўлиши ва юқори жағ бўшлиғи ёриғида кистанинг ўсиб чиқиши ретикуляр кистага хос хусусиятидир. Бўшлиқдаги сохта ёки ретенцион кисталар шиллик безларининг тиқилиб қолиши натижасида ҳосил бўлади. Уларда цилиндрик эпителийдан иборат ички парда бўлади. Бўшлиқ сурункали яллиғланганда, шиш суюклиги тўпланганда шиллик пардада сохта кисталар ҳосил бўлиши эҳтимоли бор. Бу кисталар турли катталикда ва ичи тиник суюкликка тўлган бўлиб, чин кисталардан фарқ қиласи, ички эпителий пардаси бўлмайди. Кисталар кичик бўлганда касаллик белгилари одатда сезилмайди. Кисталар катта-лашган сари ха деганда босилмайдиган оғриқ пайдо бўлади, у тишларга ҳам тарқайди, юз чакка соҳасида



60- расм. Ўнг юкори жағ бўшлиғи кистаси.

оғирлик ҳисси сезилади. Рентгенологик йўл билан текширилганда бўшлиқнинг пастки деворида сохта киста борлиги якқол кўринади (60- расм). Кистани гаймография яда, шунингдек томография ва эхографияда аниқлаш мумкин.

Кисталар бурун ичига кириб ва юзга тегиб кўриш усулида бўшлиқда қилинадиган операциялар ёрдамида олиб ташланади, кистани олиб ташлаш учун юкори жағ бўшлиғида қилинадиган радикал операция энг қулай операция ҳисобланади.

БУРУН ЁН БЎШЛИҚЛАРИНИНГ ЯЛЛИГЛАНИШ АСОРАТИ СИФАТИДАГИ КЎЗ КОСАСИ ИЧИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Риноген орбитал асоратлар. Ўткир ва сурункали синуитлар зўрайиши, бурун олди бўшлиқларининг шикастланиши орбитал асоратларга сабаб бўлади. Инфекция кўз косасига контакт ва томир орқали киради. Орбитал асоратлар орбитал деворларнинг периостити ва субпериостал абсцесс, юкори ковокнинг окма яраси, ретробульбар абсцесс, орбита флегмонаси кўринишида кузатилади.

Орбитал асоратларда кўпинча ҳарорат кўтарилиб, эт увишади, бош оғрийди, кўнгил айнийди. Маҳаллий белгилар қандай бўшлиқ заараланганига боғлиқ бўлади.

Фронтитда пешона бўшлиғи қопламларининг шишиши, пайпаслаб кўрилганда оғриб туриши, кўзнинг пастга ва ташқарига силжиши кузатилади. Пешона бўшлиғи пастки деворининг субпериостал абсцесси ривожланганда гиперемия, юқори қовоқ шишуви пайдо бўлиб, ушбу соҳада окма яра кузатилиши мумкин. Орбита флегмонаси ривожланган ҳолда хемоз, кўз харакатланишининг барча йўналишларда чегараланиши, экзофталм, кўриш ўткирлигининг кескин хиралашуви пайдо бўлади. Гайморитда пастки орбита киррасининг субпериостал абсцесси, орбита флегмонаси юз бериши мумкин.

Ғалвирсимон лабиринтнинг олдинги хужайралари заарланганда қовоқлар шишуви, кўзнинг ички соҳасида гиперемия ва оғрик, окма яра борлиги аниқланади. Кўриш ўткирлигининг пасайиши, кўриш майдонининг торайиши, экзофталм ғалвирсимон лабиринт орқа хужайраларининг заарланиш симптомлари бўлиб ҳисобланади. Бу симптомлар билан бир каторда асосий бўшлиқ заарланганда калла-мия нервларнинг III, IV, VI жуфтларининг парезлари ва фалажлари кузатилади.

Синуитлар орбитал асоратлари одатда хирургик йўл билан даволанади. Заарланган бўшликлар кенг очилиб, патологик масса олиб ташланади, кўз косаси деворлари нинг ҳолати текширилади, бўшликлар яхшилаб дренаж қилинади.

Риноген калла ичи асоратлари. Инфекция калла бўшлиғига, бурун олди бўшлиғи суяқ бўлаклари бутунлигининг бузилиши, заарланган бўшлиқдан экссудат оқиб кетиши натижасида дигесценция, қон орқали (веноз система бўйича) ва лимфаген йўл билан тушиши мумкин.

Пешона бўшлиғида ва ғалвирсимон лабиринт хужайраларида сурункали жараённинг зўрайиши аксарият ҳолларда калла ичи асоратларига олиб боради. Риноген калла ичи асоратлари горсимон синус тромбози, менингит, мия пешона бўлагининг абсцесси кўринишида кузатилади.

Синус тромбози. Бурун олди бўшликлари патологиясидан ташқари, бурун чипқони касалликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Горсимон синус тромбози септик характердаги белгиларда намоён бўлади. Беморнинг аҳволи оғирлашиб, эти увишиши ва ғарак-ғарак терлаш билан давом этадиган иситма кузатилади. Экзофталм, қовоқлар ва конъюнктиванинг шишиши, кўз олмаси харакатининг чекланиши, кўз тўр пардасига қон кўйилиши, кўрув нерви сўриғичининг димланиб колиши маҳаллий симптомларга хос хусусиятдир. Горсимон синусда тромб тарқалганда маҳаллий симптомлар икки томонлама бўлади. Жараён

синусдан мия пардаларига ва мия моддасиға ўтиши мүмкін. Тромб бұлаклари ички аъзоларга қон оқими билан таркалганда уларни заарлашы мүмкін.

СЕРОЗЛИ ВА ЙИРИНГЛИ МЕНИНГИТ

Серозли менингит орқа мия гиперпродукцияси билан таърифланади, у пункция килингандан ортиқча босим остида оқиб чиқсада, лекин унинг морфологик таркиби ўзгармаган ёки таркибида бир оз плеоцитоз бўлади. Касаллик тана ҳарорати кўтарилиши билан, ўткир бошланиши мүмкін. Клиник жихатдан касаллик мия пардаларининг заарланиши ва калла-мия ичи босими-нинг ошиши симптомларида намоён бўлади.

Йирингли менингитда яллиғланиш жараёни бош мияга ва калла-мия нервларига тарқалади. Касаллик оғир кечиши билан ажралиб туради. Хасталикда ҳарорат мунтазам баланд бўлади. Бемор кучли оғриқдан, кўрув ва эшитув таъсиротларга сезувчанлиги органидан шикоят қиласди. Ўринда муайян бир вазиятни эгаллайди, яъни бошини орқага ташлаб, оёқларини корнига тортиб ва қўлларини букиб ёнбошлаб ётади.

Куйидаги симптомлар, энса мушаклари таранглигининг ошиши Керниг ва Брудинский симптомлари хосдир. Орқа мия суюклигидаги ўзгаришлар йирингли менингитнинг асосий белгиларидан хисобланади. Йиринг игнадан тез-тез томчилаб ёки тизиллаб оқиб чиқади. Кўриниши лойқа бўлади. Плеоцитозни ва оксил микдорининг ошиши, Панди ҳамда Нонне-Аппельтнинг мусбат реакциялари аниқланади. Бактериологик текшириш учун коккли флора экилади. Жараённинг мия асосиға тарқалишида калла-мия нервларининг парезлари кузатилади. Энцефалит ривожланган такдирда Бабинский, Россолимо, Оппенгейм (пирамида системасининг заарланишига алоқадор) нинг патологик симптомлари пайдо бўлади.

Мия абсцесси. Пешона бўлаги абсцесслари кўпроқ учраб, уларнинг клиник кечиши хилма-хилдир. Касалликнинг бошланғич босқичида мия пардаларининг заарланиши билан боғлиқ симптомлар кузатилади. Кейинчалик симптомлари сезилмайдиган, касалликнинг яширин даври бошланади (иштаҳа йўқолади, ишлаш қобилияти пасаяди, одам озиб кетади) ва абсцесснинг кучайиши, йиринглаш жараёнига хос бўлган симптомлар пайдо бўлади. Бу даврда, калла ичи босимининг ошиши ва пешона бўлаги мия моддасининг заарланиши кузатилади. Кўпинча пешанада пайдо бўлган абсцессга учраган bemорларда сенсор ва асабий руҳий бузилишлар кузатилади.

Компьютерли томография мия абсцессига шубха туғилганды ишлатыладыган бошқа диагностик усуллар ичида энг информатив ва ишончлы усул ҳисобланади.

Риноген калла ичи асоратларыда буруннинг ён бўшликларида яллиғланиш ўчоғини санация қилиб даволаш керак бўлади. Шошилинч холларда зааррланган бўшлиқни радикал операция қилиниб, бўшлиқнинг бурун бўшлиғи билан ўзаро алоқаси тикланади. Бундан ташқари, йирингли менингитда калла бўшлиғи трепанация қилиниб, соғ жойларгача бўлган қаттиқ мия пардаси очиб қўйилади. Пешона бўлаги абсцесслари ҳам очилиб, дренаж қилинади. Қаверноз синусда операция қилинмайди. Кучли антибактериал даво, дезинтоксиқация, иммун препаратлар тайинланади, гемостаз яхшиланади. Плазмофорез, гипербарик оксигенация қилинганда яхши натижаларга эришилади.

БУРУН ВА БУРУН ОЛДИ БЎШЛИҚЛАРИ ЎСМАЛАРИ

Хавфсиз ўсмалардан аксари бурун тўсифининг конаб турувчи полипи кўпроқ учрайди. У томирларга бой фиброматоз тузилмадан иборат бўлиб, полип бурун тўсифининг олдинги учдан бир қисмида жойлашган бўлади, у думалок қизил рангли ёки силлик юзали бўлади. Тез-тез бурун қонаши, нафас олишнинг қийинлашиши касалликнинг асосий белгиларидан ҳисобланади. Касалликни аниқлаш қийин эмас. Ўсма типидаги шиллик парда ва тоғай усти пардаси билан бирга ультратовушли скальпель ёрдамида осонликча олиб ташланади.

Остеотома кўпинча пешона бўшлиғининг сұякли деворлари ва ғалвирсимон лабиринт ҳужайраларida ривожланади. Остеотома симптомлари уни катта-кичиклигига ва жойлашувига боғлиқ бўлади. Кичик ўлчамли ўсмалар кўпинча бурун олди бўшликларини рентгенография қилинганда тасодифан аниқланади. Юз нуқсонлари ва экзофтальм борлиги каттакон остеомаларга хосdir. Касаллик хирургик йўл билан даволанади. Ўсма зааррланган бўшлиқдан радикал операция қилинганда олиб ташланади.

Рак ва саркома бурун ва бурун олди бўшлиқларининг хавфли ўсмалари қаторига киради. Риноскопияда рак ўсмаси зонд билан тегилганда қонайдиган кулранг-қизил тузилма кўринишида бўлади. Саркома кўринишидан полипга ўхшаса-да, лекин ундан ранги қизил, консистенцияси зич ва харакатчанлиги суст бўлиши билан фарқ қиласи. Бошланғич боскичда бурун ва айникса бурун олди



61-расм. Ўнг юкори жағ бўшлиғи ўсмаси.

ди, кимё терапияси қилинади).

бўшлиқлари ўсмаларининг ҳеч қандай белгилари сезилмайди. Кейинчалик bemorning бурнидан кон келиб, бурун орқали нафас олиши қийинлашади, дармони қурыйди, хид сезиш қобилияти сусаяди. Бурун ва бурун олди бўшлиқлари ўсмаси камдан-кам ҳолларда метастаз беради, лекин инфильтрация туфайли атрофдаги аъзоларга ва тўқималарга таркалиши мумкин. Бу қасалликнинг кечиктириб юборилган симптомларида рўй беради. (61-расм). Бурун ва бурун олди бўшлиқлари комбинациялашган ҳолда даволанади (операция қилинади, рентген билан нурлантириларди, кимё терапияси қилинади).

ЮТҚИН ҚАСАЛЛИҚЛАРИ

ЮТҚИННИНГ ҚЛИНИК АНАТОМИЯСИ


Ютқин мушак найчасидан иборат бўлиб, калладан бошланиб ва торайиб бориб, VI бўйин умурткаси олдида тугайди. Ютқиннинг узунлиги 13—14 см га тенг бўлади. Ютқиннинг 3 бўлими: юкори — бурун-ютқин, ўрта — оғиз-ютқин ва пастки — ҳиқилдок-ютқин бўлимлари тафовут қилинади. (62-расм).

Бурун-ютқин — хоана ортидаги кичик бир бўшлиқ бўлиб, у олдиндан бурун бўшлиғига ўтади. Бурун-ютқиннинг гумбази соҳасида лимфоид тўқима бўлади. У чақалоқларда бўлмасдан, 3 дан 14 ёшгача бўлган болаларда шакланади, 16 ёшга бориб йўқолиб кетади, баъзан эса катта ёшдаги кишиларда ҳам учраб туради ва бу бурун-ютқиннинг бодомча безлари деб аталади. Бурун-ютқиннинг ён деворларида эшитиш найларининг кириш жойи бўлиб, у най бодомчалари номи билан аталадиган лимфоид тўқима билан ўралган.


Оғиз-ютқин орқа ва ён деворлар билан чегараланган

бўлиб, оғиз бўшлиғи билан ҳалқум ёрдамида туташади, ҳалқум тепадан юмшоқ танглай, пастандан тил илдизи билан, ён томондан танглай равоқчалари билан чегаралган (63- расм).

Олдинги равоқлар тил, орқадагилари эса тилдан ютқиннинг ён деворларига борадиган бурмалардан иборат. Равоқлар ичида мушаклар, равоқчалар орсидаги чукурликларда эса танглай бодомчалари жойлашган. Олдинги ва орқа танглай равоқчалари бирикадиган жой



62-расм. Ютқин каватлари.



63-расм. Ютиз-ютқинни кўрининиши стомо-фарингоскопия.

1 — ютқиннинг орка девори, 2 — тилча, 3 — танглайнинг бодомча бези, 4 — олдинги танглай равоги, 5 — юмшоқ танглай, 6 — орқа танглай равоги, 7 — бодомча без ости чукурчаси.

остида бодомча безлар устидаги чуқурча жойлашиб, унга баъзан бодомча безларнинг танглай бўлаги тарқалади. Алоҳида бўлакча ҳам учраб турди, у юмшоқ танглай ичиди бўлиб, асосий бодомча без билан биримаган.

Ҳиқилдоқ-ютқин пастдан ҳиқилдоқ билан чегаралган бўлиб, қизилўнгачга ўтади, унинг ён төмонларида ноксимон чуқурчалар бор. Тил илдизи ёнида бодомчалар деб аталадиган лимфоид тўқима тўплами бор.

Ютқин шиллик пардадан, мушак ва фиброз қаватдан таркиб топган. Бурун-ютқиннинг шиллик пардаси кўп қаватли цилиндрик митилловчи эпителий билан, оғиз-ютқин ва ҳиқилдоқ-ютқин кўп қаватли ясси эпителий билан қопланган. Шиллик ости қатламида аралаш типдаги безлар бор. Ютқин деворлари мушакнинг ички кўндаланг қаватидан иборат бўлиб, улар ютқинни кўтариб турди. Ютқин деворлари шунингдек ютқинни сикиб турувчи ташқи ҳалқасимон мушаклар қаватидан иборат. Мушак толалари фиброз тўқима билан ўралган.

Ютқиннинг лимфоид аппарати ҳалқасимон бўлиб, у Пирогов-Вальдеернинг ютқин ҳалқаси деб аталади. Лимфоид тўқималарнинг майда тўдалари ҳисобланган гранулалар ва фоллиуллар ютқиннинг орқа ва ён деворларида ёйилган бўлади.

Танглайнинг бодомча безлари лимфоид ютқин ҳалқасимон энг йирик тузилмаларидан бўлиб, мураккаб тузилганлиги билан фарқ қиласи. Ютқин ёриғига қараган танглайнинг бодомча безларининг эркин сатҳи кўп қаватли ясси эпителий билан қопланган. У бўртиқ бўлиб, лакуналар ёки крипталяр деб аталадиган 12—15 та каналчалардан иборат тешиклари бор. Лакуналар илонсимон буралган ёки тўппа-тўғри бўлиб ўзаро туташган бўлади. Ютқиннинг ён девори рўпарасидаги бодомча безларнинг ташқи юзасида бириктирувчи қоплам бўлиб, у капсула деб аталади, пастки кутб ана шу капсуладан ҳосил бўлади. Капсуладан бириктирувчи тўқималар бошланиб, улар орқали бодомча безлар ичкарисига қон ва лимфа томирлари, шунингдек нервлар ўтган бўлади. Бодомча безлар паренхимаси фоллиуллалар деб аталадиган лимфоцитларнинг шарсимон тўпламлари кўринишидаги лимфонд тўқималардан иборат (64- расм).


Ютқин ташки уйку артерияси тармоқлари ҳисобига қон билан таъминланади, бу артерияларнинг энг асосийлари — кўтариувчи ютқин артерияси, шунингдек ташки ва ички жағ артерияларининг ҳамда тил артериясининг тармоқчалари ҳисобланади. Ютқиннинг пастки бўлимлари пастки қалқонсимон артерия тармоқлари орқали қон

билин таъминланади. Танглайнинг бодомча безларидан йирик томирларгача бўлган масофанинг амалий аҳамияти бор. Бодомча безнинг юқори кутубининг капсуласидан ички уйку артериясигача бўлган масофа ўрта хисобда 2,8 см ни, пасткиси эса 1,1—1,7 см ни ташкил этади. Танглай бодомча безининг юқори кутуби капсуласи ташки уйку артериясидан ўрта хисобда 4,1 см, пасткисидан эса 2,3—3,9 см нарида жойлашган.

Ютқин иннервацияси уч шохли, тил-ютқин, қўшимча ва сайёр (адашган) нерв тармоқлари билан таъминланган. Ютқиннинг юқори бўйин тугуни симпатик толалар билан таъминланган. Кўрсатиб ўтилган нервлар мушак ва шиллик ости нерв тутамларини ҳосил қиласди. Ютқиннинг кўп сонли рецепторлари тактил, термик, таъм билиш, кимёвий ва оғриқ таъсиротларини қабул қиласди.

Ютқиннинг лимфатик томирлари яхши ривожланган бўлиб, улар лимфани бўйиннинг чуқур жойлашган лимфа тугуларига узатади ва бурун, ҳиқилдоқ, кизилўнгачтнинг лимфатик томирлари билан боғланган бўлади. Ютқиннинг ён томонидаги деворидан ташкарида говак бириткирувчи тўқима билан тўлдирилган ютқин олди бўшлиғи жойлашган.

Ютқин олди бўшлиғи қулоқ олди сўлак бези чуқурчаси билан тулашиб, ютқин орти бўшлиғи билан бириккан, пастки кўкс оралиғига ўтади. Ютқин орти бўшлиғи ютқиннинг орка девори билан умуртқа орти фасцияси ўртасидаги ёрикдан таркиб топган. У говак клетчатка билан тўлдирилган. Кўкрак ёшидаги болалар (тўқима)-да лимфатик тугунлар бўлиб, бурундан, бурун-ютқиндан, нофора бўшлиғидан лимфа ана шу тугунларга қуйилади. Бу тугунларнинг йиринглаши ютқин орти абсцессига сабаб бўлади. Еш улғайган сари ютқин орти бўшлиғининг лимфа тугунлари атрофияланади.



64-расм. Танглай бодомча безининг схематик тузилиши.

1 — лакуналар, 2 — фолликуллар, 3 — капсула.

ЮТҚИН ФИЗИОЛОГИЯСИ

Ютқин нафас йўлиниңг бир қисми бўлиб, ҳаво шу жойдан исиб, намланиб, чангдан заарсизланиб ва тозаланиб ўтади.

Нафас ва ҳазм йўллари ютқинда кесишади. Ютнинганда юмшоқ танглай кўтарилиб туради ва бурун-ютқинни ўрта ютқин бўшлиғидан ажратиб туради. Кейин овқат луқмаси танглай равоқчалари ортига сурилиб, ютқиндан ва ютқин орқали қизилўнгачнинг бошланғич бўшлиғига ўтади. Бир вақтнинг ўзида ҳикилдоқ кўтарилиб, унинг ёриғи тораяди, тил илдизи эса ҳикилдоқ устини ҳикилдоққа кираверишини кесиб туради, бу овқатнинг нафас йўлларига тушишини олдини олади.

Ютқин резонатор функциясини ҳам бажаради. Бунда бурун-ютқин кимирламайдиган резонатор ҳисобланади. Оғиз-ютқин ва ҳикилдоқ-ютқин эса ҳаракатчан резонатор вазифасини бажаради. Юмшоқ танглайнинг ҳаракат-чанлиги ютқиннинг резонатор функциясини амалга оширишда муайян амалий аҳамиятга эга.

Юмшоқ танглай пардасидаги ва тил илдизидаги таъм билиш рецепторлари орқали таъм билинади.

Ютқин организмнинг ҳимоя-мослашув реакцияларида иштирок этади. Ҳимоя реакцияларни талаб қиладиган механик, термик ва кимёвий таъсиротлар юз берганда ютқин мушакларининг рефлектор кискариши ҳисобига ютқин ёриғи тораяди.

Пирогов-Вальдеернинг лимфоид ютқин ҳалқаси ҳимоя вазифасини ўтайди. У турли синф иммуноглобулинларининг ишланиб чиқиши ва патогенли микроорганизмларнинг лимфоид тўқималарида парчаланишини таъминлайди. Бодомча безлар бошқа иммун компонент системалар билан боғланган бўлиб, организм иммун реакцияларининг шаклланишида иштирок этади. Юкори нафас йўллари шиллик пардасининг инфекцияга нисбатан чидамлилиги маҳаллий иммунитет бодомча безларнинг ютқин ёриғига иммуноглобулинлар, лизоцим, интерферон, лимфоцитлар, макрофаглар ишлаб чиқариш қобилияти туфайли амалга оширилади.

ЮТҚИННИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Олдинига жағ ости соҳаси, бўйин кўздан кечирилади, бунда шишнинг, асиметриянинг бор-йўклигинга, теридаги ўзгаришларга эътибор берилади. Худди шу соҳалар пайпаслаб кўрилиб, бунда оғриқ нуқталари, катталашган

лимфа тугуллари, инфильтратлар бор-йўқлиги аниқланади. Шундан кейин оғиз-ютқин текширилади — фарингоскопия ўтказилади. Кейин бурун-ютқин кўздан кечирилади, орқа риноскопия қилиниб ва ҳиқилдок-ютқин текшириб кўрилади, бевосита ларингоскопия қилинади. Ютқинни кўздан кечириш учун ёруғлик манбай, пешона рефлектори, шпатель, бурун-ютқин ва ҳиқилдок кўзгулари бўлиши зарур. Фарингоскопияда шпателни жуда ҳам чукур киритмаслик керак, акс ҳолда бемор кусиб юборади. Текшириш пайтида шиллик парданинг рангига, милклар, тишлар, тилнинг ахволига қаралади. Шунингдек танглай, тилча, олдинги ва орқадаги равоқчалар, танглайнинг бодомча безлари, ютқиннинг орқа деворлари кўздан кечирилади. Бемор «э» ёки «а» товушларини чиқарганда юмшоқ танглай харакатчанлиги аниқланади. Бодомча безлар лакуналари ичидағиси иккинчи шпатель билан олдинги танглай равоқчаларига оҳиста босиб турилиб текширилади. Лакуналар сони, уларнинг чукурлиги ва йўналиши маҳсус зонд билан текширилганда маълум бўлади.

Бурун-ютқин орқа риноскопия ёрдамида текширилганда бурун-ютқин гумбази, эшитуре найларининг кириш жойи, димоф суюги ва хоаналар ҳам кўздан кечирилади. Зарурат туғилганда бурун-ютқинни бармоқлар билан текшириб кўрилади. Ҳиқилдок-ютқинни бевосита ларингоскопия ёрдамида кўздан кечиришда тил бодомчалари, ҳиқилдок усти, ноксимон синусларнинг ҳолати текширилади. Болаларда ҳиқилдок-ютқинни аксари холларда ларингоскоп ёрдамида (бевосита ларингоскопия) текширилади. Оптик асбоблардан эндоскоплар ва видеоскоплар ҳам бўлиб, зарурат туғилганда бу асбоблар ёрдамида бурун-ютқин ва ҳиқилдок-ютқинни видеокассетадаги тасвирини кўриш мумкин.

Рентгенологик текшириш усуслари — ютқинни ён томондан рентгенография қилиш, томография, шу жумладан компьютерли томография усуслари ҳам кўлланади.

Таъм билишни текшириш учун ширин, аччик, нордон ва шўр эритмалардан фойдаланилади. Тилнинг олдинги ва орқа бўлаклари алоҳида-алоҳида текшириб кўрилади (уларнинг иннервацияси фарқ килгани учун).

ЎТҚИР ФАРИНГИТ

Ютқин шиллик пардасининг ўтқир яллиғланиши аксари холларда ўтқир бурун касалликлари билан давом этади, лекин алоҳида турлари ҳам учраб туради. Ўтқир

фарингитнинг пайдо бўлишида бурун ва бурун олди бўшлиқларининг патологик жараёнлари, касб-корга оид заарлар, ичкилик ичиш, тамаки чекиш, жуда иссик ва аччик овқат ейиш сабаб бўлади. Бунда ҳолсизланиш, томокка, кулокка бериладиган санчиқсимон оғриқ туриши (у сўлак ютилганда янада кучаяди) кузатилади. Ютқин орқа ва ён деворлари шиллик пардасининг, орқа танглай равокчаси ва тилчасининг қизариши ҳамда бир оз шишиб чикиши фарингитга хос бўлган хусусиятдир. Ютқиннинг орқа деворида лимфоаденоид гранулалар, ён деворларида эса лимфаденоид болишчаларининг катталашуви ва қизариб туриши кузатилади.

Ўткир фарингит одатда маҳаллий даволанади. Илик ишқорли ингаляциялар, ингалинт ёки оксикорт аэрозоллари, бурунга мой томчилари тайинланади. Ҳарорат субфебрил бўлганда антибиотиклар ва сульфаниламид препаратлари қўлланади.

СУРУНКАЛИ ФАРИНГИТ

Касаллик ўткир фарингитдан кейин ривожланади. Унинг пайдо бўлишига бурун касаллклари, заарли одатлар, касб-кор заарлар, иклим шароитлари (жазира-ма иссик, чангдан ифлосланиш) сабаб бўлади. Сурункали фарингитнинг уч тури: катарал, гипертрофик ва атрофик турлари тафовут қилинади.

Ачишиш, ютинганда оғриқ туриши, фарингоскопияда шиллик парданинг гиперемияси ва йўғонлашиши сурункали фарингитнинг катарал турига хос.

Давоси. Мой-ишқорли ингаляциялар, аэрозоллар, томоқни антисептик препаратлар билан чайқаш, шиллик пардага дезинфекцияловчи препаратлар билан ишлов беришдир. Дори бериб даволаш кор қилмаса, гипертрофияланган лимфоид тўқимани криоаппликатор ультратовуш ёки лазер билан ишланади.

Сурункали атрофик фарингит бурунда ва ҳикилдокдаги шиллик парданинг атрофик ўзгаришлари билан давом этади. Бемор томоги қуришишидан, ачишишидан, ёт жисм борлигидан шикоят қиласи. Шиллик парда фарингоскопия қилинганда ютқиннинг орқа девори курук, юпқалашган, ялтираб туради, баъзан эса ёпишқок шиллик ёки пўстлоқ билан копланган бўлади.

Давоси — мой-ишқорли ва мумиёнинг сувли эритмаси билан ингаляция қилиш, люгол эритмасини суртиш, витаминлар бериш, биоген стимуляторлар, темир сақловчи препаратлар тайинлаш.

ЮТҚИН ОРТИ АБСЦЕССИ

Илк болалик ёшида учраб туради. Бу касалликда ютқин орти бўшлиғида жойлашган лимфа тугунлари йиринглайди. Бурун, бурун олди бўшлиқлари, қулоқнинг ўткир касалликлари абсцесснинг авж олишига сабаб бўлади. Бунда ҳарорат кўтарилиб, бола бесаранжом бўлиб кўкракни эммай кўяди, овқат емайди, уйқуси нотинч бўлиб қолади. Бир кечада кундан кейин боланинг ютиниши ва нафас олиши қийинлашади. Хириллаб, бошини орқага ташлайди ва ён томонга буради. Ютқин кўздан кечирилганда шиллик парданинг кизаргани, пайпаслаб кўрилганда флюктуация аникланади.

Давоси. Абсцессни очиб қўйиш, антибиотиклар, сульфаниламидлар тайинлаш зарур. Абсцесс очиб қўйилгандан кейин йиринг аспирациясига йўл қўймаслик ва йирингни туфлаш осон бўлиши учун бола бошини дархол пастга энгаштирилади.

ФАРИНГОМИКОЗ

Оғиз-ютқиннинг микотик касалликлари бурун, томок, қулоқ касалликлари орасида иккинчи ўринда туради. Оғиз-ютқин шиллик пардаси кандидози кўп тарқалгандир. Бу кандидоз иммунитетнинг заифлашуви билан боғлик бўлади. Бодомча безлари кандидози кўпинча катта ёшли болаларда ва катталарда учрайди. Бу касаллик билан кўпроқ аёллар касалланади. Касаллик ўткир ва сурункали кечади. Беморни томоқдаги оғриқ, умумий дармонсизлик, субфебрил ҳарорат безовта қилади. Ютқиннинг шиллик пардаси бироз кизариб, бодомча безларда, равокчаларда унча катта бўлмаган оплок карашлар юзага келади. Шиллик пардада эрозия пайдо бўлади. Регионар лимфатик тугунлар бир оз катталашиб оғрийди.

Кандидамикозга ташҳис шикоятларга, анамнезга ва клиник манзарага асосланиб қўйилади. Бу микроскопик, культурал, серологик текширув натижалари билан тасдиқланади.

Давоси. Антибактериал воситаларни бекор қилиш ва кувватга киритувчи даво чораларини қўллаш, яъни витаминалар билан даволаш (нистатин, леворин, микосептин, деквиден) тавсия қилинади.

Маҳаллий даволашда томоқни артиш учун: 1 % ли люгол, 2,5 % ли кумуш нйтрат эритмаси қўлланилади. Томоқни чайиш учун хинозолнинг 1:5000, 1:1000 нисбатдаги сувли эритмаси, 3 % ли натрий тетраборатнинг сувли эритмаси қўлланилади.

Ютқин лептотрихозини замбуруғлар келтириб чикаради. Бунда күпроқ танглай ва тил бодомчалари заарлана-ди. Томоқнинг ачишиши ва томоқда бирор нарса борга ўхшаши касалликка хос хусусиятдир. Клиник манзараси ўзинга хос бўлиб, танглай ва тил бодомчалари юзасида ғадир-будир тузилмалар пайдо бўлади. Бунда атрофда-ги тўқималардаги ўзгаришлар билинар-билинмас даражада бўлади.

Ютқин лептотрихози сурункали кечиб, узок йилларга ҳам чўзишиб кетиши мумкин. Ташҳис характерли клиник манзара ва микроскопик текширувларга асосланниб қўйилади.

Давоси: заарланган жойлар люгол эритмаси ёки хинозолнинг 0,1 % ли сувли эритмаси билан артилади. Лазер ва криотерапия қўлланади. Бу усуллар наф бермаганда тонзиллэктомия қилинади.

АНГИНА

И. Б. Солдатовнинг таснифига кўра, ангина ёки ўткир тонзиллитлар бирламчи — катарал, лакунар, фолликултар, яра-пардали ва иккиламчи: а) ўткир юқумли касалликларда — дифтерия, скарлатина, туляремия ва корин тифи; б) кон системаси касалликларида — юқумли мононуклеозда, агранулоцитоз, алиментар-токсик алейкияда, лейкоцитларда учраб турадиган турларга ажратилади. Ангина организмнинг маҳаллий аломатлари ўткир юқумли хасталик бўлиб, у асосан танглайнинг бодомча безларида жойлашади. Стрептококклар, баъзан стафилококклар бирламчи ангинани қўзғатувчиси бўлиб хисобланади. Инфекция ташқаридан ҳам (ҳаво-томчи, контакт ва алиментар йўл билан) юқиши мумкин. Томоқ ва бодомча безлардаги микроорганизмлар вирулентлигининг ошиши натижасида ҳам ангинага йўлиқиши мумкин. Кариоз тишлар, бурун ва бурун олди бўшлиқларининг йирингли касалликлари ҳам касаллик манбай бўлиши мумкин. Термик, кимёвий ва механик таъсиrlар, толикиш, организмнинг қаршилик кўрсатиш қобилнитининг бузилиши касалликнинг авж олишига сабаб бўлади. Ангина кўпинча юрак, бўғимлар, буйрак ва бошқа аъзоларда асорат қолдиради. Аксари холларда ангина сурункали тонзиллитнинг навбатдаги зўрайиши бўлади. Асосан 15—35 ёшдаги кишилар касал бўлишади. Икки ёшгача бўлган болаларда ангина деярли кузатилмайди. Ангинада ҳарорат 38—39 даражага кўтарилиб, эт увишади, одамнинг бутун аъзойи-бадани, боши қақшаб оғрийди, тинкаси

қурийди. Айниқса ютинганда томоқдаги кучли оғриқ безовта қиласы. Оғриқ қулокка бериши мүмкін. Күздан кечирилганды тери қопламлари рангиз бўлади, жағ ости безлари катталашиб, пайпаслаб кўрилганда оғрийди. Катарал ангина фарингоскопия ёрдамида текширилганда ютқиннинг шиллик пардаси ва бодомча безлар қизаргани, равоқчалар инфильтрациялангани кўринади. Фолликуляр ангинада бодомча безларда тарикдек келадиган кулранг бўртмалар пайдо бўлади. Лакунар ангина рўй берганда лакуналар соҳасида турли шаклдаги карашлар ёки бодомча безларнинг ўзида яхлит карашлар хосил бўлади.

Фалтаксимон таёқча ва оғиз бўшлиғи спирохетаси Симановский-Плеут-Венсаннинг ярали-пардали ангина қўзғатувчиси бўлиб хисобланади. Ангина кўпинча ўнга, бир томонлама бўлади. Унга ютинишда томокда оғриқ туриши, хароратнинг субфебрил бўлиши, баъзан оғиздан ёқимсиз хид келиши, сўлак оқиши хосдир. Бодомча безлар юзасида зич бўлмаган, осонликча кўчиб тушадиган кулранг карашлар аниқланади, карашлар кўчиб тушганда ўрнида яралар кўринади. Жараён милкларга, танглай ва ютқиннинг орқа деворига ёйилиши мүмкін. Баъзан шиллик парданигина эмас, балки ён атрофдаги тўқималарни хам яра босади.

Леффлер таёқча дифтерияли ангина қўзғатувчиси бўлиб хисобланади. Касаллик оғир кечиб, кучли интоксикация (заҳарланиш), адинамия, нисбатан катта бўлмаган ҳарорат, юмшок танглай фалажи билан давом этади. Фарингоскопияда танглай безларида корамтир-кулранг калин карашлар аниқланади, улар баъзан сарғимтири ёки яшилсимон тусда бўлади ва бодомча безларидан ташқариға, танглай равоқчаларига, юмшок танглай, ютқиннинг орқа деворига тарқалади. Пардалар қийинлик билан кўчади, тагидаги юза қонаб туради. Бўйиннинг лимфатик тугунларининг шишиши, баъзан эса бўйин юмшок тўқималарининг хам шишуви кузатилади. Карашларни бактериологик текшириш тўғри ташҳис қўйишга ёрдам беради.

Скарлатиноз ангина ана шу хасталикнинг симптомларидан бири ҳисобланади. Дастлаб танглай безларининг, юмшок танглай шиллик пардасининг росмана ифодаланган гиперемияси аниқланади. Бир, икки кун ўтгандан кейин жараён танглай безларига ёйилиб, некротик ангина кўринишида кечади.

Ангина туляремия ва корин тифида камрок кузатилади.

Болаларда моноцитар ангина кўпроқ учрайди. Касалликка вируслар сабабчи бўлади. Бунда ҳарорат


38—40 даражагача күтарилиши, умумий ҳолсизлик, бош оғриши, ютинганда томоқ оғриши кузатилади. Лимфа тугунлари имо-ишора мушагининг олдинги чеккаси бўйлаб ва жағ ости соҳасига қадар катталашуви кузатилади. Оғиздан чириган нарса ҳиди келади, бодомча безлар катталашиб, кулранг-қорамтириш караш билан копланади. Конда ортиқча лейкоцитоз аниқланади. Касаллик ёнгил кечганда икки ҳафтагача давом этади.

Агранулоцитозда рўй берадиган ангинага кўпроқ катталарда кузатилади. Касаллик умумий ҳасталик заминнида, заҳарловчи дори моддалар (аспирин, амидопирин)нинг таъсири натижасида ривожланади. Касаллик оғир кечади. Ангина умумий ахволнинг кескин ёмонлашувидан, шамоллаш ва эт увишишидан бошланади. Бодомча безлар соҳасида некротик яралар ҳосил бўлади. Улар оғиз бўшлиғининг шиллик пардасига, ютқинга ва ҳатто ҳиқилдоққа тарқалиши ҳам мумкин. Ютинганда кучли оғриқ, сўлак оқиши безовта килади, оғиздан ёқимсиз ҳид келади. Кондаги лейкоцитлар (гранулоцитлар) тамомила йўқолган ҳолда лейкопения кузатилади, моноцитлар кўпаяди, эритроцитлар сони нормада бўлади.

Лейкоздаги ангинага болаларда ҳам, катталарда ҳам учраб туради. Касаллик шиддатли бошланади. Бунда тери копламларининг рангизланиши, петехиялар, қонталашиш характерли бўлади. Бўйин лимфа тугунлари катталашади. Касалликнинг бошланғич босқичида катарал ангинага кузатилади, кейин у ярали-некротик турга айланади. Конда гемоцитобластлар, меланобластлар, лимфобластлар устун келадиган лейкопения қайд қилинади, эритроцитлар сони камаяди. **Ўткир иккиласмчи тонзиллитларни** даволаш асосий ҳасталикларни даво килишдан, шунингдек антибиотиклар, сульфаниламид препаратларни тайинлашдан, томоқни дезинфекцияловчи эритмалар билан чайишдан иборат.

ПАРАТОНЗИЛЛЯР АБСЦЕСС

Паратонзилляр абсцесс ўткир ангинага асорати ҳисобланади. Касалликка сабаб — инфекциянинг лакуналардан ёки фолликуллардан бодомча безлар орти бўшлиқларига тушишидир. Жараённинг кечиши организмнинг иммун ҳолатига ва инфекция вирулентлигига боғлиқ бўлади. Паратонзилляр абсцесснинг кечишида шишган, инфильтратив ва абсцессланадиган босқичлар кузатилади. Бодомча безларда жойлашишига қараб олдинги, орқа ва ташқи абсцесслар тафовут килинади. Олдинги пар-



65- расм. а. Паратонзилляр абсцессни эңг бўртиб чиқан қисмida кесиб очиш. б. Паратонзилляр абсцессни супратонзилляр бўшлиқ орқали ёриб очиш.

тонзилляр абсцесс кўпроқ учраб туради, у бодомча безлар ёки тўқимада бодомча безнинг устки қутби олдида жойлашади. Паратонзилляр абсцесс кўпинча бир томонда бўлади. Одатда касаллик ангинадан кейин бошланади. Ютинишда оғриқ баттар зўрайиб кетади, умумий ҳолсизлик ва дармонсизлик кучаяди, ютиниш кийинлашади, саливация зўраяди. Оғиздан ёқимсиз хид келади. Чайнов мушакларининг тризми пайдо бўлади, товуш минфиллаб чиқади. Бўйин ва жағ ости лимфа тугунлари катталашив, оғриқ беради. Фарингоскопияда юмшоқ танглай, олдинги равоқча кескин қизариб, шишгани кўринади. Тилча кескин инфильтратланиб, бўртиб чиқади. Уриб кўрилганда флюктуация аникланади. Кўпинча абсцесс олдинги равоқча ёки равоқчалар орасидаги бодомча безлар усти бўшлиғи орқали ўзича бўшалади. Ташхис анамнез, шикоятлар, фарингоскопия манзарасига асосланиб кўйилади.

Касалликнинг бошланғич босқичида консерватив даво кўлланилиб, антибиотиклар, сульфаниламидлар, десенсибилизацияловчи воситалардан фойдаланилади. Маҳаллий даво сифатида аэрозол билан даволаш, томокни антисептик препаратлар билан чайиш тавсия килинади. Физиотерапия даво воситаларидан УВЧ, магнит билан

даволаш, ультратовуш, даволовчи лазер қўлланади. Абсцесс бўлганда уни ёриб очиш керак бўлади (65- расм). Паратонзилляр абсцесс оқилона даволанмагандага инфекция ютқин олди бўшлиғи ва тўш ости суюги клетчаткасига тарқалиши мумкин. Бу эса хаёт учун хавфли ҳисобланган асоратларни келтириб чиқаради.

СУРУНКАЛИ ТОНЗИЛЛИТ

Танглай безларининг сурункали яллиғланиши сурункали тонзиллит деб аталади. Бу юкумли, аллергик касаллик бўлиб, маҳаллий аломатлар билан намоён бўлади, улар танглай безларининг турғун яллиғланиш реакцияси кўришида учраб туради.

Стафилококклар, стрептококклар, болаларда эса адено-вируслар жараёни сурункали давом этишига сабаб бўлади. Кариоз тишлар, парадонтоз, аденоидлар, синуитлар, шунингдек бурун орқали нафас олишнинг бузилиши — бурун тўсигининг қийшайиши, ринитларни келтириб чиқарувчи касалликлар яъни сурункали яллиғланиш ўчоқлари сурункали жараённинг ривожланишига сабаб бўлади.

Сурункали тонзиллит кенг тарқалган касаллик ҳисобланади. Н. Б. Солдатовнинг таснифига кўра, компенсацияланган ва декомпенсацияланган носпектифик сурункали тонзиллит тафовут қилинади. Биринчи турида касалликнинг факат маҳаллий белгилари намоён бўлади, иккинчи сида эса маҳаллий белгиларга шунингдек декомпенсация белгилари ҳам қўшилади, тез-тез ангина бўлиш, умумий дармонсизлик, салга толикиш, бош оғриши, бошқа органлар ва системалар касаллиги шулар қаторига киради. Одатда bemor тез-тез ангина бўлиб туришидан, умумий дармонсизликдан, боши оғришидан, юрагининг тез-тез уришидан ва юрак соҳасидаги оғриқдан шикоят қилади. Фарингоскопияда олдинги равоқчалар қизариб, орқадагилари инфильтрациялангани маълум бўлиб, бодомча безлар ғовакли ва лакуналарда суюк йиринг ҳосил бўлади. Регионар лимфатик тугунлар катталашади. Ташҳис шикоятлар, фарингоскопик манзара анамнези ва лаборатория маълумотларига асосланиб қўйилади.

Сурункали тонзиллитнинг компенсацияланган турида комплекс, консерватив даво қилинади. Даволаш таъсирининг куйидаги усувлари қўлланилади:


1. Организмнинг табиий резистентлигини оширувчи воситалар (тўқума терапияси, зардобрлар, гаммаглобулин, темир препаратлари).

2. Гипосенсибилизацияловчи препараллар.


3. Иммунитетмодулятор дори-дармонлар ва уларни рағбатлантирадиган воситалар.

4. Танглай безларининг регионар лимфатик тугунларга маҳаллий санация килувчи таъсир кўрсатиш (лакуналарни дезинфекцияловчи эритмалар билан чайнish, улар юзасини люгол эритмаси ёки эвкалипт димламаси билан артиш, физиотерапия — локал магнит билан даволаш, СВЧ, УВЧ, наст энергияли лазер билан нурлантириш).

Сурункали тонзиллитнинг декомпенсацияланган турида тонзиллэктомия операцияси қилинади, яъни бодомча безларни бутунлай олиб ташланади (66—67- расм). Операция маҳаллий анестезия ёки наркоз остида қилинади. Борди-ю, bemorda операция килишга қарши кўрсатмалар бўлса, бодомча безларга крио ёки ултратровуш билан таъсир кўрсатилади.



66-расм. Тонзиллэктомия: шиллик парданни олдинги равоқча чеккаси бўйлаб кесиш.



67-расм. Тонзиллэктомия: бодомча безни кесиб, чикариб ташлаш.

БОДОМЧА БЕЗЛАР ГИПЕРТРОФИЯСИ

Бодомча безлар танглай равокчалари доирасидан чиқмаслиги керак деган таҳминлар бор. Бодомча безларнинг равокчалари устидан чиқиб туришини гипертрофия белгиси ҳисобланади. Болаларда танглайнинг бодомча безлари гипертрофияси лимфоид тўқиманинг умумий гиперплазияси аломати сифатида кузатилади. Гипертрофияда яллиғланишга хос ўзгаришлар бўлмайди. Ёш улғайган сари бодомча безлар кайта ривожланиб, одатдаги ўлчамгача кичраяди. Кўпинча гипертрофияланган бодомча безлар нормал нафас олиш, овқат ейиш ва гапириш учун механик тўсик ҳисобланади. Бодомча безлар гипертрофиясига мубтало бўлган болалар одатда нимжон бўлиб, болалар касалликларини оғир кечиришади. Хирургик йўл билан даво қилинади. Бунда бодомча безларнинг чиқиб турган қисми олиб ташланади. Операция тонзиллотомия деб аталади.

АДЕНОИДЛАР

Аденоидлар — бурун-ютқин бодомча безининг гипертрофияси бўлиб, кўпинча 3 дан 8 ёшгacha бўлган болалар орасида учраб туради. Аденовирус инфекцияси, грипп, кизамиқ, скарлатина, бўғма (дифтерия), ринитлар ва синуитлар бурун-ютқин бодомча безининг ўсиги кетишига сабаб бўлади. Бунда бурундан нафас олиш қийинлашиб, аденоидлар юз скелети ва кўқрак қафасининг қўйшайишига, калла ичи босимининг ошиб кетишига, ривожланётган бола организмининг функционал ўзгаришларига олиб боради.

Аденоидлар бурун-ютқин гумбазидаги асосий жойни эгаллаб, бурун-ютқинни қисман ёки томомила тўлдириб туради (68- расм). Катта-кичиклигига кўра, аденоидларнинг 3 босқичи фарқ қилинади:

1-босқичи — аденоид ўсимталари димоғ суюгининг юкори учдан бир қисмини ёпиб туради.

2-босқичи — пастки бурун чиганоқлари орқадаги учларининг дамида туради.

3-босқичи — хоаналарни бутунлай ёпиб туради.

Касаллик бурундан нафас олишнинг қийинлашуви, шиллик ажралманинг оқиб туриши, бурунга кириш жойида тери таъсирланиши билан характерланади. Бунда бола оғзини очиб ухлайди, уйқуси нотинч бўлади. Тунда сийдикни тута олмаслик, ларингоспазм кузатилади. Бундан ташқари, бола тез-тез шамоллаб туради. Юзи

шишинқираб, ўзига хос ифодаси бўлади, оғзи очик туради, бурун-ютқин бурмаси силликлашиб, тишлар кийшайиб ўсади. Олдинги риноскопияда бурун чиганоқлари кўкариб, шишиб чиккани кўринади, умумий бурун йўлида шиллик ажралади. Кариоз тишлар кўп бўлади, каттиқ танглай баланд туради. Ноғора пардалар пуштиранг, билдирув нукталари аниқ ифодаланган бўлади.

Касаллик бурундан нафас олишнинг қийинлашувига, ўзига хос ташки ифода (юзнинг «аденоид» типи), олдинги ва орка риноскопия, бурун-ютқинни бармоқ билан текшириш маълумотларига, бурун-ютқинни оптика ёрдамида текшириш, ютқин рентгенографиясига асосланниб аниқланади.

Хирургик даво Қилинади. Аденоидлар борлиги ва улар туфайли организмда пайдо бўлган патологик ўзгаришлар операция килишни талаб қиласи. Кон касалликлари, юрактомир системаси патологияси, яқинда бошдан кечирилган ўткир юкумли касалликлар бу хасталикни юзага келишига сабаб бўлади. Аденотомия операцияси маҳсус ҳалқасимон пичок — adenotom ёрдамида амалга оширилади (69-расм). Тўқима батамом олиб ташланмаганда кон



68-расм. Аденоидлар.



69-расм. Аденотомия.

кетиши мүмкін. Бу операциядан кейинги асоратлар хисобланади. Бу ҳолда adenотомияни тақрор бажариш зарур. Кон оқаверса, буруннинг орқа тампонадаси бажарилади.

ЮТҚИН КУЙИШИ

Термик ва кимёвий ютқин куйиши фарқ қилинади. Термик куйиш бүг, газ, иссик ҳаво ва суюқлик орқали бўлиши мүмкін. Суюқлиқдан куйиш кўпроқ болалар орасида учрайди. Бу қайнок сув ёки бошқа қайнаб турган суюқликни ичиб юбориш натижасида юзага келади. Куйишнинг 4 даражаси фарқ қилинади. Биринчи даражасида ютқин шиллик пардасининг қип-қизил ёйилган гиперемияси кузатилади, баъзан шиллик парда шишуви ривожланади. Беморни айниқса ютинганда оғриқ кийнайди. Одатда куйишнинг 1-даражасида барча аломатлар 5-кунга келиб босилади. Куйишнинг 2-даражасида шиллик парда шишиб оқимтири рангли некротик карашлар юзага келади. Баъзан шиллик пардада пуфакчалар бўлади. Беморни доимий оғриқ, кўп сўлак оқиши безовта қиласи. Шиш ютқинга тарқалганда нафас олиш қийинлашади. Нафасни тиклаш учун дори-дармонлар билан дестенозлаш ёки интубация ўтказилади. 2-даражали куйишда патологик ўзгаришлар 2-ҳафта охирига бориб йўқолади. Ютқиннинг 3-даражали куйишида (у камрок ҳолларда кузатилали) тўқиманинг некрози ривожланиб, яллиғланиш реакцияси яққол намоён бўлади. Патологик ўзгаришлар 3—4-ҳафтанинг охирида ўтиб кетади. 4-даражали куйишда некротик тўқима кўчиб тушгандан кейин грануляцион жараён ривожланади, чандиклар шаклланади, булар хиқилдоқ устининг шаклини ва харакатчанлигини ўзгартириши мүмкін. Тил илдизи ва ҳиқилдоқ устининг тил юзаси ўртасида, чўмичсимон тоғайлар, чўмичсимон ҳиқилдоқ усти бурмалари соҳасида чандикли битишма ҳосил бўлади. Баъзан ютқиннинг чандикли деформациялари барқарор стенозга, ютинишнинг бузилишига олиб боради.

Давоси. 1—2-даражали куйишда асоратларни профилактика қилиш учун мойли ингаляциялар, антибиотиклар, сульфаниламид препаратларни тайинлашдан иборат. 3—4-даражали куйишда дезинтоксикацион даво, антибиотиклар, кортикостероидлар тайинланади, ҳиқилдоқнинг ўткир стенози рўй берганда трахеотомия қилинади. Битишмалар ҳосил бўлса, ютқиннинг нафас орқали овқат ўтказиш функцияси бузилса, пластик операция қилинади.

Ютқиннинг кимёвий куйишлари бирмунча оғир кечиб,

тұсатдан захарланғанда ёки үз ҳаётига сүиқасд қилишга уринғанда юзага келади. Сирка кислотаси, каустик сода, аммиак эритмаси күпинча куйишга сабаб бўладиган заҳарли моддалардан ҳисобланади. Ана шу моддалардан куйганда ютқиндан ташқари, ҳиқилдок, қизилўнгач ҳам зарарланади. З-даражали куйиш кўпроқ учраб туради.

Беморнинг ахволи оғирлашади. Оғриқ синдроми кимёвий модданинг организмга қанчалар таъсир қилганини кўрсатади. Ютқиннинг шиллик пардаси шишиб, дигрилдокка, ўхшаб кетади. Қулрангсимон карашлар билан копланган, қатқалоклар ҳосил бўлади. Ютинишиң қийинлашиб, сероб саливация кузатилади.

Давоси. Беморга оғриксизлантирувчи, антигистамили препаратлар, гормонлар, нейролептиклар, антибиотиклар, витаминалар, юрак дорилари юборилади. Шунингдек суюқ, эзилтириб пиширилган овқатлар берилади. Биринчи ҳафтанинг охирларида жараён енгил кечгани учун bemорга умумий овқатлар берилади. Ютқин функциясининг бузилишига олиб келган чаңдиқли битишмалар ҳосил бўлганда пластик операция килинади.

ЮТҚИН ШИКАСТЛАНИШЛАРИ

Ёт жисмлар ёки қониқарсиз операциялар натижасида ютқин девори ичидан шикастланиши мумкин. Санчилган ва кесилган яралар кўринишидаги ютқиннинг ташқаридан шикастланиши бирмунча оғир кечади. Ютқиннинг ўқ тегишидан бўладиган яраланиши камрок учрайди.

Унинг ўзига хос белгилари қуйидагилардир: қон оқиши, ютинишининг қийинлашиши, нафас олиш ва нуткнинг бузилиши, кўпиксимон балғам туфуриш. Ташхис юқорида санаб ўтилган симптомлар, бўйинни кўздан кечириш ва пайпаслаб кўриш, барча ютқин бўлимларини кўздан кечириш асосида қўйилади.

Ютқини шикастланған bemорга қуйидагича биринчи ёрдам кўрсатилади: қон кетишини тўхтатиш, нафас йўллари ўтказувчанилигини тиклаш, карахтликка қарши курашиш, йўқотилган қон ўрнини тўлдириш, ёт жисмларни олиб ташлаш, гематомани бартараф этиш шулар жумласидандир. Йирингли асоратларни профилактика қилиш максадида антибиотиклар ва сульфаниламид препаратлар тайинланади. Парентерал ёки бурун-қизилўнгач зонди орқали овқатлантирилади.

ЮТҚИННИНГ ЁТ ЖИСМЛАРИ

Ютқинга овқат билан (сүяк, дараҳт новдалари, дон) тушган нарсалардан бошқа турли нарсалар яъни, (тиш протези ва бўлаклари, тангалар, майда ўйинчоқлар, мих ва бошқалар) тасодифан ютиб юборилганда тикилиб қолган ёт жисмлар фарқланади. Овқат ейилаётганда бирданига йўтуалиш, аксириш, гаплашиш ҳам ютқинга ёт жисмлар тикилиб қолишига сабаб бўлади. Ёт жисмлар кўпроқ ёш болаларда ва тиши тушиб кетган кекса кишиларда кузатилади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон регионларида чўпонлар ва уларнинг оила аъзолари орасида хикайлодок-ютқин соҳасидаги ёт жисмлар айниқса (зулуклар) кўп кузатилади. Бурун-халқумнинг ёт жисмлари камдан-кам кузатилади. Улар асосан бурун бўшлиғи орқали ва бурун олди бўшликлари шикастланганда тушади. Баъзан бурун бўшлиғининг ёт жисмлари олиб ташланмоқчи бўлинганда бурун-ютқинга тушиши мумкин. Бурун-ютқинга қайт қилиш пайтида ҳам овқат тикилиб қолиши мумкин.


Симптомлар — ёт жисм борлигини сезиш, йўталганда, ютингандаги оғриқнинг кучайиши, хикайлодок-ютқин соҳасида катта ёт нарса бўлганда нафас олишнинг қийинлашуви кузатилади. Ютқиндаги ёт жисмларни ташҳислаш унчалик қийин эмас (характерли анамнез борлиги ва аниқ кўрингани учун). Ташҳис фарингоскопияга, фиброскопияга, оптика, рентгенологик текшириш усулларига, назофарингоскопияга суюнган ҳолда қўйилади. Лекин баъзи ҳолларда анестезия йўли билан ютқиннинг барча бўлимларини кўздан кечириш, кўл етадиган бўлимларини бармоқлар билан текшириш мумкин.

Давоси. Ёт жисмларни ютқиндан олиб ташлаш унчайиин эмас. Ютқиннинг ўрта бўлимидан ёт жисмлар махсус қисқичлар (одатдаги фарингоскопияда) олиб ташланади. Пастки бўлимлардан эса ёт жисмлар бевосита ёки билвосита ларингоскопия, фиброскопия йўли билан олиб ташланади. Бурун-ютқиндаги ёт жисмларни орка риноскопия ёки бурун-ютқин фиброскопияси ёрдамида олиб ташланади.

ЮТҚИН ЎСМАЛАРИ

Ютқиннинг хавфсиз ва хавфли ўсмалари фарқ қилинади.

1. Ютқиннинг хавфсиз ўсмалари фибромалари, папилломалар, гемангиомалар кўриннишида учраб туради.



70- расм. Бурун-ютқин ангиофибромаси.

Бурун-ютқинда ёшлар ангиофибромаси (калла асоси фибромаси) кўп кузатилади (70- расм). Бу хавфсиз ўсма 10—25 ёшлардаги кишилар орасида учрайди. Баъзан ўсма қайта ривожланиши ҳам (қайталаниши) мумкин. Ўсманинг ривожланиш сабаби аникланмаган. Асосан ютқин фасциясида ўсади. Ўсма стромаси эластик толалар ва қон томирлар кўп бўлган зич бириктирувчи тўқимадан иборат. Ўсма бурун, бурун олди бўшликлари соҳасига, қаноттанглай чуқурчасига, кўз косаси, калла бўшлиғига тарқалиши, операциядан кейин кўпинча қайталаниши мумкин. Операция пайтида кўп қон кетиши баъзан ўлимга олиб боради.

Бурундан сабабсиз қон оқиши, буруннинг бир томонлама битиб қолиши, кейинчалик эса бурун орқали нафас ололмаслик, бурундан ажралма оқиб чиқиши касаллик нинг бошланғич клиник белгиси ҳисобланади. Кулок битиши, юқори жағ деформацияси, экзофтальм, бурундан кўп қон кетишидан (улар кўпинча камқонликка сабаб бўлади) беморнинг тинкаси қурийди. Одатда товуш оҳангига ўзгаради, оғиз очилиб туради.

Ташхис риноскопия, фиброскопия, бармок билан текшириш, рентгенография, томография маълумотларига асосланиб қўйилади.

Олдинги риноскопияда бурун бўшлиғи қизгиш рангда, баъзан ғадир-будур (ҳатто зонд сал-пал тегиб турганда), салга қонайдиган янги тузилма билан тўлган бўлади. Орқа риноскопияда бурун-ютқинни тўлдириб турадиган

думалоқ шаклдаги кизғиши ўсма кўриниб туради. Ўсма пайпасланиб кўрилганда зинч, асоси кенг бўлиб, қонаб туради. Кечиктириб юборилган ҳолларда рентгенологик текширувда ўсманинг кенг тарқалганигини аниқлаш мумкин. Биопсияга асоссланиб узил-кесил ташхис кўйилади.

Давоси. Агар ангиофиброма факат бурун-ютқин бўшлиғини тўлдириб турган бўлса, уни бурун бўшлиғи орқали интратрахеал наркоз остида олиб ташланади. Ўсма кўщни аъзоларга ўсиб кирганда юз, юкори жағ бўшлиғи, танглай орқали операция қилинади.

Оғиз-ютқинда, танглай равоқчаларида, юмшок танглайдаги кўпинча папиллома деб аталадиган ўсма учраб туради, у ясси эпителийдан ривожланади. Одатда у пуштиранг, оёқчасида юмшок консистенцияли яккам-дуккам тузилмалар бўлади. Улар олиб ташланиши зарур, кейин эса ультратовуш ёки лазер нури билан даво қилинади.

Оғиз-ютқин фибромалари камдан-кам учрайди. Улар асосан оёқчали бўлиши мумкин ёки секин-аста танглайнинг бодомча безларида (ичида) ҳам ривожланади. Томокда ёт жисм борлиги сезилиши, ютиниш ва нафас олишнинг бузилиши касаллик белгиларидан ҳисобланади.

Хирургик даво қилинади. Ўсма оғиз бўшлиғи орқали ёки фарингостома орқали олиб ташланади. Оғиз-ютқинда томир ўсмалари ҳисобланган гемангиомалар учрайди, улар кўкимтирик рангда бўлиб, бир қанча тугунсимон тузилмалар кўринишида бўлади. Улар ультратовуш ёки лазер нури билан даволаниб, электрокоагуляция ёрдамида олиб ташланади.

1. Ҳикилдоқ-ютқиннинг хавфсиз ўсмалари (папилломалар, ангиомалар, фибриомалар) ноксимон синус деворларида, тил илдизида, ютқиннинг ён ва орка деворларида жойлашади. Ҳолати ва катта-кичиклигига қараб, ўсмалар ҳикилдоқ ичи ёки ташки йўлидан олиб ташланади.

2. Ютқиннинг хавфли ўсмалари саркома, рак, меланобластлар, шунингдек ўта хавфли тонзилляр ўсмалар (ретикулосаркома, лимфоэпителиома) кўринишида учраб туради.

Оғиз-ютқиннинг хавфли ўсмаларининг дастлабки бос-кичларида ёт жисм борлиги ҳисси, ютинишда оғриқ сезилиши мумкин. Кейинчалик симптомлар ўсманинг атрофдаги тўқималарига таркалади.

Ўсманинг парчаланиши, юtingанда турадиган кучли оғриқ беморнинг тинка-мадорини курилади.

Қуйи дифференциялашган (радийга нисбатан сезувчан) тонзилляр ўсмалар энг хавфли ўсмалар ҳисобла-

нади. Бунда айникса танглайнинг бодомча безлари кўпроқ заарланади. Улар тез ўсиши, регионар лимфатик туғунларга, ичкаридаги аъзоларга эрта метастаз-бериши билан фарқ қиласди. Касаллик клиник жихатдан бодомча безлардан бирининг катталашуви билан намоён бўлади. У зич ва эластик бўлади. Вакт ўтиши билан ўсма катталашиб, ютқиннинг ён атрофига тарқалиб ва яраланиб боради.

Давоси комбинациялашган — операция қилиниб, нурлантирилади.

Хиқилдок-ютқин ўсмалари аксари чўмичсимон бурмаларда жойлашади. Эрта белгилари қўйидагилар: томок оғриши, ютинишда қийналиш. Кейинчалик нафас олиш ва ютинишнинг қийинлашиши кузатилади, овоз бўғилади. Ютқиннинг барча бўлимларидан хавфли ўсмалари кўпинча регионар лимфа тугунларига ҳам (бўйиннинг чукур лимфа томирлари, ютқин орти лимфа тугунлари), ички аъзоларга ҳам (жигар, ўпка, суяклар) метастаз беради.

Дастлабки босқичларда бурун-ютқиннинг хавфли ўсмалари белгисиз кечади. Ракда саркомадагига қаранди бу давр анча узоққа чўзилади. Бурундан нафас олишнинг бузилиши ва бурундан қон аралаш шиллиқ ажралиши касалликнинг дастлабки белгилари хисобланади. Кейинчалик қулоқ битиши, эшитувнинг пасайиши, қулоқ ва бошда оғриқ туриши безовта қиласди. Агар бурун-ютқин ўсмаси ўз вақтида аниқланмаса, у калла бўшлиғига, бурун бўшлиғига, канот-танглай чуқурчасига, орбитага тарқалади, бу неврологик симптомларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ташхис пухта йифилган анамнез, бурун бўшлиғи, бурун-ютқинни, рентгенологик текширишлар ва биопсияга асосланиб қўйилади.

Давоси: комбинацияланган. Илк босқичда — операция, нурлантириш, кимёвий операция. Бурун-ютқиннинг ўсмалари аксари радиига жуда сезувчан бўлади, шу сабабли нур терапияси барча ҳолларда қўлланилади.

ЮТҚИННИНГ ЙОҚУМЛИ ГРАНУЛЕМАЛАРИ

Ютқин сили кам учрайди, жараён иккиламчи бўлиб хисобланади. Ютқин ўпка силидаги балғам билан контакт бўлганда заарланади. Шуни хисобга олиш керакки, ўпка силининг оғир турига учраган беморларда баъзан умумий маҳаллий иммунитет жуда ҳам сусайган бўлади. Бемор одатда оториноларинголог томонидан сил яраси босқичида кўздан кечирилади, чунки инфильтрация босқичи шикоятларсиз кечади. Ютинишда кучли оғриқ сезилиши

касалликнинг асосий белгиси ҳисобланади, бу беморнинг овқатланишдан бош тортишига мажбур қилади. Нутқи тушунарсиз бўлиб, бурун оркали эштилади. Борди-ю, иккиламчи инфекция кўшилиб қолса, оғиздан қўланса хид келиб, беморнинг умумий ахволи янада оғирлашади. Фарингоскопияда четлари ғадир-будур, оч пушки ранг, йирингли караш билан қопланган ясси яра аниқланади. Унинг тагида суст грануляцияланган жараён бўлади. Яра ютқиннинг орқа деворида ёки орқа равоқчада жойлашади. Юмшоқ танглай кескин инфильтрацияланади.

Давоси. Маҳаллий тарзда антисептик препаратлар: анестетиклар берилади. Ультратовуш ва қуи энергетик лазер билан таъсир қилинади.

Ютқин захми. Бирламчи захм камрок учрайди. Бунда факат бодомча безларгина заарланади. Бирламчи захмнинг эрозив, ярали ва ангинага ўхшаш турлари тафовут қилинади. Ўртача ўткир кечиши, жараённинг бир томонлама бўлиши, бодомча безларнинг катталашуви ва уларнинг оғриқ бериши ана шу барча турларга хос умумий белги ҳисобланади. Эрозив турида битта бодомча безда катталиги 0,5 дан 2 см гача келадиган, туби силлик қизғиш рангли, атрофдаги тўқималар билан реакцияга киришадиган эрозия пайдо бўлади. Пайпаслаб кўрилганда бодомча безларнинг зичлашуви сезилади. Ангинага ўхшаган турида бодомча без жуда ҳам катталашиб, қаттиқ оғриқ пайдо бўлади, умумий ҳолсизлик, ҳароратнинг кўтарилиши кузатилади. Ютқинда кўпинча захмнинг иккиламчи аломатлари учраб туради. Эритемалар ва папулалар кузатилади. Бемор томоқдаги оғриқдан, қуруқлик, ачишиш хисси, ҳароратнинг кўтарилиб кетганидан нолийди. Бирламчи захмда олдинги равоқчалар кип-қизариб, у кейин бодомча безларга ва юмшоқ тўқималарга тарқалади. Иккиламчи турида бодомча безларда, юмшоқ ва қаттиқ танглайда папулалар ҳосил бўлади, улар юзасида чикиб туради. Чикиб турган қисми окимтири бўлиб, доирасида пуштисимон гардиш бўлади. Папулалар кайталаниши мумкин.

Кўпинча ютқинни захмнинг учламчи тури заарлантиради, у аксари ютқиннинг орқа деворини шикастлаб, бу инфильтратив ёки гумбаз турида яқкол намоён бўлади. Гуммалар тез парчаланиб, четлари қирқилган, туби ёғли ва чеккали инфильтрати бўлган ўзига хос ярани ҳосил қилади. Кейинчалик яралар битиб кетиб, чуқур юлдузсимон чандиклар ҳосил қилади.

Давоси. Умумий, специфик ва маҳаллий симптоматик.


ХИҚИЛДОҚ КАСАЛЛИҚЛАРИ

ХИҚИЛДОҚ АНАТОМИЯСИ

Хиқилдок бўйиннинг олдинги сатҳидаги ковак аъзо бўлиб, тил ости суяги ва биринчи кекирдакнинг ярим ҳалқаси орасида жойлашган. Хиқилдок скелети унинг асосини ташкил қиласи, у тоғайдан иборат. Хиқилдокда қатор бойламлар бўлиб, улар тоғайларни бир-бири билан бирлаштиради ва унинг тил ости суяги ва кекирдак билан алоқасини таъминлайди. Хиқилдок мушакларини икки гурух ташки ва ички мушакларга ажратиш қабул қилинган. Хиқилдок қатор аъзолар — ютқин, қалқонсимон без, кизилўнгач билан чамбарчас боғланган бўлади.

Хиқилдок скелети тоқ тоғайлардан узуксимон, қалқонсимон, хиқилдок усти ва жуфт тоғайлар — чўмичсимон, понасимон ва шохсимон тоғайлардан иборат (71-расм).

Узуксимон тоғайнини хиқилдок асоси деб ҳисобланади. Узукка ўхшайди, чунки унинг ҳалқаси ёки ёйи бўлиб, улар олдинга йўналган ва орқа деворида «тамғачаси» бўлади. Қалқонсимон тоғай катта бўлиб, квадрат шаклидаги иккита тоғай пластинкасидан иборат. Бу бўртма ёки бурчак «ошқовоқ» ёки «Адам олмаси» деб юритилади. Бу бўртма эркакларда анча ифодаланган бўлади. «Қовоқ» устидан пайпасланганда юқори қалқонсимон кесим аникланади. Қалқонсимон тоғайнинг ҳар бир пластикаси бир жуфт бўртмага эга бўлиб (қалқонсимон тоғай шоҳлари), юқори шоҳлари билан қалқонсимон тоғай тил ости суягининг катта шоҳлари бириккан бўлади. Паст-



71-расм. Хиқилдок скелети (хиқилдок тоғайлари ва бойламлари).

1 — epiglottis, 2 — cornu superior, cartilaginis thyroideae, 3 — ligamentum thyroidea, 4 — incisura thyroidea; 5 — lamina sinistra, 6 — cornu inferius; 7 — ligamentum cricothyreoidum medium; 8 — cartilago cricoidea; 9 — ligamentum cricotracheale; 10 — cartilagine tracheales; 11 — ligamenta annularia

ки, кичик шохлар чин бўғимлар воситасида қалқонсимон тоғайнни узуксимон тоғайнинг ён сатҳи билан бирлаштиради. Қалқонсимон тоғайнинг бу элементлари қалқонсимон тоғайнинг узуксимон тоғайга нисбатан бўлган ҳаркатчанлигини таъминлайди. Бу ҳиқилдоқнинг ишлаб туриши учун ниҳоятда муҳимдир.

Ҳиқилдоқ усти япроқни эслатиб, унинг кенгайган қисми тепага қараган бўлади, дастаси эса юқори қалқонсимон кесик остида кекирдакнинг икки сатҳига маҳкамланади. Шаклига кўра чўмичсимон тоғайлар чўмичга ўҳшаб кетади. Уларнинг бирида «асос» ва чўкки бўлади. Чўмичсимон тоғай асоси ёнида иккита ўсимта бўлади. Улардан бири олдинга йўналган бўлиб, унга товуш бурмаси бирикади. Шу юнинг учун у товуш ўсимтаси деб аталади. Иккинчи ўсимта ён, латерал томонга қараган бўлиб, унга товуш ёриғини торайтирувчи мушаклар бирикади, шунинг учун у мушак ўсимтаси деб аталади.

Чўмичсимон тоғайлар чин бўғимлар орқали узуксимон тоғай «тамғачаси»нинг юқори чаккаси билан бирлашади. Шу муносабат билан чўмичсимон тоғай мушакларнинг ишлаб туриши туфайли фронтал текисликда ҳам (яъни чўмичсимон тоғайлар бир-бирига яқинлашиши эҳтимол), ҳар бир тоғай учун вертикал ўқ атрофида ҳам айланиши мумкин. Бу, товуш ёриғининг ёпилишига ва кенгайиб туришига имкон беради.

Понасимон тоғайлар бойламлар ичкарисида бўлиб, бу бойламлар чўмичсимон тоғайларни ҳиқилдоқ усти билан бирлаштиради. Шоҳсимон тоғайлар ҳар бир чўмичсимон тоғайнинг чўккисида жойлашган бўлиб, тоғайлар чин бўғимга ана шу чўкки орқали бирикади.

Қалқонсимон-тил ости бойлами қалқонсимон тоғай пластиналари чеккасининг сатҳидан шохларга ва тил ости суяги танасига сербар парда бўлиб кўтарилади. Конуссимон бойлам ўрта чизик бўйича бўлиб, узуксимон тоғай равофини қалқонсимон тоғайнинг пастьки чеккаси билан бирлаштиради ва конус шаклида бўлади. Узуксимон тоғай ҳам кекирдакнинг биринчи ҳалқаси билан ана шу бойлам билан бирлашган (72- расм).

Ҳиқилдоқнинг ташки мушаклари тўш дастасини тил ости суяги, қалқонсимон тоғай, шунингдек қалқонсимон тоғайнни тил ости суяги билан бирлаштиради. Тўш-тил ости, тўш-қалқонсимон ва қалқон-тил ости деган номлар ана шундан келиб чиккан. Бу мушаклар ишлаб турганда ҳиқилдоқ тепага кўтарилиб ва пастьга тушиб туради.


Ҳиқилдоқнинг ташки мушаклари икки гуруҳга ажратилиди: товуш ёриғини кенгайтирувчи ва торайтирувчи


72- расм. Хиқилдок бойламла-
рининг олд томондан кўриши:

1. lig. anularis
2. lig. cricotrachealis
3. arcus cartilaginis cricoideae
4. art. cricothyreoidae
5. cornu inferius cartilaginis thyreoideae
6. cartilago thyreoidea
7. cornu superius cartilaginis thyreoideae
8. lig. thyreohyoideum medianum
9. cartilago triticea
10. lig. thyreohyoideum laterale
11. cornu majus ossis hyoidei
12. cornu minus ossis hyoidei
13. corpus ossis hyoidei
14. membrana thyreohyoidea
15. incisura thyreoidae superior
16. tuberculum thyreoidum superior
17. lamina sinistra cartilaginis thyreoideae
18. art. cricoarytaenoidea
19. lig. cricothyreoidum
20. cartilagine tracheales

мушаклар шулар жумла-
сидандир. Хиқилдокнинг
товуш йўлини фақат узук-
чўмичсимон мушак кен-
гайтиради. Бу мушак узук-
симон тоғай тамғачаси-
нинг орқа сатҳида бошла-
ниб, бошқа учи билан чў-
мичсимон тоғайнинг му-
шак ўсимтасига маҳкам-
ланган. Бир қанча мушак-
лар товуш ёригини торай-
тириб туташтиради. Ён та-
рафдаги узук чўмичсимон мушак узуксимон тоғайнинг ён

сатҳида бошланади ва чўмичсимон тоғайнинг товуш ёрифи-
га маҳкамланади. Бу мушак орқа узук-чўмичсимон мушак
антагонистидир. Кўндаланг чўмичсимон мушак чўмичси-
мон тоғайларнинг орқа сатҳларини бирлаштиради.
У қисқарганда товуш ёриги орқа бўлимларида туташади.
Кия чўмичсимон мушаклар (чўмичсимон тоғайнинг бири-
дан иккинчи тоғай асосига борувчи) қисқаришда чўмичси-
мон тоғайларни яқинлаштиради. Товуш мушаклари товуш
бурмаларининг асосини ташкил килади. Ўлар чўмичсимон
тоғайларнинг товуш ўсимталаридан чиқиб, олдинга йўна-
зди, қалқонсимон кесик остидаги кекирдакнинг ички
штхига бирикади. Олдинги узук-қалқонсимон мушак
узуксимон тоғай ёйининг юқори чеккасидан бошланиб,
қалқонсимон тоғай иккала пластинканинг ички юзасига
тирикади. Бу мушакларнинг қисқариши товуш ёригининг
бройишига олиб келади ва товушни хиқилдок ёрдамида
закллантиришга ёрдам беради (73-расм). Хиқилдок
ўшлиғини қоплаб турадиган шиллик парда юткин
пардасининг давоми ҳисобланади. Эпителей товуш бурма-
ларида, чўмичсимон бўшлиқ орасида, хиқилдок устининг





73-расм. Ҳиқилдокнинг нафас олишда
(а) ва фонацияда кўриниши (б)


бўш чеккасида ясси бўлади. Қолган сатҳида у кўп қаватли, милтилловчи бўлади. Шиллик ости катлами турли бўлимларда хилма-хил ривожланган. У вестибуляр соҳада, чўмичсимон-ҳиқилдок усти бурмаларида товуш ости бўшлиғида айниқса ифодаланган бўлади.

Ҳиқилдокни З қаватга бўлиб ўрганилади: юкори ҳиқилдокқа кириш, вестибуляр бўртмалар: ўрта — товуш бурмалари, товуш ёриғи; пастки — бурма ости ёки товуш ости бўшлиғи (74-расм) шулар жумласидандир. Бундай ажратишга сабаб фактат анатомик хусусиятларгина эмас, балки ҳиқилдокнинг турли патологиясида ўзига хос клиник аломатлар борлигидир. Нормада товуш бурмалари оқимтири рангда, ҳиқилдокнинг қолган бурмалари пушти-сарғимтири рангда бўлади.


Кон таъминоти юкори қалқонсимон артерия хисобига амалга оширилади. Ҳиқилдок юкори ва пастки ҳиқилдок нервлари орқали иннервацияланади. Юкори ҳиқилдок нерви бўйиндаги сайёр нервдан чикади, иккита ҳиқилдокнинг шиллик пардасига яқинлашувчи сезувчан ва харакатлантирувчи шохлари бўлади. Пастки ҳиқилдок нерви ҳам сайёр нервдан чикса-да, лекин ундан пастрок, чап тарафдагиси кўкрак бўлимида бошланиб, аорта равогини айланиб ўтади ва бўйинга қайтади, ўнг томондагиси — ўмров ости артериясини айланиб ўтади ва бўйинга қайтади. Улар ҳиқилдокнинг ички мушакларини иннервация қиласиди. Ҳиқилдок устининг олдинги сатҳи тил-ютқин нерви шохлари билан таъминланади (75-расм).

74- расм. Хикилдок қаватлари.

1 — вестибуляр бўлими, 2 — ўрта бўлим, 3 — пастки бўлимнинг бойлам ости бўшлиғи.



75- расм. Хикилдок артериялари ва иннервацияси.



ХИҚИЛДОҚ ФИЗИОЛОГИЯСИ

Хиқилдок нафас, химоя ва товуш ҳосил қилиш функциясини бажаради. Хиқилдокнинг нафас функцияси олинган ҳавони пастки бўлимларига ўтказишдан иборат. Нафас олинаётганда товуш ёриғи очик туради ва унинг кенглиги организмнинг кислородга бўлган эҳтиёжига боғлик бўлади. Товуш ёриғи рефлектор равишда очилиб туради. Бунда нафас актига ковурғалараро мушаклар ва диафрагма қўшилгани туфайли нафас ҳаракатлари мароми ва чуқурлиги ўзгаради. Рефлекс ёй нафас марказининг көк ўртасида туташади.

Хиқилдокнинг химоя функцияси товуш ёригининг рефлектор торайишига ва ўпкага таркибида чанг, газ ва бошқа зарарли аралашмалар бўлган ҳаво оқимининг секинлашувидан иборат. Хиқилдок овқатнинг нафас йўлларига тушиб қолишидан химоя килади. Ютиниш акти пайтида хиқилдок усти хиқилдоқка кириш жойини ёпиб туради, юкорига кўтарилиб ва тил илдизи остига келади. Ички мушаклар эса хиқилдок тешигини ёпиб қўяди. Хиқилдоққа ёт жисмлар тушиб қолганда пайдо бўладиган рефлектор йўтал хиқилдок химоя функциясини аломати ҳисобланади. Бунда товуш ёриғи ёпилиб ёт жисм йўтал туфайли хиқилдоқдан сурилиб чиқиб кетади. Лекин товуш ёригининг ёпилиб қолишининг салбий томони ҳам бор: ёт жисм кекирдакка тушиб қолганда товуш ёриғи организмдаги ёт жисмни ташқарига чиқариб юборишига уринганда бирданига ёпилиб қолади.

Хиқилдокнинг товуш ҳосил қилувчи функцияси бутун мушаклар гурухининг ишлаши ҳисобига фонацияда товуш бурмалари юмилади ва шунинг учун чиқаверишда ўтадиган ҳаво бурмаларини ён верига айриб юборса-да, лекин мушакларнинг таъсири остида бурмалар қайтадан зич бўлиб ёпилиб қолади. Нафасдан чиқариладиган ҳаво устунининг босими ана шу ёпилиш ва очилишнинг навбатлашувига ёрдам беради, ўз навбатида ҳаво кўкрак қафаси мушакларининг ишлаб туриши ҳисобига тепага кўтарилиб, товуш ости соҳасини босиб туради. Товуш бурмаларининг ёпилиши ва очилиши нафасдан чиқариладиган ҳаво оқимининг тебранишига ёрдам беради. Бу тебранишлар атроф-мўхитга тарқар экан, у товуш сифатида эшитилади.

Шивирлаб гапириш кўндаланг чўмичсимон мушак иштирокисиз юзага келиб, у товуш ёригини орқа бўлимларини торайтиради. Товуш ёригининг орқа бўлимларидағи учбуручак шаклидаги ёриқ тораймай қолади холос. Товуш

бурмалари ўз массасида ўзгармасдан қолаверади, лекин ҳаво заррачаларининг кўрсатиб ўтилган учбурчак шаклидаги ёриқ соҳасида ишқаланишни биз шивирлаган товушдек эшитамиз.

Эркакларнинг ғайритабиий баланд товуши — фальцет ҳам ўзгариб туради. Бу ҳолларда товуш бурмалари ҳам ўзининг эркин четлари орқали тебраниб туради. Бундан ташқари, фальцетда товуш бурмалари ёпилмасдан, орасида чўзинчок ёриқ қолади.


Товуш кучи товуш бурмаларининг тебраниш амплитудасига боғлик. Бунга сабаб — ҳаво босимининг қиймати, яъни ташқарига чиқариладиган ҳаво кўчидир. Товуш баландлиги товуш бурмаларининг узун-қисқалигига ва кенглигига, товуш бурмаларининг таранглигига, тебранишларнинг частотасига боғлик бўлади. Мутация, яъни ўғил болаларда «товуш ўзгариши» ҳиқилдоқнинг олдинги орка ўлчамларининг тез ўсиши ҳисобига юзага келади. Жанубий вилоятларда мутация вакти 10—12 ёшга, шимолий вилоятларда эса 14—15 ёшга тўлганда тўғри келади. Бу даврда паст тонлардан бирданига баланд тонларга ўтиш ҳоллари кузатилади, товуш бурмалари йўғонлашиб қизаради. Жинсий безлар ривожланиши издан чиқсан тақдирда мутация кузатилмайди.

Гапириб турганда нафас ўлчамлари ўзгаради. Бу нафас ҳаракатлари сони бир дақиқада 8—10 га тенг бўлиши билан таърифланади. Яъни 2 баравар камаяди, демак, нафас ҳаракатларининг бутун цикли одатдаги нафасга караганда 5—8 марта узайган бўлади.

ҲИҚИЛДОҚНИ ТЕҚШИРИШ УСУЛЛАРИ

Ҳиқилдоқни ташқаридан текшириш тоғай тўқимасида, янги тузилмаларда, яллиғланиш жараёнларида унинг асимметрияси ҳакида фикр юритиш имконини беради. Ҳиқилдоқни пайпаслаб кўриш, суриладиган тоғайларнинг шиқирлашини аниқлаш имконини берадиган ҳиқилдоқнинг горизонтал текисликда фаол силжиши (булар бўлмаганда ҳиқилдоқда хавфли ўсма бор деб гумон қилинади) муҳим диагностик усул ҳисобланади. Ҳиқилдоқ бўшлигини кўздан кечириш учун билвосита ларингоскопия усулидан фойдаланиш зарур. Билвосита ларингоскопия ҳиқилдоқнинг дастали кўзгуси ёрдамида, бевосита ларингоскопия эса маҳсус асбоблар — автоном ёритувчиси бўлган ларингоскоплар ёрдамида бажарилади.

Билвосита ларингоскопияда (76-расм) бемор ўтирган ҳолатда бўлиб, ёруғлик манбай унинг ўнг кулоғи



76-расм. Билвосита ларингоскопия, ҳиқилдок кўзгусининг оғиз-юткін-даги вазияти.

77-расм. Билвосита ларингоскопия, ҳиқилдоқнинг одатдаги (нормадаги) кўриниши.


1 — ҳиқилдок усти тогайи, 2 — чўмичсимон ҳиқилдок ости бурмаси, 3 — чўмичсимон тогайлар, 4 — сохта бойламлар, 5 — чик товуш бойламлари, 6 — товуш ёриғи.

рўпарасида ўрнатилади. Дастрлаб ёруғлик нурини топиш, кейин эса ҳиқилдок кўзгусини бир оз иситиш зарур, бемордан тилини чиқариш сўралади, тилни салфетка билан ўралади ва шу ҳолатда фиксация қилинади. Бунда оғиз орқали нафас олиши керак бўлади ва юз томони пастга қараган кўзгу оғиз бўшлиғига, юмшоқ танглайга тегмайдиган қилиб киритилади (77-расм). Бемордан «и» дейиш сўралади, бу ҳиқилдоқни нафас олаётган пайтда ва фонацияда кўриш имконини беради. Ҳиқилдок шиллик пардасининг ранги, товуш бурмаларининг тусига, фонация пайтида эса уларнинг ҳаракатчанлигига ва ёпилишига эътибор берилади. Бурмалар ҳаракатининг симметриклиги қайд қилинади.

Рефлекс ошган тақдирда маҳаллий оғриқсизлантиришга ўтилади, бунда анестезияловчи эритма (1—3 % ли дикайн, медикаин)лар танглайнинг шиллик пардасига, ютқиннинг орқа деворига, тил илдизига пуркалади. Шунингдек суртиш учун пахтали зондан ҳам фойдаланиш мумкин.

Билвосита ларингоскопия касалликни аниқлаш учун етарли бўлмайди. Бундай ҳолларда бевосита ларингоскопия ва микроларингоскопия қилинади, у наркоз остида, маҳсус микроскоп ёки ларингстробоскопия ёрдамида ўтказилади (78-расм).

Ташҳисни ойдинлаштиришда ҳиқилдоқни фронтал текислиқда рентгенографик текшириш, шунингдек компь-



78- расм. Бевосита ларингоскопия.

ютерли томография катта аҳамият касб этади. Бу хиқилдокнинг барча бўлимлари ахволини аниқлаш имконини беради.

ЎТКИР ЛАРИНГИТ

Ўткир ларингит хиқилдок шиллик пардасининг энг кўп тарқалган касалликларидан бири ҳисобланади. Алоҳида касаллик сифатида ўткир ларингит товушнинг ўта таранглашуви оқибатида юзага келиши мумкин. Қўпчилик ҳолларда у ўткир респиратор хасталиклар, грипп билан бирга кечади. Баъзан касаллик саноат корхоналаридаги чангнинг, газларнинг ишчиларга бўлган салбий таъсирига боғлиқ. Ўткир катарал ларингитда хиқилдок шиллик пардасининг ўзгаришлари барча хиқилдок бўлимларининг гиперемияси билан ифодаланган шиш билан характерланади, бу айникса товуш бурмаларида билинади. Нормада товуш бурмаларининг чеккаси юпқа бўлади, фонация давомида булар зич туташади. Яллиғланишда бурмалар йўғонлашиб, четлари буришиб қолади, бурмаларнинг таранглашиш ва ёпилиш хусусияти ўзгаради, бу — дисфонияга олиб боради. Яллиғланиш секрети нафас ёриғининг бўшлиғида тўпланиб, бурмаларнинг ёпилиб колишига халал беради.

Симптомлари: товуш ўзгариб дағаллашади, томок ачишади, одам йўталади, турли даражадаги дисфония кузатилади. Афония юзага келиши ҳам мумкин, бунда товуш тамомила йўқолади. Ларингоскопияда барча хиқилдок бўлимларининг бир хил қизариши, нафас ёриғида ёпишқоқ йирийгли модда тўпланиши аниқланади.

Давоси. Эхтиёт чораларини кўриш, яъни қаттиқ гаплашмаслик зарур. Борди-ю, касалнинг қасб-кори кўп гапириш билан бөглиқ бўлса, товуш функцияси тамомила тикланмагунига қадар бемор ишдан озод қилинади. Даволашда овқатланиш режими мухим ўрин тутади. Бунда совук, жуда ҳам иссик, аччик овқат ейиш ман қилинади. Ҳикилдоқнинг шиллик пардаси илиқ сут, илитилган минерал сув, бўйинга иситувчи компресс кўйиш йўли билан иситилади. Оёкларга иссик ванналар қилиш, буғли ингаляция даволаш воситалари қаторига киради. Аэрозоллар, хусусан пенициллин аэрозолини антибиотиклар сифатида ишлатиш таъсирчан воситалардан ҳисобланади. Шунингдек, мой-ишқорли эритмалар, ҳам ишлатилади, булар ҳикилдоқ ёриғида қуриб қоладиган пўстлоқларнинг ҳўлланишига ва кўчуб тушишига ёрдам беради ва йўтални камайтиради. Шишли жараёнлар рўй берган ҳолларда томир деворларининг ўтказувчалигини камайтирувчи (пипольфен, димедрол, супрастин, кальций хлорид), ҷалғитувчи воситалар сифатида болдири мушакларига ҳантал ишлатилади.

СУРУНҚАЛИ ЛАРИНГИТ

Касалликнинг уч тури учрайди: катарал, гиперпластик ва атрофик турлар. Ҳикилдоқ товуш функциясининг бузидиши барча турларга хосдир. Касб-кор заарлари, чекиш, кўп гапириш ҳикилдоқнинг сурункали яллиғланишига сабаб бўлади.

Сигарет тутуни ҳикилдоқ, кекирдак ва бронхларнинг шиллик пардасига қиравчи таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, сигарет тутуни шиллик парданинг барқарор гиперемиясига ёрдам беради, бу ўз навбатида кўплаб микдорда балғам ажралиши (бу эса айниқса эрталаблари қаттиқ йўталишга сабаб бўлади) билан давом этувчи яллиғланиш жараёнини юзага келтиради. Бунга сабаб — сигарет тутуни ҳикилдоқ, кекирдак ва бронхларнинг митилловчи эпителийсининг фаолиятини сусайтиришидир. Шунинг учун кун бўйи йўтал рефлекси пасайгандек бўлади. Йиғилиб қолган балғамнинг товуш ости бўшлиғига тушиши қийинлашади. Тунда ҳирилловчи эпителийнинг ишлаш қобилияти маълум даражада тикланиб йиғилиб қолган балғам йўталга сабаб бўлади (йўталга ажралманинг кекирдакдан кўчуб тушиши сабаб бўлади). Йўтал кучли бўлади, чунки балғам деворларига ёпишиб қолиб, кўчиши анча қийин бўлади. Бунда ҳикилдоқ шиллик пардаси микрозаарланиши мумкин, бунда ҳам яллиғланиш жараёни кузатилади.

СУРУНКАЛИ КАТАРАЛ ЛАРИНГИТ

Барча ҳиқилдок бўлимлари шиллик пардаларининг турғун, унчалик ифодаланмаган бир маромли гиперемияси, бундан ташқари, уларнинг ўртамиёна шишганлиги қайд қилинади. Ҳиқилдоқнинг шиллик пардаси, айниқса товуш бурмалари соҳасида ва чўмичсимон бўшлиғида ёпишқок шиллик билан қопланган бўлади. Товуш бурмалари узунасига ёки орка бўлимларида ёпилмайди.

Давоси. Томоқни авайлайдиган мойли ингаляция қиладиган аэрозоллардан фойдаланиш, ҳиқилдоққа абрикос мойи ва гидрокортизон қўшилган стрептомицинни кувишдан иборат.

СУРУНКАЛИ ГИПЕРПЛАСТИК (ГИЛЕРТРОФИК) ЛАРИНГИТ

Товуш, даҳлиз олди бурмалари, чўмичсимон бўшлиқдаги шиллик парданинг қалинлашуви гипертрофик ларингитга хосдир. Товуш бурмаларининг қалинлашуви товуш ёриғини тамомила ёпиб қўяди. Бу ҳиқилдок мушакларининг тезроқ ишлашини талаб қиласи, натижада уларнинг ўта толикиб қолишига ва окибат товушнинг барқарор бузилишига олиб боради. Товуш бурмаларининг қалинлашиши диффуз ва чегараланган бўлиши мумкин. «Ашулачи тугунлари» сурункали ларингит турларидан бири хисобланади. Бундай ҳолларда товуш бурмаларининг бўш чеккасида олдинги ва ўрта учдан бир қисми чегарасида кичкина тугунлар пайдо бўлади, уларнинг юзага келишини одатда товушнинг ўта зўриқиши билан боғлашади.

Комплекс даво қилинади, шиллик пардага таъсир кўрсатувчи дори воситаларидан фойдаланилади. Шунингдек лазер коагуляцияси, криодеструкция ва шиллик парданинг гипертрофияланган жойларини олиб ташлашга қаратилган хирургик аралашувлар ҳам қўлланади.

СУРУНКАЛИ АТРОФИК ЛАРИНГИТ

Атрофик ларингит давоси қийин бўлган хасталикдир, бунда атрофик ларингитга хос белгиларни бартараф этишга қаратилган полиатив даволащ усуllibаридан фойдаланса бўлади. Факат ҳиқилдоқнинг шиллик пардасидаги эмас, балки бурун, ютқин, кекирдакнинг шиллик пардаларида юзага келадиган дистрофик жараёнлар сурункали ларингитга хос белгилардир. Бу, шиллик парданинг системали касаллигидир. Бемор оғзи қуриши-

дан, томографида гүё ёт жисем борлигидан, товушнинг ҳатто афониягача бузилганидан, қатқалоқлар пайдо бўлишидан шикоят қиласди. Ларингоскопияда ҳиқилдок шиллик пардасининг рангсизланиб, товуш бурмалари юпқалашгани аниқланади. Бурмалар ўрта чизик бўйича ёпилмайди. Товуш ёриғида сарғимтири тусли қуриб қоладиган ёпишқоқ балғам кўринади.

Давоси. Шиллик пардасининг намланишига, пўстлоқларнинг кўчиб тушишига, шиллик пардасининг нафас олиш пайтида ҳаводан қуриб қолмаслигига ёрдам берадиган эритмаларни маҳсус ҳиқилдок шприци ёрдамида ҳиқилдок ёриғига қуийш керак бўлади. Шиллик пардани таъсирловчи, шиллик безлар функциясини яхшиловчи воситалардан фойдаланиш лозим.

Ишқорли ингаляциялар ёпишқоқ балғамни йўтал йўли билан кўчиришга ёрдам беради ва пўстлоқларни юмшатади. Ингаляциялар кунига бир неча марта қилиниши керак бўлганидан bemornинг ўзи уй шароитида чўнтак ингаляторидан, чанглатувчи мойли препаратлардан фойдаланиши мумкин. Стационар ингаляторийлар фақат ҳиқилдок ва кекирдакнигина эмас, балки майдабронхлар ва альвеоларгача етиб борадиган аэрозолли аппаратлар билан жиҳозланган. Бу аппаратлар ёрдамида организмга тушадиган дори моддалари жигардан ўтиб, кон айланишининг кичик доирасига тушади, бу — уларнинг узоқ вақт таъсирчан бўлишини таъминлайди. Шуни ҳисобга олиш керакки, аэрозол ҳарорати медикаментоз препаратларнинг фармакологик хоссаларига ва ҳиқилдок, бронхлар, кекирдак ҳилпилловчи эпителийсининг фаолиятига таъсир қиласди. Хусусан, ҳилпилловчи эпителий тукчалари ҳарорат 38 дара жа бўлганда ёк ҳаракат қилмай қўяди.

ҲИҚИЛДОҚНИНГ ЎТКИР ВА СУРУНҚАЛИ СТЕНОЗЛАРИ

Товуш ёриғи торайишига олиб борадиган патологик жараёнлар ҳиқилдок касалликларининг алоҳида тоифасини ташкил қиласди.

Ҳиқилдок шиллик пардасининг яллиғланиш касалликларигина эмас, балки баъзи бир дори воситаларини кўтара олмаслик оқибатида юзага келадиган шикастлашиблар, аллергик шишлар товуш ёригининг ўткир бошланадиган торайишига сабаб бўлиши мумкин. Қатор ҳолларда нафас ёригининг учкун тезлигига авж оладиган торайиш деганда гап товуш ёригини кенгайтирувчи мушақлар спазми, ёт жисмлар (овқат заррачалари, ичиладиган суюқлик, олиб кўйиладиган тиш протезлари-

нинг бўлаклари ва бошқ.) нинг тушиб қолиши натижасида юз берадиган торайиш устида гап кетади. Ичкилик ичиб маст бўлган одам нафас ёригининг овқат қолдиқларидан ёпилиб қолиши каби ҳодисалар кўп учраб туради. Бунда оғиз бўшлиғи, ютқин, кекирдак рефлектор соҳала-рининг назорат қилиш хусусияти сусайиб кетади.

Ҳикилдоқнинг ўткир стенозининг оғир-енгиллигига қараб врачнинг беморга кўрсатадиган ошиғич ёрдамининг режаси тузилади, яъни бунда консерватив ёки хирургик чоралар кўриш белгиланади. Бунда беморни жиддий текшириш керак бўлади. Бу текшириш товуш ёригининг торайиш даражасига қараб ҳикилдоқ стенозининг клиник манзарасини билиш имконини беради.

Маълумки, тинч ҳолатда катта ёшдаги одам бир дақиқа мобайнида қарийб 7 л ҳаво ютади. Бу соғ кислороднинг 225 куб метрни ташкил қиласи. Бордию, нафас ёриги торайган бўлса, ўпкада нафас актининг қайта тузилиши рўй бериши зарур, бу қайта тузилиш нафас олиш — пауза — нафас чиқаришдан иборат. Нафас акти автоматик бошқарилади. Унга қонда эриган карбонат ангидрид микдори таъсир қилиб, нафас марказини таъсирлантиради. Карбонат ангидрид микдори ошиб кетган ҳолларда (бу нафас ёриги торайганда рўй беради) нафас акти қайта тузилади, ана шу торайган ёриқдан зарур микдордаги ҳаво ўтиши учун нафас олиш узок муддатли, пауза нафас чиқариш сингари, қисқароқ бўлиб қолади. Шундай қилиб, инспиратор типдаги ҳансираш рўй беради, яъни бу ҳолларда нафас олиш анча қийинлашади.

Клиник нуқтаи назардан бемор ҳаётини саклаб қолиш ва врач томонидан қандай ёрдам кўрсатишни белгилаш учун ҳикилдоқ стенози тўрт босқичга ажратилади.

1 - компенсация босқичи. Бу босқичда бутун нафас актини бошқарувчи механизмлар ҳисобига торайган нафас ёриғида ҳаво компенсацияси ва ўрни тўлдирилиши рўй беради, нафас ҳаракатлари сони камаяди, нафас шовқинли бўлади, нафас олиш сезиларли даражада узаяди, нафас олиш билан нафас чиқариш орасидаги пауза қисқаради, шундан кейин пауза яна узаяди. Тинч одам ҳансирамаслиги мумкин, буни жисмоний зўриқиша аниқлаш мумкин бўлади. Одатда бу босқичда бемор безовта бўлмайди.

2 - босқич — нисбий компенсация босқичидир. Бунда организм қўшимча механизмларни сафарбар этиши ҳисобига юз берган нафас ёригининг торайишини ҳам удалай олади, лекин керакли ҳаво алмашинувини эндиликда анча зўрикиб амалга оширади. Инспиратор типдаги

хансираш бирмунча ифодали бўлиб узоқ нафас олиш яна қийинлашади, узоқ нафас олиш билан нафас чиқариш орасида кескин калта пауза йўқолади, нафас бундан ҳам сийраклашиб қолади. Кўкрак қафасининг юмшоқ жойлари — қовурғалараро оралиқлар, ўмров суяги чукурчаси, тўш дастаси усти соҳасининг ичга ботгани аниқ кўриниб қолади. Одам мажбурий ҳолатни эгаллашга ҳаракат килади — бошини орқага ташлаган ҳолда ўтиради, шунда қўллари билан ўрин четларини маҳкам ушлаб олади. Бемор ҳаяжонланиб, безовта бўлади, акроцианоз пайдо бўла бошлайди.

3 - боскич — декомпенсация босқичи хисобланади. Бемор ниҳоятда безовталанади, у хонада у ёқдан-бу ёқка югурга бошлайди, ҳаво етишмагандан кийим-бошини йиртиб ташлаши ҳам мумкин. Юзини ёпишқоқ, совук тер босади, кўзлари чиқиб кетай дейди, уларда кўркинч аломатлари сезилади. Юзлари кўкариб, бу ранг бирпасда бўйин ва кўкракка тарқала бошлайди. Бу боскичда нафас тезлашса-да, лекин у юзаки билинار-билинмас даражада бўлиб қолади, чунки кўкрак қафаси деярли кимирамайди ва факат ҳикилдок дўнгги (адам олмаси) тепа ва пастга тез-тез ҳаракат қила бошлайди. Товуш ва йўтал эши-тилмайди, томир уриши тезлашади, эс-хуш йўқолмайди.

4 - боскич — асфиксия (бўғилиш) босқичи бўлиб, бу босқичга эс-хушнинг йўқолиши, яъни кирарли-чиқарли бўлиб қолиши характерлидир, нафас ҳаракатлари сезилмайди ёки Чейн — Стокс нафаси типида бўлади. Юрак ишлаб туради, кўз корачиклари кенгаяди.

Ҳикилдок ўткир стенозида консерватив ва хирургик чора белгиланади. Консерватив усулдан ҳикилдок стенозининг биринчи босқичида фойдаланиш мумкин. У бурма ости бўшлиғидаги, чўмичсимон тофайлар соҳасидаги ва чўмичсимон бўшлиқ орасидаги ҳикилдок устининг тил соҳасидаги шиллик парданинг яллиғланиши ёки аллергик шишуви сабабли пайдо бўлади. Шуни унутмаслик керакки, ҳикилдокнинг ҳар қандай бўлимида юзага келган шиши тезда товуш бурмалари соҳасига, бурмалар ости бўшлиғига тарқалиши мумкин. Шу сабабли шишнинг ҳар қандай жойлашувида bemor зудлик билан кулок, томок, бурун касалликлари бўлимига ётқизилиши зарур, бу ерда касалга тўлиқ тиббий ёрдам кўрсатилади. Шиш туфайли пайдо бўлган ҳикилдок стенозига қарши куйидаги муолажалар мажмуудан фойдаланилади: чалғитувчи воситалар — оёқларга иссик ванналар қилиш (бемор оёқлари тиззасигача иссик сув солингган ваннага ботириб кўйилади), болидир мушакларига хантал қўшиш (хантални

иссик сувга ботирмаслик керак, чунки бунда унинг таъсир кучи камаяди), тўқималар шишини камайтирадиган дори воситалари (фуросемид, лазикс), томир деворларининг ўтказувчанигини камайтирувчи воситалар (димедрол, венага 10 % ли кальций хлорид эритмаси, пипольфен, супрастин, гидрокортизон, 40 % ли глюкоза эритмаси), нафас олиш марказини рағбатлантирувчи дори воситалари (лобелин, 10 %, 1, Омл), антибиотиклар аэрозоллари (200 000 ТБ), кислород ингаляциялар шулар жумласидандир.

ОШИГИЧ ХИРУРГИК ЁРДАМ

Ҳиқилдоқнинг нафас ёриги торайишига ошигич ёрдам кўрсатиш зарурати туғилганда врач шароитга қараб нафас йўлларини очиш услубини танлай билиши зарур. Бунда bemорнинг нафас ололмай қолганлиги сабабини тезда аниқлаш ва бу ҳолатни бартараф қилишга киришиш керак бўлади. Вена томирларнинг қон билан тўлалиги, баъзан эса bemор бўйнининг анатомик тузилиш хусусиятлари, ёғ клетчаткасининг қалинлиги, бўйин калталиги жарроҳлик ишини қийинлаштиради. Классик трахеотомияни ўтказиш шароити бўлмаганда врач bemорнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконини берадиган ва bemорни трахеотомия қилинадиган даволаш муассасасига олиб келгунга қадар қилинадиган бошқа ёрдам чораларини кўрсата билиши керак. Баъзан шароит тақозоси билан (транспортда кета туриб, кўчада, жамоат жойларида) қилинадиган хирургик аралашувни коникотомия деб аталади.

Коникотомия — узуксимон тоғай ҳалқасининг юкори бўлимларини қалконсимон тоғайнинг пастки чеккаси билан бирлаштирадиган ҳиқилдоқнинг коник бойлами жойлашган ерида нафас йўлини очишидир. Коник бойлам соҳасида (у бошни орқага ташлаб турганда дуруст пайпасланадиган узуксимон тоғай билан қалконсимон тоғай чеккалари орасидаги кичкина чукурликни ёпиб туради) йўғон қон томирлар бўлмайди. Тери ана шу бойламни деярли ёпиб туради, бу бойлам оркасида ҳиқилдоқ бўшлиғи бўлади. Унинг пастки товуш ости бўлими кесилганда нафас йўлига кириш анча осонлашади, бунда тўқималар қонамайди (айни пайтда кўл остида бўлган ҳар қандай нарса — ошхона пичоги, соқол олиш лезвияси — устара, қайчини ишлатса бўлади). Шундай йўл билан нафас йўлига киргандан кейин хосил қилинган тешикка диаметри бироз кичик, ковак най киритилиши зарур. Бу — bemорга бироз қийинчилик туғдирса-да,

трахеотомия қилингунча нафас олиб туриш имконини беради.

Коникотомия қилинганда узуксимон ёки қалқонсимон тоғай ва товуш ости бўшлигини шикастланишидан эҳтиёт бўлиш керак бўлади. Аксинча бу кейинчалик грануляциялар, перихондритнинг авж олишига ва чандикли тўқима ҳисобига товуш ости бўшлигининг торайишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида коникотомиядан кейин анча вақт ўтгандан сўнг нафас йўлининг торайиб қолишига сабаб бўлади. Шунинг учун бу операция танлов операцияси деб номланиб, бемор ҳаётини саклаб қолишнинг бошқа иложи қолмаганда қилинади.

Найни ҳосил қилинган тешикда иложи борича, ҳатточи қўл билан ушлаб турган ҳолда ҳам маҳкамлаб қўйиб, врач bemорни касалхонага олиб бориш имконига эга бўлади. Касалхонада эса bemорга ҳақиқий трахеостома қўйилади. Коникотомияни бажариш учун bemор боши орқага ташланган ҳолда ётқизилади. Шунда коник бойламнинг жойлашган ери аниқ билинади, лекин яхиси, буни қалқонсимон тоғайнинг олдинги чеккаси бўйлаб бориб то врач бармоғининг учи кичик чуқурчага тушгунча суриб бориб аниқлаган маъкул. Жойни аниқлаб олгач вақтни бой бермасдан анестезия қилмай, кесувчи асбобни санчиб, терини ва бойламни горизонтал кесиб товуш ости бўшлиғи ёриғига киритиш керак бўлади. Ана шу соҳанинг орқа бўйлимларини шикастлашдан эҳтиёт бўлиш керак. Кесикка киритилган найча жуда ҳам йўғон бўлмаслиги лозим, акс ҳолда бу найча атрофидаги тўқималарни босиб қўйиб, уларни яллиғланишига сабаб бўлиши мумкин.

Трахеотомия — ҳиқилдоқнинг турли хил касалликларида ва шикастланишларида bemор ҳаётини саклаб қолишнинг қадим замонлардан маълум бўлган операция усули. Лекин ҳозирги кунда ҳам бу операция жуда мурракаб жарроҳлик аралашувлари каторига киради, чунки ўз вақтида ва тўғри қилинган трахеотомия ҳақиқатан ҳам bemор ҳаётини саклаб қолиш билан бирга, унинг кейинчалик тамомила соғайиб кетишига сабаб бўлади.

Турли сабабларга кўра, масалан, ўткир респиратор — вирусли касалликлар ва бошқа инфекциялар, оғир калламия шикастланишлари натижасида юзага келадиган ўткир нафас ёригининг торайиши трахеотомия килишни талаб қиласди. Трахеотомия «пастки бронхоскопия»ни ўтказиш учун ҳам зарур бўлади, бунда бронхоскоп оғиз бўшлиғи орқали эмас, балки олдиндан тайёрланган трахеотомия орқали киритилади. Трахеостома куйидаги коидаларга амал қилиб ўрнатилади:

— чалқанча ётиш энг күп тарқалған вазият бўлса-да, лекин қатор ҳолларда трахеотомия бемор бошини орқага ташлаб ўтирган ҳолатида ҳам қилинади. Қулайлик туғдириш учун бўйин орқасига болишча қўйилади. Кейинчалик бу болишча трахеяда муолажани осонлаштириш учун елка томонга суриб қўйилади.

Трахеотомия шошилинч операция хисоблангани сабабли, кўпчилик ҳолларда маҳаллий оғриқсизлантиришдан фойдаланилади, лекин айрим ҳолларда операция ҳеч қандай оғриқсизлантиришсиз ҳам қилинади.

Бордию, операция режалашибирган асосда қилинадиган бўлса, интубацион наркоздан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бунда жарроҳлик аралашуви вактида нафас олишни бошқариб турилади. Маҳаллий оғриқсизлантириш учун новокайн ёки тримекайн (1 % ли) эритмалари ишлатилади.

Трахеяга яқинлашиш учун бўйин олди деворини аниқлашга ёрдам берадиган белгиларга ҳиқилдоқ бурмаси, узуксимон тоғай равоги, бўйинтуруқ кесимтаси киради. Бўйиннинг олдинги юзасидаги кесилган тери чизиги аник ўртадан ўтиши зарур. Акс ҳолда жарроҳ кекирдакни тополмай қолиши мумкин.

Трахеотомия турига қараб (юқориги, ўрта ёки пастки) жарроҳ қуйидаги вазиятда туради: юқориги ва ўрта трахеотомия ўтказицда ўнгда, пастки трахеотомияда чапда, бу кекирдакнинг турлича катталикда очишга ёрдам беради. Тери ҳиқилдоқ бўртмаси ўртасидан бўйинтуруқ кесик тарафига 5—6 см узунликда кесилади. Тери ва тери ости клетчаткаси скальпел (учи ўткир скальпел) билан кесилганда ҳиқилдоқ тепага-пастга бемалол сурилиб турганда скальпел учи анча ичкарига киради, бунда факат мушак тўқимасигина эмас, балки қалқонсимон безнинг бўйинчаси ҳам шикастланиши мумкин. Тўш-тил ости мушакларининг бирлашган жойидан, бўйиннинг оқ чизиги топилади. Тери ён-верига чўзилганда ярада бу чизик қўриниши операция тўғри бажарилаяпганидан далолат беради.

Бўйиннинг оқ чизиги бутун тери узунлигига кесилади. Бунда бўйин оқ чизиги жойлашган қалқонсимон без бўйинчасини шикастламаслик учун, скальпел эмас, балки қайчи ишлатилади. Бу кесикка тепадан ва пастдан тарновсимон зонд киритилади ва шу зонд бўйлаб бўйиннинг оқ чизиги бор бўйича кесилади.

Мушаклар ён тарафга олингандан кейин қалқонсимон безнинг конга тўлгани яхши қўринади. Юкори трахеотомия


ни бажармоқ учун кесишган фасция хисобига олдиндан тайёрланган қалқонсимон без бўйинчаси учи тўмтотк илгак билан пастга тортилади ва кекирдакнинг дастлабки ҳалқалари очиб қўйилади. Бордию, пастки трахеотомия ўтказиш керак бўлса, қалқонсимон без бўйинчасини тепага суреб, кекирдакнинг 3—5 ҳалқалари соҳаси очилади.

Кекирдак ёригини очишдан олдин кон оқишини тўхтатиб қўйиш лозим. Йўтал рефлексини бартараф этиш учун кекирдакнинг шиллик пардаси 5 % ли кокайн ёки 1 мл микдордаги 10 % ли дикайн эритмаси суртилади. Юқори трахеотомия бажариб бўлингач, кекирдакнинг иккинчи ва учинчи ҳалқалари ўрта трахеотомияда эса — учинчи ва тўртинчи ҳалқалари пасткисида — тўртинчи ва бешинчи ҳалқалари кесилади. Юқори трахеотомияда иккинчи ҳалқани кесишида, товуш ости бўшлиғининг шиллик пардасини шикастлашдан эҳтиёт бўлиш керак. Шу соҳа тўқималари шикастланиб, трахеотомия найчаси узок вакт қолиб кетиши натижасида грануляциялар пайдо бўлиб, ҳикилдоқ ёригини торайтирадиган барқарор чандик ҳосил қиласи.

Оқибат-натижада bemor узок вакт бу найча билан юришга мажбур бўлади.

Ҳикилдоқ стенозида ҳикилдоқ ва кекирдакнинг ўзи тепага-пастга мунтазам сурилиб тургани учун, унинг деворини тўғри кесишда ҳикилдоқни маҳкам ушлаб туриш зарур. Бунинг учун ёрдамчи врач узуксимон тоғай ёйига бир тишли илгак сан-

чиб ҳикилдоқ очилгучида уни тепага кўтариб туради. Кекирдак ҳалқачалари учи ўтқир скальпел билан кесилади (89- расм). Кекирдакнинг брка деворини шикастлантираслик учун скальпел коринчасининг учидан 0,5 мм колдирилиб, қолган қисмига ҳўл пахта ўралаади. Иккита ҳалқа ёки ҳалқа оркасидаги бойламни кесилиб тешикка кенгайтиргич киритилади. (79- расм) ва тегиш-



79- расм. Трахеотомия, трахеотомик найчани киритиш усули.

ли рақамли трахеотомик найча кўйилади. Бордию, жароҳатнинг (кекирдак тешигининг) катталиги канюля диаметрига мос келмаса ёки бор бўйига тикиб қўйилган бўлса, нафас олиш ва йўталиш пайтида тери ости клетчаткасига ҳаво кириб, эмфизема ҳосил қиласи ва у бўйин, юз, кўкрак соҳасига ҳам тарқалиши мумкин.

Зудлик билан трахеотомия қилингандан кейин, барча харакатлар ҳиқилдоқнинг ўтқир стенози ривожланишини юзага чиқарган сабабларни бартараф этишга қаратилиши лозим.

ҲИҚИЛДОҚНИНГ СУРУНКАЛИ СТЕНОЗИ

Кўпчилик ҳолларда хавфсиз ўスマлар, масалан, ҳиқилдоқ папилломатози, струмэктомия пайтида қайталанадиган нервларнинг жароҳатланиши оқибатида иннервациянинг бузилиши, чандиқли жараёнлар туфайли юзага келади. Сурункали стенозлар шунингдек ҳиқилдоқнинг шикастланиши ва куйиши оқибатида юз бериб бу, ҳиқилдоқ юмшоқ тўқималари тоғайларининг яллиғланишига сабаб бўлади. Ҳиқилдоқнинг сурункали стенозига ташҳис қўйиш қийин бўлмай, унинг оғир-енгиллиги нафас ёригининг тор-кенглиги билан белгиланади. Чандик тўқимасини хирургик йўл билан олиб ташлаб, кейинчалик беморнинг ҳиқилдоқ ёриғига Т-симон найча кўйилади. Патологик тўқима криодеструкция, ультратовуш асбоблари, лазер нурлари билан олиб ташланади.

Ҳиқилдоқнинг сурункали стенозига учраган bemорни даволашдаги асосий вазифа — келгусида bemорнинг трахеотома орқали эмас, балки табиий йўл билан нафас олишга эришишdir.

ҲИҚИЛДОҚНИНГ ХАВФСИЗ ЎСМАЛАРИ

Фибромалар ҳиқилдоқнинг кўп учраб турадиган хавфсиз ўスマлари бўлиб, улар товуш бурмалари чеккасида, олдинги бўлимларга яқин ёки ана шу бурмаларнинг юқори юзасида жойлашади. Гистологик нуқтаи назардан фибромалар бириктирувчи тўқимадан иборат бўлиб, эпителий билан қопланган бўлади. Ташки кўрининишидан улар сферик шаклда, кулрангсизмон тусли бўртмаларга ўхшаб кетади, товуш бурмалари чеккасидан бошланадиган ингичка оёқчаси бўлади. Баъзан бундай ўсманинг бириктирувчи тўқимасида жуда кўп кон томирлар бўлиб, кизғиши кўкимтири туслага киради. Бундай ҳолларга ангиофіброма дейилади. Бу ўスマлар жуда секин ўсади ва уларнинг

жойлашувига караб эрта (ўсма бойламнинг эркин чеккасида жойлашиб, фонацияда ёпилишга халал беради) ёки кечиккан белгилари бўлади (ўсма бурманинг ёпилишига тўсқинлик қилмайди).

Ҳикилдоқ фибромасига учраган беморлар асосан товуши ўзгарганидан шикоят қилишади. Бунда товуш хириллаб, чикмай қолади. Билвосита ўтказилган ларингоскопия ташхис кўйиш имконини беради — ҳикилдоқка кўйилган кўзгуда оёқчали гугурт бошчасидек келадиган ва бундан кўра каттароқ ўлчамли ўсма борлиги яққол кўриниб туради.

Хирургик даво килинади. Бунда ҳикилдоқ фибромаси маҳсус қисқичлар билан маҳаллий анестезия ёрдамида олиб ташланади. Бунда операцияда ишлатиладиган микроскопдан ва микро (митти) асбоб-ускуналардан фойдаланилади.

Болаларда хавфсиз ўсмалардан кўпроқ **папилломалар** учраб туради. Сурункасига қайталаниб турадиган, ҳикилдоқнинг ҳамма бўлимларига ва ҳатто кекирдакка тарқалишига мойиллиги бўлган касаллик ҳикилдоқ папилломатози деб ном олган.

Бу касалликда кайта-қайта қилинадиган операция (офиз орқали ёки ҳикилдоқ кесиб олингандан — ларингостомия қилингандан кейин) поллиатив чора ҳисобланади. Бунда лазер нуридан фойдаланиш мақсаддага мувофиқдир.

Ларингоцеле (ҳикилдоқнинг ҳаво ўсмаси) ҳикилдоқ ўсмаси қаторига киради, у бурма даҳлизи ичидан ривожланади. Каттагина кўринишга эга бўлган бу ўсма жағ ости соҳасида сферик шаклидаги шиш кўринишида аниқланади. Бу шиш одатдагидек оғриқсиз бўлиб, юмшоқ эластик консистенцияга эга бўлади, билвосита ларингоскопия қилинганда бурма даҳлизидан бошланган сферик шишни кўрса бўлади, бу шиш нафас ёригини ёпиб кўйиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда рентгенограммада ташқарига тарқаладиган бурма даҳлизи соҳасида ҳаволи бўшлиқ аниқланади. Хирургик даво килиниб, ларингоцеле пардаси олиб ташланади.

ҲИҚИЛДОҚНИНГ ҲАВФЛИ ЎСМАЛАРИ

Ҳикилдоқнинг бошқа бўлимларини ҳам заарлантирадиган рак ҳикилдоқнинг ҳавфли ўсмалари қаторига киради. Касалликнинг бу тури билан асосан эркаклар касалланади, айни пайтда чекувчиларда ҳикилдоқ раки, чекмайдигиларга караганда 25 марта кўпроқ учрайди.

Хиқилдоқ хавфли ўсмаси белгиларининг зўрайиши ўсма овоз бойламларида жойлашганида унинг белгилари тезда сезилади. Шу сабабли, биринчидан, одам врачга эртароқ мурожаат килади, чунки товуш бурмалари бироз ўзгарганида ҳам товуш ўзгаради, иккинчидан, ўсма овоз бурмачаларида гистологик тузилиши жихатидан секин ўсади, шу тариқа метастаз ҳам кечрок юзага чиқади. Бурма даҳлизи ўсмаси бир қадар тезроқ авж олиб, бўйин лимфа тугуларига эртароқ метастаз беради ва анча вақтгача ҳеч қандай симптомсиз кечади, шу сабабли жуда кеч аниқланади. Товуш ости соҳаси раки ҳам кеч аниқланадиган ўスマлар турига киради, чунки бемор ўзида ҳеч қандай ўзгариш сезмай юраверади, у врачга факат нафас олиши қийинлашиб қолганидагина мурожаат килади.

Бемор касаллик бошланишида томоқнинг хиқилдоқ бўлагида (хиқилдоқ усти, чўмичсимон тоғайлар, чўмичсимон-хиқилдоқ усти бурмалари) ачишиш, гоҳида оғриқ сезиши мумкин. Шундай қилиб, қайси соҳа врачи бўлишига қарамасдан агар унга мурожаат қилган bemor ўзида юқорида айтганимиздек ўзгаришлардан шикоят қилса, унга зудлик билан отоларинголог врачига учрашишни буюриши керак. Бу касалликни эртароқ аниқлаш имконини беради. Ўсманинг канчалик тарқалганлигига қараб, хиқилдоқ ракининг 4 босқичга ажратилади. (80^{а, б, в, г}.—расмлар).


1 - босқич — ўсма хиқилдоқ бўлимларининг чегарасида, масалан, товуш бурмасида жойлашиб, метастаз бермаган бўлади;

2 - босқич — ўсма хиқилдоқнинг ҳамма бўлимларини (бутун товуш бурмасини) қамраб олиб, метастаз бермаган бўлади;

3 - босқич — ўсма хиқилдоқнинг бошқа бўлимларига ҳам тарқалади (товуш бўғимлари, даҳлиз олди бурмасига, хиқилдоқ устига) регионар лимфа тугуларига метастаз беради;

4 - босқич — хиқилдоқнинг каттагина ўсмаси қўшни аъзолар (тил илдизини, кизилўнгач)га тарқалади, регионар метастазлар беради, қахексия кузатилади.

Ўсманинг ташки кўринишига қараб хиқилдоқ ракига аник ташхис қўйиб бўлмайди. Товуш бурмасининг кам ҳаракат қилиши ёки унинг бутунлай ҳаракатланмаслиги, хиқилдоқ турли бўлимлари рангининг асимметрияси (битта товуш бурмаси одатдаги рангда бўлса, бошқаси қизарган бўлади) катта аҳамият касб этади. Хиқилдоқнинг фронтал проекцияда қилинган томографияси хиқилдоқнинг ўスマдан заарланганлигини билдиради. Биопсия ташхис қўйишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.



80- расм. А, Б, В, Г. Ҳиқилдок раки босқичлари (I, II, III, IV).

Қўшма даво хирургик, нур билан, кимёвий — терапевтик усулда килинади. Ҳозирги вактда ўсманинг эрта аниқлаш усуллари йўлга қўйилганлиги авайловчи хирургик даволаш усулларининг ишлаб чиқилганлиги муносабати билан ҳиқилдоги бутунлай олиб ташланган беморлар сони анчагина камайди. Лекин тотал ларингэктомия, баъзан регионар лимфа тугунлари, тери ости клетчаткаси, вена ва томирларни олиб ташлаш усулларини ҳали ҳам ларингологлар қўллаб келишмоқда.

ҲИҚИЛДОҚ СИЛИ ВА ЗАХМ

Ҳиқилдоқ сили иккиласми касаллик бўлиб, бунда бирламчи ўчоқ ўпкада жойлашган бўлади. Бемор мунтазам балғам ажратиб йўталиши оқибатида ҳиқилдоқ шиллик пардасини қоплаган эпителий қисман шикастла-

нади. Ўзида сил микобактерияларини сақлайдиган балғам шикастланган шиллик пардага тушиб, бу ерда ўзига хос яллиғланишнинг авж олишига сабаб бўлади. Инфильтрат, бўртма ҳосил бўлиб, у кейин творогсимон ярага айланади. Ҳиқилдоқ яллиғланиши ривожланишининг ҳар бир босқичи ўзига хос аломатлар билан белгиланади, улар кўп жиҳатдан ўчоқнинг жойлашувига боғлиқ бўлади. Ўпка силига учраган беморда хириллаш пайдо бўлади, ларингоскопияда ҳиқилдоқ бўлимлари рангининг ассимметрияси якъол кўриниб туради ёки кучли оғриқ берадиган яра пайдо бўлади, бундай манзара ҳиқилдоқнинг силдан яллиғланишига жуда ўхшаб кетади.

Яралар жуда чукур бўлиб, улар перихондрит ривожланишига сабаб бўлади. Махсус даво (стрептомицин, фтивазид, ПАСК) қилиниб беморни ихтисослаштирилган муассасада кузатиб борилади.

Ҳиқилдоқ заҳми ҳар қандай босқичда учраши мумкин. Бошлангич босқичи, рак ва силда бўлгани сингари, ҳиқилдоқ шиллик пардаси рангининг ўзгариши (ассиметрик бўлиши) билан таърифланади: битта товуш бурмаси одатдаги рангда бўлса, иккинчиси қизариб туради. Бундай ларингоскопик манзарадан врач огоҳ бўлиши керак ва ташхисни ойдинлаштириб, беморни ихтисослашган муассасага (пухта анамнез, шикоятларни таҳдил этиш, серологик текширув ва ларингоскопия, биопсия қилиш юбориш чорасини кўриши зарур.

ҚИЗИЛҮНГАЧ АНАТОМИЯСИ. ЁТ ЖИСМЛАР

Ютқин еттинчи дамида қизилўнгачга ўтади, қизилўнгач катта ёшдагиларда узунлиги 25 см келадиган мушак найчасидан таркиб топган. Қизилўнгач тешиги шиллик парда билан қопланган бўлиб, унинг остида яхши ривожланган шиллик ости қатлами бўлади. Бу ҳол қизилўнгачнинг шиллик пардасига узунасига ҳам, кўндалангига ҳам осонликча сурилиб туриши имконини беради, бу овқат лукмасининг меъдага бемалол ўтиши учун жуда ҳам мухимdir.

Шиллик парда бурмалар ҳосил қилиб, турли бўлимларда қизилўнгач тешиги турлича бўлади. Қизилўнгачнинг бошлангич бўлимида «қизилўнгач оғзи» бўлади. У ёпик ҳолда бўлиб, факат ютинганда ва сўлак ҳамда овқат ўтаётган пайтда мушакларнинг ишлаб туриши туфайли очилади.

Мушаклар қизилўнгач деворининг асосини ташкил

килади. Кизилўнгачнинг юкори учдан бир қисмида қўндаланг-тарғил ва силлик толалардан, пастки учдан бир қисми факат силлик мушак толаларидан таркиб топган. Бу, кизилўнгач деворларининг қисқарувчанлик хусусиятига сабаб бўлади. Юкори бўлимда кескин спастик қисқаришлар юзага келади (бу, овқат лукмасини эзиб уни кизилўнгач тешигига суриб қўйиш учун керак бўлади). Пастда ётадиган бўлимларда кизилўнгач деворларининг перистальтик қисқаришлари пайдо бўлиб, улар овқат лукмасининг муттасил ҳаракат қилиб туришига ёрдам беради.

Кизилўнгач деворларини ташкил қилган мушак толалари узунасига ҳам, айланасига ҳам ҳаракат қилади. Улар қисқарганда овқат аста-секин меъдага қараб йўналади.

Кизилўнгач тешигининг уч «физиологик» торайиши тафовут қилинади. Биринчиси — кизилўнгачга кираверишда, иккинчиси — кизилўнгач деворларининг аортага тегиб турадиган соҳаси, учинчиси — кизилўнгачнинг диафрагма орқали ўтиш жойида ва кизилўнгачнинг меъдага кўшилиб кетадиган ери ҳисобланади.

Бу торайишлар маълум даражада кизилўнгач тешигига кириб қоладиган ёт жисмларни фиксация қилишга сабаб бўлади, айни пайтда торайишлар куйдирадиган суюқлик ичиб юборилганда кизилўнгачнинг қанчалик зарарланганигини билдиради, чунки худди шу жойларда кислота ёки ишқор кизилўнгач девори билан бирмунча узоқ вакт контактда бўлади.

Артериал кон таъминоти аортадан бошланадиган артериялар ҳисобига амалга оширилади. Иннервацияда сайёр (адашган) нерв ўз навбатида кизилўнгачга тармоқланади.

Кизилўнгач ва кекирдак деворлари орасидаги тарновчада тепага қараб қайтувчи ҳикилдок нервлари кўтарилади. Шу сабабли кизилўнгач деворининг ўсма касалликларида ҳикилдок мушаклари фалажи юз бериши мумкин, бу ана шу касалликнинг илк белгиси ҳисобланади ёки шу ерда жойлашган лимфа тугунларининг метастатик зарарланганиgidан гувоҳлик беради. Одатда бу товуш бузилиши билан кечади ва бемор бошида отоларингологга мурожаат қилади. Шиллик парда рецепторларининг тактил тарзда таъсиrlаниши кизилўнгач шиллик пардасининг асосий таъсиrotчиси ҳисобланади. Овқат лукмаси ёки ёт жисмнинг босиб туришидан баъзан спазмга олиб борадиган кизилўнгач мушакларининг қисқариши юз беради.

Кизилўнгачни текшириш билвосита ларингоскопия қилинадиган пайтда кизилўнгачга кириш жойини кўздан

кечиришдан, қизилўнгачни ён томонлама контрастсиз рентгенография қилишдан, тешикни контрастловчи воситалар билан рентгенологик текширишдан, қизилўнгач тешигини эластик ёки қаттиқ эзофагоскоплар ёрдамида кўздан кечиришдан иборат.

Ёт жисмлар қизилўнгачга кўпинча шошиб-пишиб овқатланганда, яхшилаб чайналмаган овқат билан бирга тушади. Олинадиган тиш протезлари таққанда (протезлар овқат лукмасининг ўтишини назорат килмайди), шунингдек маст ҳолда рефлексларнинг заарланиши ана шу ҳодисаларга сабаб бўлади.

Қизилўнгачнинг ёт жисмлари орасида гўшт, парранда ва балик суюклари, тиш протезлари кўпроқ учраб туради. Болалар аксарият танга, тугмаларни ютиб юборадилар.

Қизилўнгачнинг ёт жисмларини аниклаш қийин эмас. Овқатни кийналиб ютиш ёки унинг мутлақо ўтмай қолиши, тўш ортида оғриқ туришининг асосий белгиларидан ҳисобланади. Ташҳис рентгенологик текшириш ва эзофагоскопияда тасдиқланади.

ЭЗОФАГОСКОПИЯ УСУЛЛАРИ

Ютқиннинг шиллик пардасини, қизилўнгачга кириш жойини маҳаллий оғриқсизлантирилиб ёки умуман оғриқсизлантириб (дори-дармонларни бериб бўлгандан кейин) қизилўнгачнинг барча бўлимлари текшириб кўрилади. Эзофагоскопия қилишда bemor қизилўнгачига эзофагоскоп найнини киритиш учун bemor қулай вазиятни таъминлайдиган маҳсус курсида ўтириши, у кўкраги билан тирадиб турадиган суюнчиқли стулда ўтириб олиши, чалқанчасига, ёнбошлаб ёки орқасини ўгириб ётиши мумкин.

Бунда қизилўнгач мушакларини бўшаштирадиган (2 % ли промедол эритмаси), ортиқча саливацияни сусайтирадиган дорилар (0,1 % ли атропин эритмаси) ишлатилиши зарур.

Қизилўнгачга кириш жойидан ўтиш асосий тўсик ҳисобланади. Кирish жойи одатда спазм ҳолатида бўлади. Эзофагоскоп найнин ютқиннинг орка девори бўйлаб «қизилўнгач оғзи» йўналишида қатъий ўртадан ўтказиш ва най учини қизилўнгачга кириш жойи тешигига босиб турish эҳтиёткорлик билан эзофагоскоп найнин аввал қизилўнгачнинг юқори бўлимига киритиш, кейин эса астасекин пастга караб суриб бориб қизилўнгачнинг барча бўлимларини текшириб кўриш имконини беради.

Фиброзофагоскопияни бемор енгилрок кўтариади. Эзофагоскопияда аниқланган ёт жисмлар врач назорати остида махсус қисқичлар ёрдамида чиқариб олинади.


КЕКИРДАК ВА БРОНХЛАР АНАТОМИЯСИ. ЁТ ЖИСМЛАР

Катта ёшдагилар кекирдагининг узунлиги 10—12 см бўлиб, 16—20 та ярим ҳалқалардан иборат бўлади. Кекирдакнинг орқа девори чиганоқсимон фиброз тўкимадан таркиб топган бўлиб, қизилўнгач девори билан чамбарчас боғланган бўлади.

Кекирдакнинг бўйин бўлими қалқонсимон безнинг бўйинчаси билан ёпилган бўлади. Кекирдак ва қизилўнгач орасидаги тарновчадан қайтувчи ҳиқилдоқ нервлари ўтиб, улар кекирдак деворларига тармоқланади. Кекирдак иккита бронхга бўлинган бўлиб, улар пояли деб аталади. (81-расм).

Ўнг бронх чапдагисига қараганда калтароқ ва бирмунча кенг бўлиб, у кекирдакнинг давоми ҳисобланади, чапдагиси бирмунча тўмтоқ бўлиб бурчак остида бошланади, шу сабабли ёт жисмлар кўпинча айнан ўнг бронхга тусиб қолади. Кекирдак ва бронхлар толали оптика билан таъминланган эгилувчан бронхоскоплар хамда кемтиқ брохоскоплар ёрдамида текширилади. Бемор оғзи орқали ўтказиладиган бронхоскопия устки, илгари қўйилган трахеостома орқали қилинадигани пастки бронхоскопия деб аталади.

Оториноларингологларга асосан кекирдак ва бронх касалликларига чалинган беморлар мурожат килиб буларга шошилинч ёрдам кўрсатилиши керак бўлади (ёт жисмлар). Кекирдак ва бронхларда ёт жисмлар кўпинча ёш болалар орасида (5 ёшгача) учраб туради. Болалар ўйнаётган пайтда ўйинчокларининг металл ёки пластмасса бўлакларидан тортиб, то турли хил уруглар (тарвуз,



81-расм. Трахеобронхиал дараҳт.

кунгабоқар, ёнғоқ ва бошқ.) ни ютиб юборишилари мумкин. Катталарда тиш протези бўлакларининг майда суякларни ютиб юбориш учраб туради. Бронхга тушган ёт жисмнинг клиник манзараси кўпгина омилларга: ёт жисмнинг катта-кичиклиги, юзаси, материалга боғлик бўлади. Бунда олдин йўтал тутади, у анчагина давом этиб, кейин босилади. Бу йўтал рефлексининг сусайиши билан боғлик бўлади. Қатор ҳолларда кекирдак тешигига тушиб қолган ёт жисмлар кўчиб юриб, яъни йўталганда кекирдакда суриладиган бўлади. Одатда, бу кунгабоқар ёки тарвуз уругини ютиб юборганда кузатилади. Бундай ёт жисм нафас ёригига тушиб, йўтал рефлексига сабаб бўлади, бу рефлекснинг ўз навбатида товуш ёриги кенг очилган ҳолда кечиши нафас олишдан ва кучли нафас чиқаришдан иборат бўлади. Чиқарилаётган ҳаво оқимиға дуч келиб қолган ёт жисм тепага караб йўналади ва нафас ёригидан ўтиб, товуш бурмаларига тегмасдан ўз-ўзидан чиқиб кетади. Лекин талайгина ҳолларда ёт жисм бурма ости бўшлиғининг рефлексоген соҳасига тушгандек бўлса, ўша заҳоти товуш ёригини ёпиб қўядиган мушаклар кисқаришига сабаб бўлади ва ёт жисм яна пастга тушиб, бифуркацияга етади ёки пояли бронхга тушади. Ёт жисмнинг ана шундай кўчиб юриши узоқ чўзилиши мумкин, бунда йўтал рефлекси сусаяди ёки ёт жисм бронхда тиқилиб колади. Бронхда ёт жисм бўлганда ёт жисмнинг ўнг пояли бронхга тамомила ёки кисман тушишига боғлик бўлади, у гўё кекирдакнинг давоми хисобланади, чапдаги бронх эса ундан бирмунча ўткир бўлмаган бурчак остида йўналади. Бордию, ёт жисм ўлчами бронх ёригига мос келса ва уни бутунлай ёниб қўйса, ўпка коллапси юзага келади, бунда ўпка чегаралари сурилади, товуш титрайди, аускультацияда нафас йўқолади, қарама-карши томонда эмфизема кузатилади. Росмана ҳансираш аниқланади. Бундай манзара ўткир ёки аста-секин ривожланиши мумкин, бунда тиқилиб қолган ёт жисм бронх шиллик пардасининг яллиғланиши ва унинг шишишига сабаб бўлади.

Бунда умумий текширув (кўздан кечириш, перкуссия, аускультация)дан, пухта анамнез тўплашдан ташқари, кўкрак қафасини рентгенография қилиш зарур. Рентгеноконтраст ёки жисм бўлганда бу жисм суратда росмана кўринади. Рентгенонегатив ёт жисмларни аниқлашда рентгенконтраст эритмалар билан бронхография ўтказишга тўғри келади.

Бронхоскопия кекирдак ва бронхларга ёт жисмлар тушиб қолганда тез ёрдам кўрсатиш усули хисобланади:

офиз бўшлиғи орқали бажариладиган юқори ва олдиндан трахеотомия қилишга тўғри келадиган пастки бронхоскопия шулар қаторига киради. Пастки бронхоскопия узоққа чўзилиб кетган ва такрор-такрор қилиниши лозим бўлган холларда ишлатилади.

Хозирги вактда бронхоскопияда оптикаси толалардан ишланган эгилувчан ва дистал учидаги ёриттичи бўлган металл найчадан иборат эгилмайдиган асбоблар ишлатилади. Бронхларни наркоз остида текшириш ва бўлакларга ажратилган бронхларни кўздан кечириш имконини берадиган нафас олиш бронхоскоплари мавжуд. Ёт жисм маҳсус кисқичлар ёрдамида чиқариб олинади.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Оториноларингологиянинг ривожланиш тарихига доир қисқача маълумотлар	3
Ўзбекистон Республикасида аҳолига оториноларингологик ёрдам кўрсатиш ва унинг ривожланиш истиқболлари	7
Кулок касалликлари	8
Кулок анатомияси	8
Кулок физиологияси	22
Кулокни текшириш усуслари	26
Эшитув анализаторларини текшириш	30
Вестибуляр анализаторни текшириш усуслари	34
Спонтан нистагмни аниқлаш	35
Ташки кулок касалликлари	38
Ташки кулокнинг туғма касалликлари	38
Кулок супрасининг совук уриши	38
Ташки эшитув йўлидаги ёт жисмлар	40
Ташки қулоқ шикастлари	40
Оталгия	42
Ўрта кулок касалликлари	43
Ўткир ўрта отит	43
Еш болаларда ўткир отит	46
Отоген калла ичи асоратлари	57
Миянинг отоген абсцесси	58
Кулокнинг йирингиз касалликлари	61
Сурункали (ўрта кулок катари) адгезив ўрта отит	62
Отосклероз	62
Меньер касаллиги	64
Кохлеар неврит	65
Бурун ва бурун олди бўшлиқлари касалликлари	67
Бурун ва бурун олди бўшлиқлари анатомияси	67
Бурун бўшлиғи	67
Бурун олди бўшлиқлари	70
Бурун ва бурун олди бўшлиқлари физиологияси	71
Бурун ва бурун олди бўшлиқларини текшириш усуслари	73
Бурун ва бурун олди бўшлиқларининг шикастланиши	77
Бурун тўсиғи гематомаси ва абсцесси	79

Бурун бўшлигидаги ёт жисмлар ва ринолитлар	80
Бурундан кон окиши	81
Ташки бурун касалликлари	84
Бурун бўшлиги касалликлари	85
Бурун олди бўшликлари касалликлари	91
Бурун олди бўшликларининг ўткир яллиғланиши	91
Юкори жағ бўшлигининг ўткир яллиғланиши (гайморит)	91
Фалвирсимон лабиринт ҳужайраларининг ўткир яллиғланиши (этмодит)	92
Пешона бўшлигининг ўткир яллиғланиши (фронтит)	93
Понасимон бўшлиқнинг ўткир яллиғланиши (сфеноидит)	94
Бурун олди бўшликларининг сурункали яллиғланиши	94
Юкори жағ бўшлигининг сурункали яллиғланиши (гайморит)	95
Фалвирсимон лабиринт ҳужайраларининг сурункали яллиғланиши (этмодит)	96
Пешона бўшлигининг сурункали яллиғланиши (фронтит)	98
Понасимон бўшлиқнинг сурункали яллиғланиши (сфеноидит)	99
Юкори жағ бўшлиқлари кисталари	99
Бурун ён бўшликларининг яллиғланиш асорати сифатидаги кўз косаси ичи касалликлари	100
Серозли ва йирингли менингит	102
Бурун ва бурун олди бўшликлари ўсмалари	103
Юткін касалликлари	104
Юткіннинг клиник анатомияси	104
Юткін физиологияси	108
Юткінни текшириш усуллари	108
Ўткир фарингит	109
Сурункали фарингит	110
Юткін орти абсцесси	111
Фарингомикоз	111
Ангина	112
Паратонзилляр абсцесс	114
Сурункали тонзиллит	116
Бодомча безлар гипертрофияси	118
Аденоидлар	118
Юткін куйиши	120
Юткін шикастланишлари	121
Юткіннинг ёт жисмлари	122
Юткін ўсмалари	122
Юткіннинг юкумли гранулемалари	125
Ҳикилдок касалликлари	127
Ҳикилдок анатомияси	127
Ҳикилдок физиологияси	132
Ҳикилдоқни текшириш усуллари	133
Ўткир ларингит	135

Сурункали ларингит	136
Сурункали катарал ларингит	137
Сурункали гиперпластик (гипертрофия) ларингит	137
Сурункали атрофияк ларингит	137
Хиқилдоқнинг ўтқир ва сурункали стенозлари	138
Ошибич хирургик ёрдам	141
Хиқилдоқнинг сурункали стенози	145
Хиқилдоқнинг хавфсиз ўсмалари	145
Хиқилдоқнинг хавфли ўсмалари	146
Хиқилдоқ сили ва захм	148
Қизилўнгач анатомияси. Ет жисмлар	149
Эзофагоскопия усуллари	151
Кекирдак ва бронхлар анатомияси. Ет жисмлар	152

Ўқув нашри

МУМИНОВ АКРОМ ИБРОҲИМОВИЧ
тибиёт фанлари доктори, профессор

ҚУЛОҚ, ТОМОҚ ВА БҮРУН ҚАСАЛЛИҚЛАРИ

Тошкент 700 129, Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси,
Навоий кўчаси, 30.

Учебное издание

МУМИНОВ АКРАМ ИБРАГИМОВИЧ
доктор медицинских наук, профессор

БОЛЕЗНИ УХА, ГОРЛА И НОСА

Таҳририят мудири *Б. Мансуров*
Мухаррир Ш. Иногомова
Бадний мухаррир М. Эргашева
Тех. мухаррир В. Мещерякова
Мусаххих С. Абдунабиева

ИБ 2030

Босмахонага 07.12.94 да берилди. Босишга 09.08.94 да руҳсат этилди. Бичими 84×108¹/32. Газета
хозози. Офсет босма. Адабий гарнитура. Шартли босма табобк 8.4. Шартли бўёқ-оттиски 8.61.
Нашр. босма табобк 8.77. 54—92 раками шартнома. Жами 15 000 нусха. 7906 раками буюртма.
Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон республикаси Давлат матбуот қўмитаси Тошкент матбаа комбинатининг ижара кор-
хонаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ибн Сино номидаги матбаа-нашириёт бирлашмаси 1994 йилда қуышдаги дарслердинни босмадан чиқаради:

В. Г. Михайлов. Харбий-дала терапия-сидан кўлланма

Мазкур ўкув кўлланмасида ҳарбий-дала терапияси фанининг асосий масалалари кўриб чиқилади. Қитобда шунингдек уруш пайтида ярадор бўлганларга қандай тиббий ёрдам кўрсатиш кераклигига онд маълумотлар хам келтирилган ва бунга маҳсус боб ажратилган. Кўлланма тиббиёт институтларида ҳарбий-дала терапиясини ўқитиш дастурига мувофиқ тузилган.

С. М. Махкамов ва бошк. Тайёр дорилар технологияси.

Ушбу дарсликда дори тайёрлаш технологияси, дори воситалари ва тайёр дори олишининг назарий асослари ва ишлаб чиқариш жараёнлари келтирилган. Қитоб шунингдек ўкув дастурига биноан ёзилган ва тиббиёт институтлари талабаларига мўлжалланган.

Ибн Сино номидаги матбаа-нашиёт бирлашмаси 1994 йилда қуийдаги дарсликларни босмадан чиқаради:

Х. Х. Холматов, Ў. А. Аҳмедов
Фармакогнозия.

Фармакогнозия фани фармацевтика институтларида ўқитиладиган асосий фанлардан биридир.

Дарсликда ҳар бир доривор ўсмиликнинг ўзбекча ва лотинча номлари, анатомик тузилиши, географик таркалиши, кимёвий таркиби, тиббиётда ишлатилиши ва доривор препаратлари келтирилган.

М. Н. Исмоилов. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси.

Дарслик ўқув дастурига мувофик тузилган бўлиб, унда болаларнинг ва ўсмирларнинг мактабда Ҷа бошка ўқув юртларида таълим олаётганда санитария ва гигиена коидаларига онгли равишда риоя қилишларига доир маълумотлар ишонарли ва илмий тарзда асослаб берилган.